

2  
10. 91

Муҳаммад Амин  
Муҳаммад Юсуф



# ИСЛОМГА БАҒИШЛАНГАН УМР

ХОТИРА КИТОБИ

МУҲАММАД АМИН  
МУҲАММАД ЮСУФ

# ИСЛОМГА БАҒИШЛАНГАН УМР

*Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф  
роҳимаҳуллоҳ хотирасиға бағишиланади*

«HILOL-NASHR»  
ТОШКЕНТ

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI 2016

TOSHKENT AXBOROT  
TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

389803

AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК 297.1(092)Юсуф  
КБК 86.38  
М-96

*Бугунги кунда юртимизда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг асарлари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоб. У зотнинг китоблари қўйини давлатларга, ҳатто Россияяга, Жанубий Кореяга ҳам экспорт қилинмоқда, рус, инглиз, олмон тилларига таржима қилинмоқда.*

*Улуг алломамиз охират дунёсига риҳлат қилганларидан кейин у кишининг шахсларига, ҳаёт йўлларига бўлган қизиқиши янада ортди. У киши ҳам ҳамма қатори мактабда, мадрасада, олийгоҳларда ўқиганлар, аммо қандай қилиб бу қадар олий даражаларга эришганлар? Ҳаёт синовларидан қандай ўтганлар? У зотнинг ота-оналари қандай инсонлар бўлишган? Оиласари, фарзандлари-чи?*

*Ушибу саволларга ҳазратнинг болаликларидан то ҳаётларининг сўнгги дамларигача бирга бўлган, ҳаёт ташвишлари ва қувончларини бирга бошидан кечирган укалари Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф баҳолиқудрат жавоб берганлар. Ушибу хотираларни ўқиб, бу буюк инсонни ўзингиз учун яна бир бор кашф этасиз деган умиддамиз.*

**М-96      Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф**  
Исломга бағишланган умр.  
Т.: «Hilol-Nashr», 2016. – 184 б.

УЎК 297.1(092)Юсуф  
КБК 86.38

**ISBN 978-9943-4632-8-8**

© Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф  
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2016.

## **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

### **ХОТИРАНИНГ ОХИРИ БЎЛМАЙДИ**

Ардоқли устозимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг табаррук дадалари Муҳаммад Юсуф ҳожи отамизнинг сұхбатларидан баҳраманд бўлиш, дуоларини олиш баҳти каминага насиб этган эди. Аммо, ҳожи дадамиз вафот этган кунлари жанозаларига бориш имкони бўлмай, бу ҳол менга армон бўлиб қолди. Жанозадан қайтган биродарларимиз устозлар устози шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг жаноза намозидан аввал сўзлаган маъruzalарининг мазмунини айтиб беришди. Ҳожи дадамиз вафотлари ҳақидаги хабар қалбимни тирнаган бўлса, жанозадаги маъруза вужудимни ларзага солди.

**«Сиз қулоғига аzon айтган йигитлар, Сиз никоҳини ўқиганлар жанозага ҳозир бўлиб турибдилар...»**

Зоҳиран оддий ҳақиқат, оддий сўзларга ўхшайди. Ботинан эса бу сўзлар замирида чукур маънолар мавжуд. Мен шу сўзларни эшитганимда чақалоқлик пайти қулоғига аzon айтган табаррук одамнинг тобутини елкасига олганларнинг руҳий ҳолатини ҳис қилмоққа уриндим. Гап шундаки, никоҳ ўқиш, қулоққа аzon айтиш бир неча дақиқалик иш. Аммо қишлоқ масжиди имомининг вазифаси шу билан чекланмаган. Ёш оиланинг тўйдан кейинги ҳаёти, оила ҳал, бир-бирларига вафодор бўлишлари...

Кулоғига азон айтилған чақалоқнинг эса иймон-эътиқод билан улғайипи, унинг тарбияси... Буларнинг ҳаммаси табаррук Ҳожи дадамизнинг масъулиятлари доирасига киругчи вазифалар бўлган. Шу нуқтаи назардан қаралгандা, у зот жанозага тўпланганларнинг, бу маросимга етиб кела олмаган юзлаб, ҳатто минглаб одамларнинг маънавий отаси ҳисобланганлар. Аллоҳнинг марҳамати, ажру савоблари ҳам шунга яраша...

2015 йилнинг 10 март куни бошланган аямажиздан табиат дилдиради. Шу кеч тарқалган совуқ хабардан бутун вужудимизга муз югурди. Устозлар устози шайх Мұҳаммад Содиқ Мұҳаммад Юсуф билан видолашиб мақсадида Кўкчадаги масжидга келганимда устознинг дадалари тобути ёнида туриб айтган ўша сўzlари қулоғим остида жаранглайверди. Ҳали пешин бўлмай туриб одамларнинг Кўкча томон селдай оққанларини ҳамма интернет орқали кўрди. Тўпланганларнинг маълум қисми қулоғига ҳазрат азон айтганлар, маълум қисмининг никоҳини ўқиганлар, тўпланганлар орасида устознинг кўплаб маърузаларидан баҳраманд бўлганлар, асарларини ўқиб, билим олганлар бор... Камина ҳам шуларнинг бири эдим...

Жаноза бир неча дақиқалик маросим. Айрилиқ ҳам абадий эмас, балки вақтингчалик. Қиёматда ёруғ юз билан яна учрашиб, энди доимий бирга бўлиш умиди билан хайрлашдик.

Ўша кунлари устозлар устози ҳакида хотира китоби яратиш фикри туғилди. Бу ҳакда эълон қилинмаса ҳам, юзларча хатми Куръон қилиш баробаринда марсиялар ҳам ёзилди.

Кунлар ўтгани сайин хотираларни бир китобга тўплаш заруратини ҳис этдик. Бундай китобни яратиш осон эмас. Ўнларча, балки ундан-да кўп хотиралар шунчаки эслаш баёни эмас, балки қалб нидосидан иборат бўла-

ди. Бизнинг мақсадимиз айрилиқнинг руҳий азобинигина баён этиш эмас, балки «Устознинг улуглиги нимада эди?» деган саволга атрофлича жавоб бериш эди. Шайх ҳазратларининг замондошлари онгидаги хотиралар асло ўчмайди. Биз учун устоз вафот этмаганлар, қалбимизда тириклар. Ҳар куни эслаймиз, асарларини ўқиши чоғида ғойибона тарзда суҳбатлашамиз, сўнг дуолар қиласиз. Хотира китобининг бугун ҳам зарур эканини инкор этмайман, аммо бу китоб келажак авлод учун зарурдир. Тўғрироғи, келажак авлодни ҳидоят йўлида тарбиялаш учун зарурдир.

Бўлажак китобнинг асосий саҳифаларини, шубҳасизки, устознинг оила аъзолари, энг яқин қариндошлари ёзмоғи лозим эди. Шундай бўлди ҳам, қизлари Одинахоннинг насрий ва назмий марсиялари кўпнинг дилига кириб борди. Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олаётган толиби илм Мұхаммад Юсуфнинг Андижоннинг чекка қишлоғида туғилиб улғаяётган тўнғич ўғилнинг, йиллар ўтиб шайх-ур-раис мартабасига етишиш жараёнини унинг укаси Мұхаммад Амингина тасвирлаб бера олишлари мумкин эди. Демак, бу ишдаги энг оғир ва масъулиятли вазифа шайх ҳазратимизнинг укалари зиммасига тушди.

Болалик ва ёшликтин эслашнинг икки кўринишдаги ҳолати бор: биринчиси, эсланаётган воқеа иштирокчилари ҳаётлик пайтларида хуш кайфият уйғонади. Болалик ва ёшликтин сурури қалбларга қайтиб келгандек бўлади. Мұхаммад Амин акалари ҳаётлик даврларида у кишининг болаликлари ёки ёшликлари ҳақида турли воқеаларни сўзлаб берардилар. Ҳазратнинг вафотларидан ўн кун илгари бир даврада акаларининг дўстлари билан куёвлик сарпосида Намангандага борганлари ва у ердаги қизиқ воқеани кула-кула айтиб бергандилар.

Бу хотирадан устознинг ўзлари ҳам ҳузурланиб кулиб, укалари унуган айрим нұқталарни ўзлари айтиб түлдирған әдилар.

Хотиранинг иккинчи ҳолати эсланаёттган воқеадаги иштирокчилардан бирининг вафотидан кейин юз беради. Энди кулгили воқеа кишига ҳузур бағишиламайды, қалға армон ва соғинч рухини уфуради. Ўзингиз тасаввур этинг, Наманғандаги ўша кулгили воқеани энди кула-кула қоғозга тушириш мумкинми?! Хотира китобида, шубҳасиз, бу каби қизиқарли воқеалар баёни бўлади. Лекин уларни ёзаёттганда кўнгил қувонмайди, балки ҳар бир сўз қалб фарёди билан қоғозга кўчади.

Жанозанинг иккинчи куни Муҳаммад Аминнинг тоблари қочиб, шифохонага олиб кетишибди. Қисқа муддатли шифоланишдан сўнг учрашганимизда хотира китоби хусусида фикрлашдик. Кўп ўтмай хотира китобининг дастлабки саҳифаларини ўқиб, кўнглим таскин тоғандай бўлди. Муҳаммад Амин акасининг болалик оламини табиий равишда, ғоят таъсирли тарзда баён этган әдилар. Хотира китобини ёзиш жараёни қарийб бир йил давом этди. Бу кунни жуда кўп муҳлислар орзиқиб кутишганига ўзим гувоҳман. Турли учрашувларда бу хусусда албатта савол беришарди. Хотира ёзиш пайтида Муҳаммад Амин Ҳиндистонга бориб даволаниб келдилар, биз комил шифо беришини тилаб Аллоҳга муножот қилиб, кутдик. Камина Муҳаммад Амин билан баъзан телефонда сўзлашганда, баъзан учрашганда хотира китобидан сўз очардиг-у, аммо мен шоширмас эдим.

Муҳаммад Амин ҳазратга факат ука эмас, таъбир жоиз бўлса, илмий котиб ҳам эдилар. Ҳазратимизнинг азиз фарзандлари Исмоилжон улғайгуналарига қадар котиблиқ, яъни матнни кўчириш ҳам, тартиб бериш ҳам, таҳрир ҳам Муҳаммад Аминнинг зиммасида эди. Шу-

нинг баробаринда ака-ука маслакдош ҳам эдилар. Ака ва уканинг меҳрибонлигига кўп гувоҳ бўламиз, аммо маслакдош бўлиши камёб ҳодиса, шу сабабли буни ҳам улугъ неъматлар сирасига кўшсак бўлар.

«Мовароуннахр» нашриётини ташкил этиш ва унинг қаддини кўтаришда Мұхаммад Аминнинг катта хизматлари бор. Камина бу нашриётда кунда бўлмаса ҳам, ҳафтада 2-3 марта бўлардим. Исломий илмга доир айрим масалаларни Мұхаммад Аминдан ўргангандманки, шунинг учун устоз мартабасида эъзозлайман. «Шайтанат»нинг биринчи китобини нашр этишда Қуръони каримнинг Иброҳим сурасидаги оятларнинг ўзбекча маъносини эмас, асл арабча матнини бериш умидида Мұхаммад Аминдан ёрдам сўрадим. У йиллари компьютер фақат шу нашриётда мавжуд эди. Мұхаммад Аминга ниятим маъқул бўлиб, оятни бир неча нусхада кўчириб бердилар. Асар «Шарқ юлдузи»да босилганда ҳам, китоб ҳолида нашр этилганда ҳам муборак ояtlар билан чиқди. Қуръони каримнинг ояtlари бадиий адабиётимиз сахифаларига шу тарзда кириб келди.

Ўша йиллари устоз ҳазрат муфтийлик вазифасида банд бўлгани сабабли камроқ кўришардик, Мұхаммад Амин билан эса, айтганимдай, тез-тез учрашардик.

Мұхаммад Аминнинг хотира китоблари қўллэзмасини ўқий бошлаганимда бу сатрларни қоғозга тушириш муаллифга руҳий томондан нақадар оғир бўлганини ҳис қилдим. Баён этилган воқеаларнинг аксари таниш бўлишига қарамай, қизиқиб ўқидим. Айрим сахифаларда шайх ҳазрат билан юзма-юз сухбат кургандай бўлдим. Яширмайман, менда ҳам шундай китоб ёзиш умиди бор. Бу йўлда бир-икки кичик хотира-мақола ёздим. Эндиги ниятим – устозлар устозининг ҳаёти ва илмий фаолиятини акс эттирувчи бадиий асар ёзиш. Мұхаммад

Аминнинг хотира китобини ўқиши жараёнида бу умидим кувватта кирди, бошқачароқ айтсам, илҳомландим. Энди шу илҳом ва Сиз азизларнинг дуоларингиз билан ниятни амалга оширишга киришаман, инша Аллоҳ!

Саҳифаларни ўқиб, варақлаганим сайин асарнинг охирлаб бораётганидан, тез тугаб қолаётганидан ўксиндим. Чунки кўнгил бундай асарларнинг ниҳоясиз бўлишини истайди-да, тўғрими? Китобнинг охирги саҳифасини очганингизда сизда ҳам шундай руҳий ҳолат юз беришига ишонаман. Одатда ҳар бир китобда «муқаддима» ва «ҳотима» бўлади. Биз бу тартибга кўникиб қолгандик. Аммо Мухаммад Аминнинг хотира китобларидағи «Ҳотима» деган сарлавҳачани ўқиб кўнглим хиралашгандай бўлди. Каминада илгари бундай ҳолат юз бермаган эди. «Ҳотима»ни қайта-қайта ўқиб, ўзимга ўзим дедимки: «Яхши одамлар ҳақида ёзилган хотиранинг хотимаси бўлмайди. Яхши одамнинг номи вафотидан кейин яшаб қолгани каби, хотиралар халқаси ҳам узилмайди...» Шуларни ўйлаб туриб китобнинг хотимасига жиндак таҳрир киритишни истадим: «Бу – китобнинг хотимаси, айни чоқда кейинги китобнинг дебочасидир».

**Тоҳир Малик**

## ЁДНОМА

Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Аллоҳ таолога У Зотнинг жалолига яраша ҳамду санолар бўлсин!

Набийимиз, шафоатчимиз Мұхаммад алайҳисса-ломга батамом ва мукаммал салавоту саломлар бўлсин!

У зотнинг аҳли байтларига ва саҳобаларига Аллоҳнинг розилиги бўлсин!

Қадрли китобхон! Бизнинг зиммамизга замонамизнинг буюк алломаси шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф ҳазратлари ҳақида ёднома битиш масъулияти юкланди. Аллоҳдан нажот тилаб, ҳар бир ожиз банданинг ҳам қўлидан келавермайдиган бу ишга киришдик. Ўзи хайрли қилсин!

Ўзинг ҳақингда ёзиш мушкул, энг яқин инсонинг ҳақида ёзиш эса ундан-да мушкулроқ экан. Агар ўша яқин инсонинг буюк аллома бўлса, бунинг залворини тасаввур қиласеринг! Шуни инобатга олиб, биз ҳазратнинг биргина қирраси ҳақида ёзмоқни ният қилдик. Бу ёдномада фарзандни қандай тарбиялаш лозимлиги, чин маънодаги мусулмон оила қандай бўлиши кераклиги хусусида сўз юритамиз. Азиз ўкувчи, агар ушбу битикларимиздан бир оз фойда олсангиз, ўзимизни баҳтиёр сезар эдик.

Мен қўлимга қалам олиб, ёдномани ёзишга киришар эканман, шунга амин бўлдимки, фарзанд ҳақида ёзганда унинг тарбиячилари, яъни ота-оналари ҳақида ҳам ёзмасанг, мукаммал бўлмас экан. Шунинг учун аввало волидайнларимиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга, улар ҳақида ёзиш давомида олдимизга қўйган мақсадимиздан чалғи-масликка ҳаракат қилдик. Рисолани ёзишда имкон қадар табиийликни сақлашга, Шайх ҳазратларининг ўзларига

хос ёзиш услубига яқинлаштиришга ҳаракат қилинди. Нимаики яхшилик бўлса Аллоҳдан, камчиликларни эса биз ожиз бандадан деб билурсиз. Аллоҳ таоло ушбу арзимас амални ҳусни қабул айласин! Китобни ўқиганларга уни манфаатли этсин! Барчамизни ҳифзу ҳимоясида сақлаб, оқибатимизни хайрли қилсин. Омин!

## БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИ

1952 йил. Қаҳратон қиши узлатга чекинмоқда. Аста-секин баҳор нафаси уфуриб, табиат чирой очмоқда. Шундай гўзал кунларнинг бирида, 15 апрель куни субҳи содик – тонг сахарда янги чақалоқ, янги умид, янги мусулмон, янги қувонч дунёга келди. Бу чақалоқ Мұхаммад Содик эдилар.

**«Осмонлару ернинг подшоҳлиги Аллоҳницидир. У Зот хоҳлаган нарсасини яратур. У Зот хоҳлаган кишисига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғиллар ҳадя этур. Ёки уларни жуфтлаб – ўғилқиз қилиб берур ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур. Албатта, У Зот ўта билувчиidir, ўта қодирдир»** (*Шуро сураси, 49-50-оятлар*).

Ёш мусулмон оила Аллоҳга беадад шукрлар, ҳамду санолар айтишарди. Энди уларнинг зиммасига янги масъулият – фарзандни исломий руҳда тарбиялаш вазифаси юкланган эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир туғилган бола фақат фитратда<sup>1</sup> туғилади. Ота-онаси уни яҳудий ё насроний, ёки мажусий қилади...»** деганлар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

<sup>1</sup> *Фитрат – инсоннинг асл, соғ табиати. Лугатда «илк яратиш» деган маънони билдиради. Истилоҳда Аллоҳ таоло томонидан яратилган инсонларнинг Исломни қабул қилишига мойил бўлган табиий хилқати «фитрат» дейилади.*

Мұхаммад Содиқ Андижон вилояти, Асака тумани, Ниёзботир қишлоғида таваллуд топдилар. Ўша даврдаги иқтисодий қийинчиліктер, сиёсий ноқулайликтарга қарамай, ёш мусулмон оила янги фарзандни исломий рухда тарбиялаш ҳаракатига түщди. Падари бузрукворимиз Мұхаммад Юсуф домла Пайғамбари миз соллаллоху алайхі васалламнинг касблари билан шуғулланар, яъни чўпонлик қиласар, колхознинг қўйларини боқар эдилар. Лекин қалблари исломий илмларни эгаллаш орзу-умиди билан тўлиб-тошган эди. Она миз Собирахон Тилакберди қизлари исми жисмiga монанд, ҳақиқий сабрли муслималардан эдилар. Ёш оила одатта кўра ота-оналари билан маслаҳатлашиб, фарзандларига Аллоҳнинг охирги Пайғамбари Мұхаммад соллаллоху алайхі васалламнинг исми муборакларига у зотнинг сифатларини қўшиб, Мұхаммад Содиқ деб исм қўйдилар. Ниятлари фарзандларини Исломга содиқ хизматкор қилиб тарбиялаш эди. Азиз ҳалқимизда қувонч, баҳт келса, қўша-қўша келади, деган нақл бор. Фарзанд қувончи устига бироз фурсатдан сўнг Мұхаммад Юсуфнинг мақсади – диний илм олиш орзуси ушалди. Бухоро шаҳридаги «Мир Араб» мадрасасига талабаликка қабул қилинди. Мұхаммад Юсуфнинг олдида илм олиш машаққати билан бирга фарзанд тарбиясидек мұхим бир масъулият ҳам турад эди. Бу ёш оила ўзларини олдиндан шундай масъулиятли ишга тайёрлаб келишпарди. Диний адабиётларни кўп мутолаа қилишар, ҳалқимизнинг бой тажрибасини ўрганар эдилар. Ёш ота-она маслаҳатлашиб, фарзандларининг ҳалқумини пок сақлашга қарор қилдилар. Мұхаммад Юсуф ўз оиласига: «Мен бир китобда ўқиган эдим. Фарзандимизга таҳоратсиз

кўқрак тутмайсиз», деб тайинладилар. Ёш она Собирахон бу кўрсатмага бақадри ҳол амал қилишга ҳаракат қилдилар.

Йиллар ўтиб борарди. Мана, 1954 йилнинг қиши ўтиб, баҳор фасли авжига кирди. Шундай баҳор айёмларининг бирида бу оиласа Аллоҳ таоло яна бир бор иноят қилди: иккинчи ўғил фарзанд дунёга келди. Унга ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмлари ва сифатларини қўшиб, Муҳаммад Амин деб исм беришди. Бу камина ходимингиз эди. Беғубор болалик йилларини хотирласам, ёшлик хотиралари кўз ўнгимдан кино тасмалариdek ўтади:

Ўша даврларда ота-оналар ҳар якшанба куни фарзандларини хўроқанд билан сийлашарди. Бизга теккан хўроқандларни акамиз Муҳаммад Содик олардиларда, менга каттароғини бериб, ўзларига кичикроғини олар эдилар. Ҳайрон бўлсан, «Сени даъво қилмасин деяпман», дер эди. Халқимиз «Бола бошидан», деб бекорга айтмаган экан...

Кунлар шу тариқа ўтиб борарди. Отамиз талаба, онамиз эса колхозда ишлаб, оналари Хайитхон энамиз ёрдамида бизни тарбия қилар эдилар. Дадамиз ўқишдан ёзги таътилга келганларида мардикорчилик қилиб, биз фарзандларга бир йилга етгулик сармоя ишлаб топиб, бериб кетар эдилар.

Ўша йилларда турмуш ниҳоятда оғир эди. Ёлғиз бир хоналик уйда яшар эдик. Ёмғир ёғса, ҳамма тарафидан чакка ўтиб кетар, онам томга адирнинг сарик, ёғли тупроғини солиб турардилар. Бу ишлар Собирахон учун тоғ-тошда, қор-ёмғирда, иссиқ-совукда қўй боқишдан кўра қулайроқ эди.

## Онамнинг ҳикояларидан:

Дадам ўқишдан таътилга келсалар, мен «Ана, келяпти» деб хабар бериб, қочиб кетар эканман. Кунларнинг бирида ўчоқ бошида синглим Тожинисохон билан тараща талашиб, икки кўзига тупуриб, оёғидан судраб, оstonага олиб бориб қўйган эканман.

Бир куни акамга bemорлик етиб, оғзи, тили чақа бўлиб қолибди. Шунда дадам Юсуф табибга олиб борган эканлар, у киши: «Дори шўрва қилиб ичиринглар», деб буюрибди. Шўрва тайёр бўлибди. Шўрвани акамга тутишган экан, у киши ичмабдилар. Сабабини сўрашса, «Укам Мұхаммад Амин устимдан кулади, у исча, исчаман», деб жавоб берибдилар. Ўшанда дадам менинг қўл-оёқларимдан босиб турганлари, онам шўрвани оғзимдан куйганлари ҳеч эсимдан чиқмайди.

Бир куни онам офтобда исиб турсин деб кўрпаларни узум хомток қиласиган «эшак» устига ёзиб қўйган эканлар. Ака-ука эшакнинг устига чиқиб, ким кўпроқ кўрпача олиш бўйича мусобақа қилдик. Икковимиз бир-биримизга қараб ўтириб, суришдик, тортишдик. Акамнинг ёшлари катта, жисмонан ҳам бақувват эдилар. Мен ҳар қанча тиришсам ҳам, ғолиб чиқдилар. Натижка менинг белим лат ейиши билан якунланди.

## ПАЙГАМБАРЛАР СУННАТИ

Дадам «Мир Араб» мадрасасига ўқишига киргач, онам бир қўра қўй ва қўлида чақалоқ билан Олой яйловида ёлғиз қолган экан. Аёл боши билан кенг яйловда бир қўра қўйни бокишининг ўзи бўлмаса керак. Чўпонлик касби фахрли касб бўлиши билан бирга оғир, машаққатли ҳамдир. Шунинг учун бу касб билан кўпроқ эркаклар шуғулланади. Асосий мақсад динни ўрганиш бўлгани

учун ҳам онамиз ана шундай машаққатни ўз зиммаларига олган эканлар. Ўқишига киришдан олдин дадам катта-кичик уламолардан фатво сўраб, маслаҳатлашган. Улар «Аллоҳ йўлида илм излаш фарз амал», деб рухсат беришган экан. Дадамнинг оталари, яъни бобомиз серфарзанд эдилар. Ўша давр тақозосига кўра бизни ҳам қўшиб боқишига уларнинг курблари етмаган. Шунинг учун онам кўлидаги фарзанди билан Асака туманидаги Ниёзботир қишлоғидан Марҳамат туманида жойлашган Қорақўрғон қишлоғига, онасиникига кўчиб ўтиб, ўша ерда яшашга мажбур бўлган эканлар. Онамнинг оналари Ҳайит энамиз (Аллоҳ раҳмат айласин) жуда меҳрибон аёл эдилар. Тилакберди бобомиз (Аллоҳ раҳмат айласин) вафот этиб кетган бўлиб, энамиз ёлғиз ўзлари уч ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказиб, уйлаб-жойлаган эдилар. Худди бугунгидек эслайман, энамнинг бир маймоқ ола сигирлари бўлар эди. Шуни соғиб, сут ва сарёғини олиб, рўзгор тебратар эдилар. У киши ниҳоятда дилбар, меҳрибон, жуда болажон аёл эдилар. Бизни еру кўкка ишонмасдилар. Жуда ҳам тақводор аёл бўлиб, фарз намозларини, рўзани канда қиласдилар. Дадам талаба, онам колхозда ишлардилар. Ахволи ночор бўлса ҳам, бу ёш оила бахтиёр эди, чунки қўлларидан келганича Ислом дини кўрсатмаларига амал қилиб яшашарди.

### Дадам шундай ҳикоя қиласдилар:

«Ёшлигимда бир китобда «Она ёш гўдакка бетаҳорат кўкрак солмасин», деб ўқиган эдим. Буни оиламга айтиб, бу гўзал одобга қўлдан келганча амал қилишга ҳаракат қиласдик. Фарзандимизнинг халқумини покиза сақлашга эътибор берардик. Имкон борича иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, фарзандларимизнинг диний тарбиясига, хайр-эҳсонларни ўз вақтида қилишга ҳаракат қиласдик. Ақиқаларни ўтказгач, навбат хатнага келди...»

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳұмодан ривоят қилинади.*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳұмоларга биттадан күчқор сўйиб, ақийқа қилдилар».**

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар. Термизийнинг лафзида шундай дейилган:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасанга бир кўй сўйиб, ақийқа қилдилар ва: «Эй Фотима, унинг сочини олиб, сочи вазнида кумуш садақа қилгин», дедилар. Тортиб кўрсак, вазни бир дирҳам ёки дирҳамнинг бир қисмича чиқди».**

Дадам мадрасадан ёзги таътилга чиққач, марди-корлик қилиб, маблағ топишга ҳаракат қиласар әдилар. Аллоҳ омад бериб, хатна қилмоқчи бўлган йиллари шериклари билан бирга бир катта иш – пахса девор уришга келишиб олишибди.

«Бир раҳбарнинг беш пахсали қўрғонини уриб беришга келишдик. Мен лой қилиб, кесиб бераман, устамиз пахса уради. Куни билан ишлаймиз, кечқурунлари эса маҳалла одамлари маросимларга таклиф қилишади. Иш берган раҳбарнинг оила-аъзолари яхши инсонлар экан. Лой бўлган кийимларимизни ҳар куни ювиб, дазмоллаб беришади. Мана шу улгуржи ишдан қисқа муддатда буғдой, гуруч, пул ишлаб топиб, ўғилларимнинг хатна тўйини ўтказганман.

Ўшанда Совет иттифоқининг «гуллаган» даври. Динсизлик, атеизм ривожланган, одамлар ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай кўйган, динга амал қилмасликда бир-биридан ўзишга мусобақалашаётган пайт. Шундай даврда бир талаба «Фарзандларимга хатна тўй қиласман, лекин ароқ кўймайман», деб турса, ҳеч ким ишонмайди. Ҳатто яқинларимиз ҳам талмовсираб: «Тўйингта ҳеч ким, айниқса раҳбарлар келишмайди», дейишди.

Лекин түй бинойидек, Ислом дини кўрсатмаларига асосан ўтди. Ҳеч қандай ҳаром-хариш аралашмади. Ҳатто раҳбарлар ҳам иштирок этишди, анчагача халқ «Ҳаром аралаштиrmай, суннатга мувофиқ тўй-ҳашам қилса бўларкан-ку», деб гапириб юришди.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Фитрат бештадир: ҳатна қилиш, (қовуқни) қириш, мўйлабни қайчилаш, тирноқларни олиш ҳамда қўлтиклар остини юлиш», деганларини эшитганман».**

*Имом Бухрий ривоят қилган.*

## МАКТАБ ДАВРИ

Бу вақтга келиб, акамиз етти ёшга тўлиб, 1-синфга ўқишга кирдилар. Қишлоқ четидаги мактабга бориш бироз ноқулай бўлгани учун баъзи кунларда Қосимжон тоғамиз велосипедда олиб бориб қўяр эдилар. Табиатан оғир-босиқ бўлган Муҳаммад Содик болаларга кўп ҳам қўшилавермасди. Мен ҳозирга қадар бирор марта акамнинг болалар билан урушиб, бурни қонаганини ёки биронтасининг бурнини қонатганини эслай олмайман. Жуда одобли, тартибли, аълочи ўқувчи эдилар. Муҳаммад Содикни ҳамма дадамга ўхшатарди.

## Онам шундай ҳикоя қиладилар:

«Муҳаммад Содикжон жуда ювош, одобли бола эди. Ёшлигига болалар билан қўшилиб ўйнамас, қўшиб қўйсам, бир чеккада индамай тураверарди. Бир куни «Ё Рамазон» айтиётган болаларга қўшиб қўйдим. Уларга эргашиб кетди. Охирида одамлардан тушган нарсаларни тақсимлаганда менинг боламга ҳеч нарса беришмабди. Сабабини сўрасам, каттароқ бир қўшни бола: «Ўғлингиз биз билан қўшилиб «Рамазон» айтмади-да», деб жавоб берди».

Мұхаммад Содиқ мактабда аъло баҳоларга ўқий бошлади. Унинг одоб-аҳлоқи жуда гүзал эди. Ушбу хотира-ларни ёзаёттган пайтимда акамизнинг бирон марта бўлса ҳам болалар билан уришганини эслай олмадим. Сўнг бу ҳақда яқинларимдан, синглим Тожинисаҳондан сўрадим. Синглим: «Биз ҳам ундаи ҳолатни эслай олмаймиз. Акамиз жуда одобли, интизомли эдилар. Урушиш у ёқда турсин, бирор билан сўкишганини ҳам эслай олмаймиз. Ҳаммани, ёш болаларни ҳам сизлаб гапирадилар. Ҳатто набираларингизни ҳам сизлардилар», деб жавоб берди.

### Булоқбошида

1960 йилда дадам ишга яхшилаб ўрнашиб олгач, оиласмизни Булоқбошига кўчириб келдилар. Масжид яқинида жойлашган Ўринбуш онанинг уйларида бир неча йил ижарада яшаганмиз. Ўринбуш она бир набиралари – Мұхаббат опам билан яшардилар. Турмуш ўртоқлари вафот этган, ёлғиз ўғиллари фронтда ҳалок бўлган экан. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижара уйимиз бир хонадан иборат бўлиб, ҳатто айвони ҳам йўқ, томи лой билан сувалган эди. Кейинчалик дадам айвон қилдириб, томига шифер тердирган эдилар. Ҳаммамиз бир хонада истиқомат қилас, ёғингарчилик бўлса, оёқ кийимларимизни уйнинг ичига олиб кириб кўярдик.

Булоқбошига келгач, акамиз маҳалланинг болалири билан бирга Ҳамза номидаги 16-сонли мактабнинг 3-синфида ўқий бошладилар. Камина эса 1961 йил Ибн Сино номидаги 6-сонли мактабнинг 1-синфига ўқишига кирдим (мен Булоқбошига оиласмиздан бир йил кейин келганман).

Акамиз мактабда аъло баҳоларга ўқишини давом эттирдилар. Тенгдошлари, синфдошлари доим акамни курсаб олишар, бирга ўйнаб, бирга

дан фахрланган дадам «Үғлим ҳар доим дүстлари куршовида, Худо хоҳласа, катта одам бўлади», дер эдилар.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

**«Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?» (Зумар сураси, 9-оят).**

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради», дедилар».**

*Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

Дадам қуйидаги ҳикояни жуда кўп такрорлардилар:

«Муҳаммад Содикжон чақалоқлик пайтида шундай туш кўрганман: бир чексиз катта уммон. Чақалоқ Муҳаммад Содикжон қўлимдан сувга тушиб, уммоннинг тубига, энг чукур ерга тегиб, яна қўлимга қайтиб чиқди. Биродарим Юсуфхон (Шокиров) тиззасигача сувга тушкиди. Худо хоҳласа, ўғлим катта олим бўлиб етишади».

Ўша пайларда дадам акамни хунар ўргатиш учун маҳсидўзга шогирдликка бердилар. Акам бир неча ҳафта қатнаб юрди. Усталари кўли игнага келиб қолди, деб хурсанд ҳам бўлишди. Бир куни тўсатдан устага бормай қўйдилар, сабабини сўрашса, айтмадилар. Дадам мажбурлар, онам ялинар, акам эса бормасдилар. Ҳатто дадам зажр қилишга ҳам бориб етдилар. Лекин акамиз сабабини айтмас эдилар. Охири онам ялиниб сўраган эканлар, «Усталар мени дўкондан ароқ тапишга мажбур қилишяпти», дебдилар. Онам бу ҳақда дадамга айтиб, тушунтирганларидан кейин у киши мажбулапни тўхтатдилар.

Акам мактабда ўқиш билан бирга, жамоат ишларида фаол қатнашардилар. Айниқса спортга қаттиқ қизиқар, уйда мунтазам шуғулланар эдилар. Мактаб олимпиадаларида ҳар доим ғолиб чиқардилар. Шу билан бирга, да-

дам топширган диний вазифаларни ўз вақтида бажаар, барчасига улгуар эдилар. Бир куни дадам: «Ким бир пора Қуръон ёдласа, мукофот бор», деб эълон қилдилар. Мен астайдил ҳаракат қила бошладим. Лекин акам бир ҳафтага қолмай, бир порани ўқиб бериб, мукофотни олдилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша мукофот «Югидон» деган радио эди. Кейинчалик билсам, акам бир порани дадамнинг эълонларига қадар ёдлаб бўлган эканлар.

Акам одатда вазифа берилмасдан олдин янги дарсни пишишиб қўяр эканлар. Шунда дарс олгач, ўзлаштириш осон бўлар экан. Зиммамиизда мактаб дарсларидан ташқари диний дарсларимиз ҳам бор эди. Дадам Қуръон, тажвид сабоқларидан ташқари араб грамматикаси – сарф ва нахвдан ҳам сабоқ берар эдилар. «Қоида муҳим нарса, бир дона калимани бир нечта калимага айлантиришинг мумкин. Агар бир дона луғатни ўзлаштирамсанг, умрбод ўша нарсани билмай ўтасан», деб қаттиқ тайинлардилар. Ҳар бир қоидани пухта ўзлаштирма-гунимизча иккинчисига ўтказмасдилар. Шунинг учун ҳам акам ёшлиқдан «Наҳв», «Авомил», «Занжоний», «Кофия», «Алфия» каби араб тили грамматикасига оид китобларни ёд олиб ултурган эдилар.

У киши замонавий илмлар билан ҳам қизиқар, кундалик ахборотларни доимо кузатиб борарадилар. Ўзлари кутубхонадан китоб олиб мутолаа қилиш билан бирга, мен олган китобларни ҳам ўқиб чиқардилар. Обуна бўлишдан ташқари, кундалик газета-журналларни киоскдан сотиб олардик. Хуллас, бор маблағимизга китоб, ахборот манбаларини харид қиласдик. Оддий эртак китоблардан бошлаб, катта-катта романларгача ўқирдик.

Акамиз дунёвий муомалаларда ҳам одил бўлганлар, ўзгаларнинг ҳаққига риоя қилганлар. Кунлардан бир куни акамнинг синфдошлари билан ҳовлида копток ўй-

наёттан эдик, дераза ойнаси чил-чил бўлиб синди. Яна бир куни акам мактабда волейбол ўйнаб, бош бармоқлари лат еб келдилар. Синиқчи кампирга олиб бориш учун онам менинг кўлимга бинт, тухум ва иккита 20 тийинлик танга тутқаздилар. Ёш боламан, чўнтак йўқ. Тухумни бир кўлимда, бингни бир кўлимда ушлаб, тангаларни оғзимга солиб олибман. Йўлда кетаётиб, тангаларни ютиб юборибман. Акам мени уйга қайтариб олиб келдилар. Акам менга шу даражада меҳрибон эдиларки, азбаройи қайғурганларидан кўлларининг оғриғи ҳам эсларидан чиқиб кетди.

Учинчи синфда ўқиётганимда кўричак бўлиб қолдим. Кейинчалик, орадан бир-икки йил ўтиб кетгандан сўнг ҳам, қаеримга бўлса ҳам акамнинг кўли тегиб кетса, «Вой операциям!» деб қорнимни ушлаб олардим...

### Мактаб хотиралари:

Бир куни рус тили муаллими уйга рус тилида ариза ёзишни вазифа қилиб топширибди. Шунда синфдошлиари ўзлари орзу қилган ишлар ҳақида ариза ёзишибди. Акамиз Муҳаммад Содик эса «Пахтакор» стадионига қоровулликка қабул қилиш ҳақида ариза ёзибдилар. Бунга ҳайрон бўлган ўқитувчига у киши: «Мазза қилиб футбол томоша қиласман», деб жавоб берган эканлар.

Акамиз Муҳаммад Содикнинг унча-мунчага аччиқлари чиқмас, хафа ҳам бўлмас эдилар. Лекин аттестатларига олтин нишон бермаслик учун атайин геометрия фанидан «4» баҳо кўйишганда «Бошқа фандан кўйишганида хафа бўлмас эдим. Энг яхши кўрган фанимдан «4» кўйишибди», деб қаттиқ хафа бўлган эдилар.

Яна ёшлик пайтларимизни ёдга олиб, ўша давр ҳаёти, сиёсатига бир назар солайлик. Бизга уйда мутлақо бошқа тарбия, мактабда мутлақо бошқа тарбия бери-

ларди. Мактабда «Рўза тутсанг, касал бўласан», дейишига, уйда «Рўза тутсанг, савоб бўлади, ҳам соғлом бўласан», дейишарди. Мактабда «Ислом дини – афюн, афсона», дейилса, уйда «Ислом – Аллоҳнинг дини», дейиларди. Биз ёш бўлсак ҳам, бу тарбияларнинг қайсиси соҳта, қайсиси ҳақиқат эканига ақлимиз етиб турарди. Шунинг учун исломий тарбияни тан олар эдик. Мактабдаги «октябрят», «пионер», «комсомол» деган нарсаларга ишонмасдик. Шунинг учун акам ҳам, мен ҳам комсомолга ўтмаганмиз. Бу эса келгусида мадрасага киришимизда кўл келган. У пайтларда мактаб болаларининг аҳволи шундай эди, аммо катталарнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмасди, улар ҳам ибодатларни эмин-эркин адо этолмас, ҳаттоқи оддий бригадир ҳам масжидга кира олмас эди. Булоқбошиликлар хайит намозини ўқиши учун Ўш шаҳрига боришар, ўшликлар эса бизга келиб ўқишарди...

\* \* \*

Хуллас, акам ҳали дунёга келмасларидан олдин ота-онамиз тайёргарлик кўриб, у кишини диний ружда тарбия қилишган экан. Акамнинг ўзлари эса отамиз ҳақларида чексиз эҳтиром ила «Мұхаммад Содикни Мұхаммад Содик қилган Мұхаммад Юсуф домла» дер эдилар. Дарҳақиқат, акамнинг бу қадар улуғ аллома бўлиб етишишларида ота-онамизнинг хизматлари бекиёс бўлган. Падари бузрукворимизнинг, волидаи муҳтара-мамизнинг фарзанд тарбияси борасидаги бу улкан меҳнатлари ҳар бир мусулмон оила учун намуна бўлишга арзийди десам, камтарликка хилоф бўлмас, деб умид қиласман. Келинг, отамиз ҳақларидаги хотираларга алоҳида тўхталиб ўтайлик.

## ДАДАМИЗ ҲАҚИДА

1928 йил 1 январь. Андижон вилояти, Қорақүрғон қишлоғида хурсандчилік. Чўпон Бойбўта aka хона-донида ўғил фарзанд таваллуд топди. Янги чақалоққа яхши ният билан Муҳаммад Юсуф деб исм қўйдилар. Оналарининг исми Кундузхон Ботирали қизи, оталари-нинг исми Бойбўта Кўшбўта ўғли эди. Бу оила чорвачи-лик, қўй боқиши билан шуғулланарди. Кейинроқ бу ёш оиласида яна икки фарзанд – Муҳаммад Юнус ва Роҳила-хонлар дунёга келди. Кундузхон энамиз оғир хасталик туфайли вафот этгач, икки фарзанди ҳам қизамиқ ка-саллиги билан оғриб, ёруғ оламни тарқ этди. Муҳаммад Юсуф 5 ёшида ҳам онадан, ҳам яқин қариндошлиардан айрилди. Отаси Бойбўта aka эса бошқа турмуш қуриб, яна тўрт ўғил, уч қиз кўрди. Аммо биз оиласидаги ўтай-ликни мутлақо сезмаганмиз. Дадам бу ҳақда ҳеч нарса-ни билдирамас эдилар. У киши ёшлигидан меҳнат қилиб, оталарига ёрдам беришга мажбур бўладилар. Дадамиз ёшлик хотираларини шундай эслардилар: «Беш ёшим-да маккажўхори эгатларини чопаётганимда, амаким жуссам кичик бўлганидан мени аниқ кўрмай, хайвон кириб олибди деб ўйлаб, тош отганлар».

У киши шу зайлда меҳнатда тобланиб, кейинчалик қўй боқища отасига ёрдам бера бошлаган экан. Ўша вактда диёrimизда халқнинг аҳволи жуда ҳам ноchor эди. Бир кўра қўй боққан чўпонга иш ҳақи учун бир йилга битта улоқ – эчки боласи берилар экан.

Фурсатдан фойдаланиб, ўша даврга – яқин ўтмиши-мизга бир назар ташласак. Уруш даври, урушдан кейин-ги оғир йиллар. Мамлакат оч-яланғоч, фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам ноchor аҳ-волда эди. Иқтисодни ўнглаш мумкинdir, аммо маъна-

виятни-чи? Динидан, Куръонидан, ҳадисдан, шариатдан узоқлаштирилған халқ маңнавий жиҳатдан ҳам яланғоч эди. Бутун мамлакат узра коммунистик қора парда түсилған эди. Лекин ўша даврда ҳам дини учун, ватанинг мустақиллиги учун жон куйдираётганлар бор эди.

Мұхаммад Юсуф мактаб ёшига еттағач, ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишига кирди. 7 йиллик мактабни аъло баҳоларга битирди. Колхозда ишлади. Чорвардликда отасига ёрдам берди.

*Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кўй боқинглар, чунки унда барака бордир», дедилар».**

*Аҳмад ривоят қилған.*

Дарҳақиқат, кўй баракадир. Ўзи битта, баъзан иккита қўзилайди. Қанча-қанчасини одамлар сўйиб еса ҳам, камаймайди. Ит эса, аксинча, бир нечталаб туғишига қарамасдан, қўпаймайди. У табиатан баҳил бўлади. Ит сомоннинг устига ётиб олиб, ўзи ҳам емайди, сигирга ҳам бермайди. Кўй эса сахий бўлади, мендан бошқалар ҳам фойдалансин деб, еяётган ўтининг фақат учини чимдиб, қолганини бошқаларга қолдирап экан. Аксар пайғамбарлар ҳаётларида кўй боқиш билан шуғулланишган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўйчивонлик билан шуғулланиб юрганларида ҳам, ёшлари қирққа тўлганда ваҳий нозил бўла бошлаганида ҳам ўзига хос ҳикмат бор экан.

Ёшлари бир оз улғайгач, дадамиз ўзлари мустақил равишда кўй боқа бошладилар. Ҳар бир чорвардининг қисматида бор барча қийинчиликларни бошидан ўтказдилар. У киши ўша йилларни эслаб, шундай ҳикоя қиласидилар:

«Мен бир қўра қўйни ёлғиз ўзим, Асакадан Олой тоғ тизмаларига пиёда ҳайдаб олиб борардим. Ётиш-

туриш, еб-ичиш ҳам қўйлар орасида бўларди. Ёлғиз битта кўрам (сувидишім) бор бўлиб, унга қўйни соғиб ичардим. Бир куни у ҳам тоғдан думалаб тушиб кетди. Қўйни соғиб ичишга ҳеч вақоим қолмай, бир неча кун отқулоқ баргига соғиб ичганман».

Бир куни колхознинг умумий мажлисида чўпонлар устидан шикоят қилиб, ҳар бир қўрага биттадан нозир – кузатувчи қўшиб беришга қарор қилишган. Дадамга бириктирилган нозир харбий хизматда бироз чиникқан экан, лекин шунда ҳам зўрға Чифирчиққача бориб, кейин қочиб кетибди. Кейинги мажлисда ўша одам: «Чўпонларнинг олган ҳаққи ҳалол экан», деган экан.

Ҳа, ўша даврларда чўпонларнинг турмуш тарзи, меҳнат қилиш шароити ниҳоятда қийин бўлган. Улар оғир меҳнат эвазига ҳалол ризқ топишга ҳаракат қилишар, аммо раҳбарлар ўзлари майшат қилиб, сўйиб еган қўйларини «бўри еб кетди» деган соҳта далолатнома тузиб, чўпонларга имзо чектириб олишар экан. Дадам бундай ношаръий ишларга мутлақо қўшилмаган эканлар.

Дадамиз ўзлари ёлғиз бўлганлари учун ухлаганларида бир қўйни арқон билан оёқларига боғлаб олар эканлар. Қўйлар кечаси бирор томонга юрса, ўша қўй ҳам юриб, у кишини уйғотар экан. Дадам об-ҳавонинг иссиқ-совуғига, қор-ёмғирига қарамасдан, сабр билан пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг касбларини – чўпонликни давом эттирадилар.

Чўпонлик қилиш билан бирга, тоғалари Мулла Парпи акадан бошланғич диний таълим ҳам олган эканлар. Мадрасага бориб ўқишиларида шу кишининг ҳиссалари катта бўлган.

Дадамиз Мұҳаммад Юсуф ёшлигидан Аллоҳнинг буйруғи бўлмиш фарз амалларни ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини оғиш-

май адо қилиб келдилар. Илм олиш, динни мукаммал ўрганиш истаги эса қалбини сира тарк этмасди.

Дадамнинг болалиқдаги дўстлари Мұхаммад Солиҳ мулла Парпи ўғиллари мадрасага ўқишига киргач, у кишига қизиқиб, дадам ҳам 1953 йилда Аллоҳ насиб қилиб, Бухоро шаҳридаги «Мир Араб» мадрасасига ўқишига кирдилар. Алифбони мадрасага борганда ўргана бошлиган эканлар. Ўзларининг ҳикоя қилишларича, биргина «аъйн» харфини маҳраждан чиқариб, тўғри айтишлари учун бир ҳафтадан зиёдроқ вақт кетган экан. Пухта, тўғри бўлмагунча қироат устозлари Шаҳобиддин қори дада янги дарсга ўтишига рухсат бермас эканлар. Баҳтни қарангки, устозлари Мұхаммад Амин домла шунча талаба ичидан дадамни таңлаб, ўзларига ҳамхужра қилиб, хизматларига олган эканлар. Устоз билан бир хонада яшаб, хизмат қилиш дадам учун катта баҳт-саодат касб этган экан. Устознинг хизматларидан бўшагач, кечалари Куръондан ёдлаганларини такрорлаб, дарс тайёрлар эканлар. Ёшлиқдан меҳнат билан ўсганликлари учун, ҳеч қандай қийинчиликлардан қочмас, ўзлари сўраб, истаб, савобтаб-лаб ишларни бажонидил бажарап эканлар. У киши Мұхаммад Амин домланинг қуидаги гапларини тез-тез эслаб, зикр қиласидилар: «Болалар «Хизмат борми?» дейишади, лекин пешонасига қарасам, «Хизмат буюрманг», деб туришади. Сизда эса бунинг аксини кўраман...»

Дадамиз ўша вақтда зарбулмасал бўлиб кетган воқеаларни шундай эслайдилар: «Шеригим Абдуллатиф билан Бухоро шаҳри ташқарисидан мадраса таҳорат-хонаси учун кесак таширдик. Бу ишларни ҳаммадан яширинча, тунда қиласидик. Ҳеч ким билмасди. Бир куни устозимиз сезиб қолиб, менинг ҳаққимга: «Ўзингиз ҳам олим бўлинг, фарзандингиз сиздан ҳам олимроқ бўлсин», деб дуо қиласидилар. Алҳамдулилаҳ, устознинг

дуолари ижобат бўлди. Дуода гап кўп экан. Мен ўқиш билан бирга, устозларнинг хизматларини қилиб, дуоларини кўп олганман. Мана, Худога шукр, кам бўлмадик».

Ўша вақтда мадраса талабалари пахта терими-га чиқишарди. Ўқиш даврининг кўп қисми пахта йиғим-терими билан ўтарди. Дадам пахтани ҳам яхши терар, талабалар ичида кўп пахта териб, мукофотлар олар эканлар. Пахтадан бўш вақтда талабалар ҳар хил мусобақалар ўтказишар, курашда дадамга teng келадиган ракиб топилмас экан. Бир куни «арқон тортиш» мусобақаси бўлибди. Унда икки киши бир-бирини арқон ёрдамида ўзи томонга судраб кетиши керак экан. Дадам Абдумалик қори акани тортиб, устозлар ўтирган сўри-нинг остига олиб кириб кетган экан.

Дадам мадрасадаги ўқишини яхши ўзлаштирад, шунингдек, ташкилий ишларда ҳам фаол иштирок этар эканлар. Бир сафар ёзги таътил кунлари у кишини Бухоро шаҳри яқинида жойлашган Баҳоуддин Нақшбандий мажмуасига мутасадди қилиб тайинлашибди. Ўтган асрнинг 50-йилларида бу зиёратгоҳ жуда хароб аҳволда бўлиб, ҳамма томонни сув босган, зах, ҳатто масжид хонақоҳи ичидан ҳам қамишлар ўсиб чиққан, илонлар ин қурган ҳолатда экан. Дадам ишни қабрнинг атрофи-ни обод қилишдан бошлабдилар. У киши ўша кунларни «Ҳатто уйкудан уйғонсам, бошимда илонлар тик турган бўларди», деб эслардилар.

Ўша пайтларда дадамнинг бошчилигига, доғистон-лик бир аёлнинг хомийлигига Баҳоуддин Нақшбандий-нинг оналари ётган қабр таъмирланган экан. Бу аёл бошига катта бир мушкул иш тушганда «Агар шу мушку-лим күшойиш бўлса, оналарининг Орифондаги қабрини таъмирлатиб бераман», деб ният қилган экан. «Хасти Баҳоуддинга халқ оқиб келарди», деб эслардилар да-

дам. Улуғ зотларга, уламоларга бўлган чукур эҳтиром, Аллоҳ таолога бўлган чинакам ихлоснинг самараси ўлароқ, ўша даврлардан бошлаб оиласизнинг ҳам иқтисодий, ҳам руҳий ҳолати тубдан яхши томонга ўзгарган экан. Шундан сўнг бу хизматларини такдирлаб, муфтий Зиёуддин Бобохонов дадамни шу ерда доимий ишлашга таклиф қиласидилар. Лекин дадам узр айтиб, «Дунёда энг улуғ неъмат ота-онанинг хизмати. Лекин мен шундай хизматни тарқ этиб, илм излаб келганман, ўқишимни давом эттираман», деган эканлар. Шунда муфтий: «Баракалло, ўқийверинг», деб рухсат берибдилар.

Дадам мадрасада илм олиш билан бирга ўша пайтда ҳаёт бўлган уламоларнинг ҳам, бу дунёдан ўтиб кетган улуғ зотларнинг ҳам хизматини қилиб, дуоларини олган эканлар.

### **Дадам сўзлаб берган ҳикоялардан:**

«Кунларнинг бирида мадрасага муфтий Абдулмажид эшон Бобохон ташриф буюрган эдилар. У кишини таҳоратга етаклаб олиб кетаётсам:

– Болам, қаердансиз? – деб сўрадилар.

– Андижондан, – деб жавоб бердим. Шунда:

– Улуғ устоз Мұхаммад Амин домланинг хизматида экансиз. Хушёр бўлинг. Бепарво бўлиб, дарсларни қолдирманг. Сиз беш дақиқа дарс қолдирсангиз, келгусида бундан миллионлаб одамлар зарар кўради, – деганлар».

Дадам ана шундай қимматли ўйтларга амал қилиб яшадилар. Бир тасаввур қилиб кўринг, бир масжидда 45 йилдан ортиқ имомлик қилиш осонми? У зот ўзлари учун яшамадилар, Ислом учун, халқ учун, оиласидар, фарзандлари учун яшаб, мудом дуо қилиб ўтдилар.

Дадам «Мир Араб» мадрасасини муваффақиятли тамомлаб, Тошкент шаҳридаги Бароқхон мадрасасида ўқиши давом эттирадилар.

У киши тақвадор, сабрли, айтгандарига амал қиласынан, серибодат инсон әдилар. Шунча хизмат устига ҳар кече бир юз йигирма ракъатдан нафл намоз үқирилар. Доимий равищда Қуръон тиловат қилиб, зикрда бардавом әдилар. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига борар, ҳалқумларини пок сақлашпа ҳаракат қиласынан, Шубҳали нарсалардан үзларини узоқ тутардилар. Оила аъзоларидан ҳам, кейинчалик биз – фарзандлар дунёга келиб, улғаяр эканмиз, бизлардан ҳам шуни талаб қиласынан.

Давр тақозосига кўра ўша вақтда диний таълим олишимишни, ибодат қилишимиз, рўза тутишимизни ҳаммадан сир тутардик, ҳеч кимга билдиришмасдик. Бу бизни бутун ҳаётимиз давомида эҳтиёткорликка ўргатган эди. Рамазон ойи кириши билан мактабларда оммавий эмлаш, дори ичириш ишлари бошланарди. Шундай қилиб бутун мамлакат рўзага қарши кураш бошлар эди. Лекин барибир мусулмонлар рўза тутишда давом этардилар.

Бизларнинг диний ҳодим бўлиб етишишимиз замирада ота-онамизнинг мисли қўрилмаган меҳнатлари ётарди. Улар Аллоҳ таоло ваъда қилган иззат тожларидан умидвор бўлиб, ўзларидан, ўйин-кулгидан, роҳат-фароғатдан воз кечиб, бизни тарбиялашди.

*Саҳл ибн Муъз Жұханий отасидан ривоят қиласы:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ким Қуръонни ўқиса ва ундаги нарсага амал қилса, унинг ота-онасиға қиёмат куни зиёси, агар ичингиизда бўлса, бу дунё уйларидаги қуёш зиёсидан ҳам яхшироқ бўлган тож кийдирилади. Энди бунга амал қилганга нима бўлишини ўзингиз билиб олаверинг», дедилар».

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Ота-онамиз бизга диний таълим-тарбия бериш билан бирга, ҳалқумимиз пок бўлишига катта эътибор

берар эдилар. Дадам ойлик маошларини алоҳида биз учун ишлатар эдилар. Ёшлигимизда дадам билан бирга бозорга чикқанимизда сариёғ сотиб олганимиз эсимда. У вактда сариёғ шиша идишларда сотиларди. Дадам «Тошкент суви», «Фарғона суви» шишаларига солинган сариёғларни алоҳида танлаб олар эдилар. Ўшанда: «Нима учун бошқа идишдагиларини олмайсиз?» деб сўраганман. Шунда: «Бошқаларига ҳаром нарсалар қуйилган», деб жавоб берганлар.

1959 йилда дадам малака ошириш учун Булоқбоши тумани «Қирғизбой» масжидига келганлар. Орадан сал ўтмай, туман халқи маслаҳатлашиб, у кишини шу ерда олиб қолишига келишишибди. Булоқбоши халқи вакиллари Тошкентта диний идора раҳбарига бориб, «Бизга талаба эмас, тилла юборган экансиз, шу йигитни масжидимизга имом қилиб берасиз», деб талаб қилишишибди. Уй-жой қурилиши учун ер ажратиб бериладиган бўлибди. Колхоз раиси Жўраполвон Ғоипов бошчилигига бир гурӯҳ вакиллар дадамнинг устозлари, марғиёнлик Мұхаммад Амин домла меҳмонга келганда у кишига мурожаат қилишишибди. У зот дадамни кўндириб, оқ фотиха берибдилар. Ҳозирги уй-жойимизга ўшанда эга бўлганмиз. Аввал бошда бир уй, бир даҳлиз қурилган. Уйимизга тез-тез меҳмонлар келиб туришарди. Бир куни муфтий Зиёвуддин Бобохон келиб, ётиб қолганлар. Шунда онам билан синглим кўшниникида тунашларига тўғри келган. Шу баҳона бўлиб, меҳмонхона қурилган. Кейинчалик акамни уйлантириш вақти яқинлашганда яна икки хона уй қурганмиз.

Ўша пайтларда бу масжид имомлари тез-тез алмашиб турар экан. Дадамизга қадар икки йил ичида 17 та имом алмашган экан. Шунинг учун ҳам Диний идора раҳбарлари бу талабномага рози бўлишишибди.

### Дадамнинг ҳикояларидан:

«Менга қадар бу масжидда жуда улуғ зотлар хизмат қилишган экан, жумладан: Охунд дада, Махжурий домла, Иброҳим маҳдум (Исмоил маҳдум Саттиевнинг акалари) шулар жумласидандир...»

Кейинчалик аниқланишича, масжидда мутавалли бошчилигидаги бир гурӯҳ уя қуриб олиб, Диний идора томонидан ким имом қилиб юборилса ҳам, сохта айблар билан тухмат қилиб, уни ишдан ҳайдашар, яна янги имом келгунига қадар масжидни ўзлари бошқаришар экан. Шунинг учун ҳам авом ҳалқ дадамнинг имом бўлишини талаб қилиб, мурожаат қилишган экан. Дадам янги иш бошлаганларида ихлос-эътиқод билан ишлаб, масжиднинг молиявий ишларига мутлақо аралашмаган, маросимларда одамлар томонидан берилган нарсаларга эътибор қилмаган эканлар. Юқорида айтилган гурӯҳ қасдан домлага ўзлари маблағ берар, домла уни масжидга топширмаса, устидан ёзишар экан. Дадам эса берилган нарсанинг ҳаммасини масжидга топширарканлар.

### Дадамнинг ҳикояларидан:

«Рамазон кечаларидан бирида кечаси уйкум қочиб, ҳеч-үхлай олмадим. Масjidга боргим келаверди. Охирни ярим тунда чиқиб бордим. Қарасам, чироқлар ёниқ, мутавалли билан тафтишчи ҳисоб-китоб қилиб ўтиришибди. Дафтарларини текшириб кўрсам, ҳамма ёқ ҳийла-найранг. Мутаваллининг иккита дафтари бўлар экан. Бири ҳалқнинг кўзи учун тутилиб, берилган нарсалар унга ёзиб қўяверилар экан, иккинчиси эса хисобот учун юритилар экан. Ким нима берса, биринчи дафтарга ёзилар, «оққа» кўчирганда эса рақамлар бўйига ҳам, энiga ҳам қисқариб кетаркан».

Түмшүғидан илинганды мутавалли кейинчалик «үз аризасига биноан» ишден бўшатилди. Шундан кейин масжиддаги бундай ғавғолар тинчиб қолди.

Уста Фозил охунд маҳдум: «Масжиддагилар домла бўлмаса, тўпланишиб, чумчук мажлис қилишади. Домла келса, пир этиб учиб-тарқалиб кетишади», деб эслар эдилар.

Йиллар ортидан йиллар бир-бирини қувиб ўтарди. Биз дадам бошчилигига динимизнинг асосларини пухта ўрганиб борардик. Совет иттифоқининг «гуллаб-яшнаётган» даврлари эди. Ҳаж ибодатига бутун бир республикадан бир нечтагина одам жўнатиларди. Ўша пайтларда дадам яқинларининг «Ҳажга бормайсизми?» деган саволларига «Аллоҳ хоҳласа, ўzlари чақириб, «Борасан» дейишса, бораман», деб жавоб берардилар. Шундай ҳам бўлди. 1967 йилги мавсумда дадам Аллоҳнинг фарзи бўлган ҳаж ибодатини адо этиб келдилар. Қанчадан-қанча имкони бор, эътиқодли одамлар умр бўйи уриниб, ҳажни адо қилолмай вафот қилиб кетдилар. Шу ҳолатларни кўрган, мулоҳаза қилган акам «Аллоҳ омад берса, келгусида ҳалқимдан жуда кўп инсонларни ҳажларга юбораман», деб Аллоҳдан тилаган эканлар. Аллоҳ таоло ниятларига етказди.

Дадам масжиддаги хизматлари давомида ҳам янги бинолар куриб, ҳам диний ибодатларни яхши йўлга кўйиб, астойдил меҳнат қилдилар. Ўша музабзаб (оғир) даврларда масжидда янги бино куриш у ёқда турсин, ҳатто бузилган қисмини ислоҳ қилиш ҳам мумкин эмас эди. Дадам катта-кичиклар билан келишган ҳолда, ҳашар йўли билан масжидда янги бинолар курдилар. Лойиха хужжатларини тайёрлашда болалиқдаги ошналари, ўша даврда Андижон вилояти раҳбари бўлган Солижон Мамарасулов катта ёрдам бердилар.

Масжид саҳнини асфальт қилдирсалар, жума намозидан кейин қилдириб, устига қум септириб, күзга ташланмайдиган қилдириб күйрдилар. Ғишт урдирсалар, тезлик билан устидан оқлатиб күйрдилар. Кейинчалик билсак, буларнинг барчаси эҳтиёт чоралари экан. Масжид курилишида дадамиз бошчилигига Аҳмаджон уста, Фозил охунд уста, Омил маҳдум уста ва уларнинг шогирдлари жонбозлик кўрсатишган. Дадам диний фолият билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этардилар. Пахта йигим-теримида оқсоқолларга бошчилик қилиб, пахта териб, дуолар қиласардилар. Уша даврда Рамазон ойида масжидларда хатми Куръон қилиш учун ҳам давлат масъулларидан, ҳам Диний идорадан рухсат керак бўларди. Бир куни дадам билан Тошкентга, Диний идорага бордик. Саккизинчи синфда ўқирдим. Дадам муфтий Зиёуддин Бобохоннинг қабулига кириб, масжидда хатм ўқишига изн сўрадилар. Муфтий жаноблари: «Ҳожим, районингизнинг пахта плани тўлганми?» деб сўрадилар. Дадам: «Ҳа, тўлган», дедилар. Шунда муфтий котибни чақириб, рухсатнома ёзиб беришни буордилар. Мен болаларча тасаввур билан, «Ҳатмга пахтанинг нима алоқаси бор экан?» деб ўйлардим...

Дадам бизга диний таълим бериш билан бирга, «Динни ўргатинг, илм ўргатинг» деб илтимос қилганларга ҳам йўқ демасдилар. Ўргатиб, дарслар берардилар. Дарс олаётган ўқувчилар мусҳаф ҳам, дарс қуролларини ҳам кўтариб келишмас, уйида алоҳида китобдан, дарсда алоҳида китобдан фойдаланишар эди. Дадам шогирдларига: «Кимда ўқигансиз?» деб сўраб қолишиса, яқин орада вафот қилган қори акалардан бирининг исмини айтиб кўярсиз», деб тайинлар эдилар. Эҳтиёт чоралини қаранг-а! Тадбирни қаранг, тадбирни... «Кимда ўқигансан?» дейилса, вафот этган одамнинг исми айтилар экан. Замон ана шундай нозик эди.

Дадамнинг шогирдлари ҳозирда ҳам диний ишларда, ҳам дунёвий ишларда фаол иштирок этишмоқда. Совет иттифоқи тарқаб, мустақил давлатлар энди оёққа тура бошлаган даврда Булоқбошида ҳам мадраса қурилиб, талабалар ўқитила бошлади. Мадрасага машхур ватандошимиз Захириддин Мұхаммад Бобур номи берилган эди. Биринчи қалдирғочлар мадрасани битириб ҳам чиқишиди. Бу ишда дадам ҳам устозлик қилиб, ҳам қурилиш ишларини жадал олиб бордилар. Акам Мұхаммад Содиқ ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак бердилар.

Дадам бир муддат вилоят советига вакил бўлиб сайландилар. Шу давр ичida халқимизга, ватанимизга фойдаси тегадиган ишларни бажаришга ҳаракат қилдилар.

Шу билан бирга, фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан қарадилар. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни кузатардилар: қачон мактабга борамиз, қачон қайтамиз, бўш вақтимизда нималар билан шугулланамиз – ҳаммаси назорат қилинарди.

Дадам ҳатто мактаб қоровулларидан ҳам бизни назорат қилиб туришларини илтимос қиласар эдилар. Иқтисод масаласида ҳам қаттиқ турардилар. Берган хайитликларининг ҳам ҳисобини олардилар. Агар ноўрин сарфлаб қўйсак, танбех берар, пулимизни китоб-дафтарга сарфлаган бўлсак, мақтаб қўярдилар.

Шунингдек, бизни ўйин-кулги, телевизорга тикилишдан ва бошқа беҳуда нарсалардан узоқ сақлардилар. Ўқишишимизда ҳам аввало Куръони Каримни ёдлашни, араб тилининг сарф ва нахъ илмларига алоҳида эътибор қилишишимиз кераклигини таъкидлар эдилар. Ҳатто Куръон ҳарфида ёзилган туркий китобларни ҳам кўп ўқишга рухсат бермасдилар. «Аввал араб тилини, унинг грамматикасини мукаммал билсанглар, қолгани осон

бўлади», деб уқтирадилар. Шунинг учун биз энг аввал наҳв китобини ёд олган эдик.

Ота-онамиз биз фарзандларга намоз, рўза фарз бўлмасидан олдин намоз ўқишни, рўза тутишни ўргатишар, ҳатто кичкина синглиминиз Тожинисохон ҳам рўза тутарди. Бундай диний таълим олишимизни, ибодат қилишимизни ҳаммадан – қариндош-уруғлардан, ҳатто қўшни кампирдан ҳам яширадик. Давр тақозоси шундай эди. Энди эса бу ҳақда фахрланиб ёзмоқдамиз. Ана шундай оғир даврда ота-онамиз бизни диний рухда тарбиялаган эдилар.

Акамиз мадрасага қабул қилинганларида дадам бирга олиб бориб, у ердаги устозлардан ўғилларига яхшироқ эътибор беришларини илтимос қилганлар. Мадрасага борганда талабалар фойдаланаётган идиштоворокларнинг уриниб қолганлигини кўриб, янги идиштовороклар олиб бориб берганлар – у пайтларда чинни идишлар танқис эди. Дадам у ерда ҳамма билан яхши муомалада бўлар, ҳадя-эҳсонлар тарқатар, вақти-вақти билан ош дамлаб, зиёфат қилиб берардилар. Мақсадлари битта – «Ўғлим ўқисин, олим бўлсин», дер эдилар.

Дадамиз бизга жуда қаттиқ турардилар. Назоратни бир дақиқа ҳам сусайтиргмаганлар. Баъзан онамиз меҳрибонлик қилиб, «Болаларимиз баъзиларга ўхшаб ўйнашният билишмайди», деб қолсалар, дадамиз: «Болаларимиз аввал ўқиб олим бўлишсин, кейин ўйнашаверади. Ҳали кўрасан, фарзандларимиз дунёни кезишади», дер эдилар. Айтганлари бўлди ҳам. Ҳамма бир йил ишлаб, меҳнат таътилига чиққач, бир ёқларга бориб, дам олиб келса, биз аксинча, меҳнат таътилига чиқшишимиз билан уй томон шопшилардик.

Ота-она фарзанд келажаги учун астойдил жон куйдирса, дуо қилса, бу дуолар ижобат бўлиши, ниятлар

амалга ошиши шубҳасиз экан. Буни Шайх ҳазратлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Падари бузрукворимизнинг охиратлари обод бўлсин, омин!

### ОНАМИЗ ҲАҚИДА

Онамиз Собирахон Тилакберди қизлари 1928 йилда Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги Қоракўргон қишлоғида таваллуд топганлар. Исми жисмига муовфик, ҳақиқатан ҳам сабрли аёл эдилар. Ўша даврларни хаёлан кўз ўнгингизга келтиринг: очарчилик, бадбахт уруш ва ҳоказо. Онамнинг болалик йиллари ана шу даврларга тўғри келган эди. Ёшлигидан бир парча нон учун колхозда эрталабдан то шомгача кетмон чопарди.

Бўйлари етиб, дадамга турмушга чиқдилар. Аёл бошлари билан бир кўра кўйни ёлғиз ўзлари боқдилар. Дадам ўқишига кетганларида ҳам ота, ҳам она бўлиб бизни тарбияладилар.

Онам менинг таваллудимни шундай ҳикоя қилиб берардилар: «Сен рўза ойида туғилгансан. Кўз ёраётганимда ҳам рўзадор эдим. Онам мажбурлаганда ҳам рўзамни очмаганман». Ҳа, онам ҳақиқатан ҳам сабрли инсон эдилар. Айтиб беришларича, акамга имкон қадар бетаҳорат кўкрак тутмаган эканлар. Бир кўз олдингизга келтиринг: яrim тун, чақалоқ йиғлаб турибди. Онам эса уни эмизиш учун таҳорат олмоқдалар. Бу айтишга осон, лекин бу иш қанчалик масъулият, қанчалик хафсала талаб қилишини буни бошидан ўтказган одамгина ҳис этиши мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бежизга «Жаннат оналар оёғи остида», демаганлар. Бежизга халқимиз «Ҳар бир буюк шасхнинг ортида аёл туради», демаган. Шайх ҳазратларидек буюк

шахс ортида ҳам сиз таърифини эшитган аёл – онаизоримиз турадилар.

Онам кичик ёшларидан намоз ўқиб, рўза тутар, Ислом арконларига баҳоликудрат амал қилас эканлар.

Онамизниг бирор марта турмушларидан нолиб гапиргандарини эшитмаганмиз. Улар асосан бизнинг тарбиямиз билан машғул эдилар. Яхши эслайман, онам бир кун акам учун, бир кун мен учун «Ё Азиз»ни вирдига етказиб тасбеҳ айтар эдилар. Намозларида доимо бизларни дуо қиласдилар.

У киши ҳар доим менга: «Акангизни эҳтиёт қилинг, болам», деб таъкидлар эдилар. Ўзлари ҳақида заррача қайғурмасдилар. Бизнинг тарбиямизга бор-будларини, ҳатто жонларини тикдилар. Доимо болам деб гирён бўлардилар. Ўқувчилик пайтим кўричак бўлиб қолганимда бувим билан бирга оқ рўмол ўраб, қиблага қараб ўтириб, кечаси билан Аллоҳга нола қилиб чиқишган экан.

Онам одатда телевизор томоша қилмас эдилар. «Маърифатнома» кўрсатуви зангори экранга узатила бошлиганда, «Ўғлимни кўраман», деб телевизор сотиб олганлари ҳамон ёдимда.

У киши аёл зоти учун энг шарафли вазифа – рўзғор юритиш ва фарзанд тарбиялаш билан машғул эдилар. Ота-онамизниг фикру хаёллари бизнинг тарбиямизда эди. Бунинг учун улар ўзларидан, ўйин-кулги, орзу-ҳавас – ҳамма-ҳаммасидан воз кечишган эди. Биз ёшлик қилиб ўйинга берилиб қолсак, онамиз: «Болаларим, вазифанларни тайёрланглар, ҳализамон даданг сўрайдилар. Куръонни ёдладингми, топшириқни бажардингми?» дея огоҳлантириб турардилар. Бу иш умрларининг охиригача давом этди. Биздан сўнг набираларига ҳам худди шундай муносабатда бўлдилар. Биздан ортиб, фарзандларимизга ҳам гўзал тарбия бердилар. Ҳозир набира-

ларидан қорилар, олимлар етишиб чиққан бўлиб, улар ҳар бир ибодатларида, намозларида буви-боболарининг ҳаққига дуолар қилимоқдалар, Қуръон тиловат қилиб, савобларини уларга бағишламоқдалар, улар ёқиб кетган ҳидоят чироғини ўчирмай келмоқдалар.

Дадам онамдан рози бўлиб кетдилар. «Эр рози – Худо рози», дейишади-ку. Аллоҳ таолодан сўраганим, волидаи муҳтарамамиздан Ўзи ҳам рози бўлган бўлсин. Жойларини жаннатларда қилсин. Омин.

### ТАЛАБАЛИК

Ўрта мактабни тамомлагач, олдинда ўқишни давом эттириш вазифаси туради. Акам учун бу вазифа аниқ эди, келгусида диний билимларни эгаллашлари керак эди. Бунда бирдан-бир иш – кириш имтиҳонларидан муваффакиятли ўтиб, Бухородаги «Мир Араб» мадрасасига ўқишига кириш лозим. Дарвоҷе, мадраса ҳақида: бу ўша даврда Совет иттифоқидаги исломий таълим бериладиган яккаю ягона илм даргоҳи эди. Қабул қилинадиган талабалар сони эса ниҳоятда чегараланган эди. Ўкув даргоҳини неча киши битирса, ўшанча ўринга талаба олинарди. Энг қизифи, ҳеч қаерда бошланғич диний таълим берилмасди. Бу нарса қонун бўйича ман қилинган эди. Лекин бир истисно бор бўлиб, у ҳам бўлса, ота-онанинг ўз фарзандига диний таълим беришига «рухсат» бор эди. Аммо буни оддий одамлар билмас, тарғиб ҳам қилинмас, бундай имконият халқдан сир тутиларди. Мадраса Бухоро шаҳридаги қадимий «Мир Араб» меморчилик мажмуасида жойлашган бўлса-да, шаҳарнинг марказида яшайдиган одамлар ҳам мадраса фаолиятидан бехабар эдилар, иттифоқидаги мусулмон аҳолининг сонига

қарасак, мадрасада таълим олаётган талабалар сони жуда ҳам оз – уммондан қатра эди, холос. Мадраса куруқ сиёсат учун, номига фаолият олиб борарди. Кириш имтиҳонига ҳаддан кўп абитуриент ариза берар, мадрасага кириш учун факат диний билим кифоя қилмас, у ерга кириш учун давлатнинг маҳсус идораларига мурожаат қилиш, уларнинг ҳам рухсати керак бўларди. Акам ўқишига ҳужжат топширганларида дадамнинг ушбу мадрасани тамомлаб, диний соҳада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатгандарининг, ҳалқ, диний идора, давлат олдида яхшигина нуфузга эга бўлганларининг таъсири ҳам бор эди. Албатта, кириш имтиҳонларида акамнинг отамиздан олган диний илмлари жуда асқотди, лекин ўқувчининг қаршиисига кўйилган сунъий тўсиқлар кўп эди, чунки қайси йўл билан бўлса ҳам, талабалар сонини камайтириш керак эди. Бунинг учун талабанинг соғлиғи, ёши, қаерда яшаши каби баҳоналар жуда кўп эди. Шуларга қарамай, 1969 йили Аллоҳнинг хоҳиши билан акам талабалик баҳтига муяссар бўлдилар. Ўқиш бошланганда дадам акамни ўzlари етаклаб, мадрасага олиб борганлар. Ҳа, айтганча, ўша вақтга қадар «Диний оиласарнинг фарзандлари мадрасага қабул қилинмаслиги керак» деган ёзилмаган бир қоида ҳам бор экан. Кейинчалик мулоҳаза қилиб кўришса, оддий оила аъзоси талаба бўлса, у оила ҳам диний бўлиб қолар экан. Шунинг учун бу ёзилмаган қоида бекор қилинибди. Бу ҳам бизнинг баҳтимиз. Дадам ўғилларини ўз биродарлари, устозлари билан танишириб, дуо олиб бериш мақсадида бир-бир улар билан учрашибдилар. Шунда устозлардан бири (Усмонжон домла) атайлаб: «Эй биродар, ўғлингиз ўқиб олим бўлмайди, маҳдумлар (домланинг фарзандлари) эрка бўлади, ўқишимайди», деб

танбек берібдилар. Бу танбек акамизнинг келгусида яхши ўқишиларида мухим аҳамият касб этган экан.

Ўша даврларда «пахта плани» деган муаммо ҳам бор эди. 1 сентябрда ўқишиш бошланыши билан бирга пахта «қашари» ҳам бошланарди. Талаба ўқишига кириб-кирмай, пахтага олиб кетиларди. Қарангки, шунчалик катта Иттифоқ 40 нафар диний талабанинг ёрдамига қараб қолган экан. Айниңса, Иттифоқнинг Европа минтақасидан келган талабалар пахта теришга қийналишар, дала шароити яхши эмасди. Пахта мавсуми тугаб, ўқишига қайтишар экан, акамни яна бир муаммо кутиб турарди: талабалар қайта «элак»дан ўтказилибди, акам ҳам ўқишидан четлатилибдилар. Баҳона – акам ҳали 18 ёшга түлмаган эканлар. Булмаса, 18 ёшга тўлишларига уч ой қолган экан. Бу ҳам ёзилмаган қоида эди. Бир куни акам паришон, хафа бўлиб ўқишидан қайтиб келдилар. 18 ёшга тўлгач, яна қайтиб ўқишига кирдилар.

Мадраса байнамилал даргоҳ эди. У ерда турли хил миллат вакиллари таълим оларди. Аммо талабалар орасида ҳеч қандай уруш-жанжал, тўполнон бўлмасди. Акамнинг уйда олган билимлари, туғма иқтидорлари у кишининг мадрасадаги ўқишиларида ёрдам берди. Шундай бўлса-да, бўш вақтларида устозлардан кўшимча дарс олар, шерикларига дарс бериб, илмларини мустаҳкамлар, ҳатто ёзги таътилларда ҳам ўқишини тўхтатмасдилар.

Акамиз учун мадрасада ўқиши қийин эмасди. Диний дарсларни уйда отамиздан ўқиган, замонавий дарслар эса мактаб дастуридаги дарслар эди.

Ҳозиргидек эсимда, ёзги таътил кунлари дадам эски қадрдонлари, ҳаммамизнинг устозимиз мулла Мухторжон домла Абдуллаевни оила аъзолари билан уйимизга таклиф қилиб, шароит яратиб берган эдилар. У киши сарф ва нахъ, яъни араб грамматикасидан акамга дарс берардилар.

**Устоз Мухторжон домла Абдуллаев фахр билан шундай хотирлайдилар:**

«Мұхаммад Содиқ иқтидорли ўқувчиларимдан эди. Мадраса фанларини яхши ўзлаштиради. Шу билан бирга, ёзги таътилларда ҳам күшімча дарс оларди. Мен уч-түрт кунга мұлжаллаб берган дарсларимни бир кунда тайёрлаб, ёдлаб келиб, топширади. Қисқа кунлар ичида араб тилининг нахв илмига оид «Алфия» ва «Кофия» китобларидан дарс олиб, ёдлаб, айтиб берган».

Одатда дарс ўқиганлар күпроқ «Кофия»ни ёд олишар, акамиз эса ҳам «Кофия»ни, ҳам «Алфия»ни ёд олиб, шархи билан қўшиб дарс олганлар. Ўша давр тақозоси билан мадрасага кира олмаган болалар хизматга олинарди. Уларнинг барчаси дарсдан бўш вақтда устозлардан, пешқадам талабалардан дарс олишарди. Шу ўринда акамнинг устозлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга изн бергайсиз. У кишининг илк устозлари падари бузрукворимиз Мұхаммад Юсуф ҳожи дада эдилар. У киши асосан Куръони Карим, тажвид ва араб грамматикаси – сарф ва нахвга катта эътибор берардилар. Мадрасада қироатдан Шаҳобиддин қори домладан дарс олганлар. Мадрасанинг ўша даврдаги мудири Абдуллатиф домла Султонмуҳаммедов жуда ҳам камтар инсон эдилар. Талабалар билан навбат туриб, Шаҳобиддин қори дададан дарс олардилар. Араб грамматикасидан асосан Мухторжон домла Абдуллаевдан сабоқ олганлар. Шунингдек, Усмонжон домла, Қосимжон домла ва бошқалар ҳам акамнинг устозлари эди.

Мадрасада бирга ўқиган дўстларига келсак, акам Талъат Тожуддин, Аллоҳшукр Пошшозода, Насрулло Ибодуллаев, Абулҳасан Элдорхонов, Нурмуҳаммад Нематулигин, Абдулла Жўлдошев, Зокиржон Исмоилов ва бошқалар билан бирга ўқиганлар.

«Мир Араб» мадрасасида турли миллат, әлат вакиллари таълим олишарди. Акам Мұхаммад Содиқ ҳамма билан келишиб кетар, ўзининг аъло ўқиши, ҳусни хулқи билан барчага ўрнак бўлардилар. Айниқса ҳужрадошлари билан жуда дўстлашиб кетган эдилар. Олтиариқда туғилиб, Тожикистоннинг Ревгарида улғайган Абдураҳим Абдукаримов, доғистонлик қумиқ миллати фарзанди Илёс Илёсов, авар миллатига мансуб Муртазо Алилар билан бир оила фарзандларидек ака-ука, биродар бўлиб кетишган эди. Сабокдош дўстлар гўёки Аллоҳ таолонинг «Албатта, мўминлар биродардирлар» (*Хўжсурот сураси, 10-оят*) ояти каримасини тасдиқ қилаётгандек эдилар. Улар худди эгизаклар каби бир хил кийинишар, таомлари ҳам ўртада эди. Талабалар Мұхаммад Содиқни ҳурмат қилиб, «Пешқадам», «Мужтаҳид», деб чақиришарди. Ниятлари холис эканми, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир» деган машҳур ҳадиси шарифларига мувофиқ, Мұхаммад Содиқ келгуси ҳаётларида талабалар ният қилган даражага етдилар.

«Мир Араб» мадрасаси жамоаси гўё ҳалқлар дўстлигининг рамзига ўхшарди. Совет иттифоқининг турли бурчакларидан ташриф буюрган ўзбек, озарбайжон, татар, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қўйингки, барча миллат, әлат вакиллари дўстона ўқиб, бирга яшар эдилар. Пахта йиғим-теримида иштирок этишар, жамоат ишларида фаол қатнашишарди. Исломий таълимотга мувофиқ, улар орасида миллатчилик, тоифачилик, мазҳабпаратлик деган гаплар бўлмасди. Барчалари баробар ҳанафий мазҳабига иқтидо қилишарди. Ўша пайтларда ҳарбий хизматда бўлган кишилар турли миллат вакилларининг бир ерда яшави қанчалик қийинлигини яхши ҳис қилишади. Мұхаммад Содиқ ўзи яхши ўқиши билан

бирга, сабоқдошларига ҳам ўқишида ёрдам берар, алоҳида дарслар бериб, мадрасада ўқиши умидида юрганларни имтиҳонга тайёрлар эдилар, баҳоликудрат ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатар эдилар. Бемор бўлган талабаларга алоҳида аҳамият берар, дори-дармонларига, даволанишларига ёрдам кўрсатар, ўзи илож топмаса, дадамга, имкони бор танишларимизга мурожаат қилиб, моддий жиҳатдан қийналаётган талабаларга кўмак берардилар. Дам олиш кунлари узокдан келган шерикларини навбатма-навбат уйга олиб келардилар. Дадам талабаларни кўриб, ғоятда хурсанд бўлардилар, уларга меҳмондўстлик кўрсатиб, молиявий ёрдам ҳам қиласар эдилар. Бир куни Илёс деган дўстимиз келиб, қишлоғимиз, водийимиз билан танишди, меҳмон бўлди. Бухорога қайтгач, оиласи Умму Лайлого: «Андижон чиройли жой экан. Қаерда тол бўлса, соя бўлса, тагида чойхона бор экан. Тинмай палов дамланар экан. Турмуш ўртоғинг ошдан ёрилиб ўлишига сал қолди», деб ҳазиллапган эди.

Ҳамма ёзги таътилга чиқса ҳам, акамиз устозлардан мустақил дарс олиб, ўқишини давом эттирадилар. Бир куни «Мир Араб» мадрасасининг мудири Абдуллатиф домладан руҳсат сўраб, Халил Ҳусарийнинг қироатини тўлалигича магнит лентасига ёздириб олибдилар. Бу воқеа ўша вақтда ноёб ҳолат ҳисобланар эди. Айғоқчилар дарров бундан хабар топиб, тегишли ташкилотларга етказишибди. Ўшанда бу масала устида анча суриштириш ишлари бўлиб, вазият дадамнинг саъй-ҳаракатлари билан зўрға тўғриланган эди. Дадамнинг танишлари «Укамизга айтинг, қоровуллардан эҳтиёт бўлсин», дейишган экан.

Акамиз Муҳаммад Содик 1971 йили қишики таътилга келгандарига дадамдан изн ва дуо олиб, ўзлари билан бирга мени ҳам Бухорога олиб кетдилар, чунки мен ўрта мактабни битириб, бекор қолгандим. Ўша йили мадра-

сага талабалар қабул қилинмаган экан. Мен мадраса яқинида жойлашған бир уйда ижарада туриб, Мұхторжон домладан дарс ола бошладим. Дарс олаёттганимни мадраса ахлидан яшириб юрардим. Бу ҳақда акамнинг санокли ошналаригина билишар, яширинча ёрдам беріб юришарди. Шунинг учун улар ҳазиллашиб, мени «партизан» деб аташар эди. Домламнинг уйига бориб, дарс олардим. «Шифохия» китобидаги ҳамма луғатларни домланикига қатнаб юриб, йўлда ёд олганман.

Акам талаба бўлиб ўқиб юрибдилар-у, кишлоқдаги ҳангомалардан бир шингил: у кишини ўрта мактабда ўқиттган мактаб директори Нельматжон Қодировга тарбия қилган ўқувчиси мадрасага кирганлиги учун хайфсан эълон қилинибди... Бундай ҳолатларни кўрган, эшиттан кишилар бугунги кунларимиз учун Аллоҳ таолога ҳар қанча шукр қиласалар оз деб ўйлайман.

Мұхаммад Содик ўқиши давомида аъло ўқиши, одобахлоқи, жамоат ишларида фаоллиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Мадрасада талабалар билимiga қараб синфларга тақсим қилинарди. Шунинг учун акамиз етти йиллик дастурни уч йилда тамомлаганлар.

1974 йили акамиз Тошкент Ислом маъҳадига ўқишига кирдилар, мен эса «Мир Араб» мадрасасига расмий талаба сифатида қабул қилинди.

Акам Мұхаммад Содик Тошкентда асосан ёши ўзидан катта бўлган талабалар билан бирга ўқиганлар. Ақл ёшда эмас, бошда деганларидек, бу даргоҳда ҳам аъло баҳоларга ўқийдилар. Маъҳадда муфтий Зиёуддин Бобохонов, муфтий ноиби Исмоил маҳдум Саттиев, Юсуфхон Шокиров, Абдуғани Абдуллаев ва замонасинг бошқа пешқадам уламолари у кишига устозлик қилғанлар. Акам улардан расмий дарс олиш билан бир қаторда, дарсдан ташқари ҳам таълим олганлар.

Мұхаммад Содиқ диний дарслар билан бир қаторда замонавий дунё фанлари – рус тили, инглиз тилидан ҳам аъло баҳоларга ўқирди. Шу билан бирга, талабаларга дарс ҳам берарди. Ҳозирда собиқ Совет иттифоки ҳудудидаги күшгина диний ходимлар Мұхаммад Содиқни ўзининг устози деб биладилар.

Акам хизмат давомида аста-секин таржимонлик ҳам қила бошладилар. Хориждан мәхмөнлар келса, таржимонлик қилиш давомида улар билан танишиб, алоқа ўрната бошладилар. Мәхмөнлар масжидларда ваъз қилишса, акам уларнинг сўзларини чиройли қилиб таржима қилиб берардилар. Шу зайлда у киши аста-секин халқ назарига туша бошладилар.

Акам илк бор бангладешлик мәхмөнларга таржимонлик қилиб юрганларини эслаб, шундай ҳикоя қилиб бергандилар: «Мен мәхмөнлар билан 14 кун юриб, сафар харажатларини жуда оз ёзибман. Шунда «тажрибали» маслакдошларим насиҳат қилиб, «Бунақада бизни шарманда қиласиз, кўпайтириб ёзинг», дейишган. Лекин мен ёзмаганман».

Мұхаммад Содиқ хизмат давомида жуда кўп машҳур одамлар билан танишиб, сұхбатлашишга мұяссар бўлганлар. Кўплаб халқаро анжуманларда иштирок этганлар. У кишининг биринчи иштирок этган анжуманлари И мом Бухорийга бағишланған анжуман эди. Бу анжу-манга тайёргарлик кўриш жараёнида И мом Бухорийнинг «Жомеъус-саҳих» китобини чоп этишда фаол қатнашганлар ва ўzlари ҳам катта тажрибага эга бўлганлар.

Совет иттифоки даврида бармоқ билан санаарли дарражада талабалар чет элларда диний таълим олишга мұяссар бўларди. Олий маъҳадни тутатгач, Мұхаммад Содиқ ҳам ана шундай баҳтга мұяссар бўлдилар. У кишини Ливия жумҳуриятига ўқишига юбориши. Ливия-

нинг Траблус шаҳридаги «Исломга даъват факультети» номли олийгоҳга ўқишига кирдилар. Бу ерда ҳам ўқишини муваффақиятли давом эттиридилар. Йиллик натижага кўра чет эллик талабалар ичида қабул қилинган имтиҳонда энг кўп балл тўплашга эришдилар ва чет эллик талабалар орасида биринчи ўринни эгалладилар.

### **Мұхаммад Содик акамизнинг ҳикояларидан:**

«Ҳаво совуқ бўлса, киши бир нарса қилиб ундан сақланишининг иложини топади: иссиқ кийим кияди, ўт ёқади, сандал, печка қуради. Аммо иссикдан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ экан. Яланғоч бўлсанг ҳам, ўша иссиқ ўшандай қолаверар экан...»

Ливиядаги ўкиш давомида у киши жуда кўп дўст-ёр, ошна-оғайнилар орттиридилар, дунёга машҳур давлат арбоблари, кўзга кўринган олимлар билан борди-келди қилдилар. Чунки Мұхаммад Содик билан бир марта сұхбатда бўлган киши яна гаплашсам, деган орзуда бўларди.

### **ДЎСТЛАР ХОТИРАСИ**

#### **Шайх ҳазратларининг энг яқин дўстларидан бири, сафдоши Зокиржон домла Исмоилов хотираларидан:**

«Мұхаммад Содик билан танишишимиз қуйидагича бўлган эди: 1969 йил. Бухоро шаҳар «Мир Араб» мадрасаси саҳнида оғир-босиқлик билан дарсини такрор қилиб, оҳиста қадам ташлаб бораётган келишган йигит билан танишиб, сұхбатлашдик. Исми Мұхаммад Содик, Андижон вилоятининг Булоқбоши қишлоғидан экан. Шундан бошлаб унинг дарсларни ўзлаштиришини, юриш-туришини, одоб-ахлокини, атрофдан келган турли миллат вакиларидан иборат талабалар билан дўстлашиб, ҳаммага манзуру мақбул бўлиб бораётганини кўриб, ҳавасим келиб, «Бўладиган йигит экан», деб кўярдим.

Тез орада бизнинг курс битируди курс бўлиб, Тошкентда янги очилган Имом Бухорий номидаги Ислом маъҳадига кириш имтиҳонларини топшириш учун олти нафар талаба юборилдик. Мен шулар ичида Тошкентта жўнаб кетдим. Биз ҳаммамиз кириш имтиҳонларидан муваффакиятли ўтдик. Орадан бир йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, Муҳаммад Содиқ ҳам келиб, биз билан бирга ўқий бошлади. Дарсда ёнма-ён ўтирас эдик. Дарсга бўлган муҳаббат, чанқоқлик, тиришқоқлик, сабр-тоқат аввалгидан ҳам зиёда бўлган эди. Кунлардан бирида, ҳадис дарсидан танафусга чиқаётганимизда, мударрисимиз Исмоил маҳдум Саттиев менга «Тўхтаб туринг», дегандек ишора қилди. Муҳаммад Содиқнинг ўриндини кўрсатиб, «Ошнангиз қалай?» дедилар. Мен у кишининг мақсадларини тушундим. «Тақсир жуда китоб ўқишга берилган, ҳозир бориб кўрсангиз, айвоннинг устунига суюниб ўтириб, китоб ўқиётган бўлади, ўйинқароқлик йўқ», дедим. Мийигида кулиб: «Мен ҳам шундай тушуняпман. Куёв қилгим бор, айтиб кўринг, маъқул келса, учрашувга олиб боринг», дедилар. Айтган жойларига олиб бордим. Ҳаммаси кўнгилдагидек, чиройли чиқди. Мени Булоқбошига юбордилар. Суюкли Ҷомламиз Муҳаммад Юсуф ҳожи домлани зиёрат қилиб, хушхабарларни етказиб, чопон кийиб, қайтдим. Тўй жуда чиройли ўтди. Совға қилиб, олиб борилган соат қутиси қопқоғига бир байт битиб, ёзиб қўйдим.

Дарслар давом этарди. Қиблагоҳлари ҳожи акамиз Тошкентга келсалар, «Укангиз қалайлар?» деб ахборот сўрар эдилар. Мен эса: «Эҳ ҳожи ака, ҳаммамизда ҳам вақт исрофи бор, аммо шу «мужтаҳид»да вақт исрофи йўқ, ўқигани-ўқиган», дер эдим. Кунлардан бирида намоздан чиқиб, чеккадаги ўринидикка ўтиришимиизга ишора қилдилар. Бир оз суҳбат қурдик.

– Айтинг-айтинг, келин күёвга мұhabbat қилиб қолсин-да.

– Нима фарқи бор, ҳожи ака? Бир-бирини яхши күрса, униси бунисини ҳам яхши күради-да, – дедим.

– Қай бири мұhabbat қилиб қолса, унисининг гапига кулоқ соладиган бўлади, – дедилар.

**Дуо қилдик...**

Ҳаётда кўп кузатдим. Оталари орзу қилғандек оила бўлди. Келиннинг мужтаҳид ҳазратни ҳаммадан ортиқ кўришига, ҳаммадан кўпроқ ҳурмат қилишига, эъзозлашига гувоҳ бўлдим.

Мұҳаммад Содиқ биринчилардан бўлиб Ливияга ўқишига юборилди. Ёзги таътилга чиқиб, юртга қайтганида алоҳида узоқ сұхбатлашардик. Шундай кунларнинг бирида: «Ватанда ўқиёттанингизда «Тўхтовсиз ўқияпсиз, ўқиган китобларингиз қанча бўлди?» деб сўрагандим, «300 тадан ошди», деган эдингиз. У ёқда ўқишилар қандай бўляпти?» дедим.

«У юртнинг энг катта олимни мени ёқтириб қолди, у кишининг тавсиялари билан жуда кўп китоблар мутоала қиляпман. У зот мендан хурсандлар», деди-да, китоб жавонидан бир альбом олиб, менга узатди.

«Унда Ислом оламидаги энг буюк олимларнинг суратлари бор, кўринг. Устозим мени уларнинг бир катта анжуманига олиб бордилар. Анжуманда менга ҳам сўз берилди. Бир неча минутлик нутқ сўзладим. Сўзимнинг сўнгига мажлисни олиб борувчи: «Шунча гапни қофозга қарамай, ёддан сўзладингми? Аҳсанта, аҳсанта (барақалло, баракалло)», деди.

Унинг Ислом оламида кўзга кўринган олимлардан бўлиб етишиши ўша даврлардаёқ маълум эди. Ўқиши тамомлаб қайтгач, Имом Бухорий номидаги маъҳаднинг илмий савиясини оширишга киришдилар. Диний идо-

ранинг раҳбарлари, муҳтарам устозларимиз Муҳаммад Содикнинг иқтидорини тўғри баҳолаб, уни маъҳадга мудир қилиб тайин этдилар. Ўша йиллари мужтаҳид ҳазратлари бошчилигига қаттиқ ғайрат билан ишладик. Кеийин муфтийлик лавозимига сайландилар. Бу вазифани ҳам аъло даражада бажардилар. Тафсир, ҳадис, фикрҳа оид ва мусулмонлар учун зарур бўлган бошқа юздан ортиқ китобларни ўзларидан мерос қилиб қолдирдилар. Биз таниганлар ичида энг сермаҳсул ижод қилган киши мужтаҳид шайх Муҳаммад Содик ҳазратларидир».

## НИКОХ ТҮЙИ

Мұхаммад Содиқ Тошкентда маъҳадда ўқиб юрган даврлари уни уйлантириш масаласи ўртага чиқди. Дадам ота-онанинг бу бурчини ҳам аъло даражада бажаришга бел боғладилар. Таниш-билишлар, қариндош-уруғлар ҳаракатта тушиб қолди. Келинликка номзод излай бошлишди. Ҳар тарафдан турли таклифлар келиб турарди. Дадам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг кўрсатмаларига биноан диндор келин излардилар.

Бугунгидек эсимда, дадамнинг амакилари Умар бувам бир куни келиб, «Ана, мен Қорақўрғонда бир қиз кўрдим, ота-онаси унинг ёруғидан чирокни ўчириб ўтиришибди. Ана қизу, мана қиз», дедилар. Шу гапдан бир муддат ўтгач, онам билан Қорақўрғон қишлоғига бордик. Йўлда онам қизи билан кетаётган бир аёл билан кўришди. Сўнг менга: «Умар буванг мақтаган қиз мана шу», дедилар. Қиз оддийгина эди, ҳеч қандай чироқ ўчиришга ҳожат йўқ эди...

Ўша кезлари устоз, муфтий ноиблари Исмоил махдум Саттиев жаноблари уйимизга тез-тез ташриф қиласидиган бўлиб қолдилар. Аввалига сабабини тушумадик, бироқ кейин ҳамма нарса маълум бўлди. Қиши кунларининг бирида келиб, тунаб қолдилар. Нонуштага иссиқ овқат тайёрлаб қўйган эдик. «Менга кечқурунги қолган паловни иситмай олиб келинг», деб марҳамат қилдилар. Ўзлари ҳозиқ табиб эдилар, иситилган овқатни емасдилар. Паловни мақтаб едилар-да, бир латифа айтиб бердилар: «Бир одам биз наманганликлардан жуда хуноб бўлибди. Шулар йўқ жойда бир мазза қилиб тарвуз ей деб, Саҳрои Кабирнинг ўртасига бориб, тарвузни сўйса, ичидан «Ассалому алайкум» деб бешта

наманганлик чиқиб келаётган эмиш». Бу латифани асл наманганлик Махдум поччадан эшитиш қандай ҳам ма-роқли. Кейинчалик аниқ бўлдики, ўшанда махдум поч-ча уй шароитларимиз, яшаш тарзимиз билан яқиндан танишиш мақсадида «разведка»га келган эканлар. Да-дам, акамиз ҳам у кишининг шогирдлари. Акамиздаги иқтидорни, илмга чанқоқликни, эътиқодни олдиндан сезганлари учун у киши шу қарорга келган эканлар. Хуллас, катталар маслаҳатлашиб, қуда бўлишга кели-шиб олдилар.

Исмоил махдум Саттиев тақволи, олим одам эдилар. Узоқ йиллар дин йўлида самарали хизмат қилган, кўп-гина шогирдлар тайёрлаган зот. У киши ўз шогирдлари, акамиз ҳақида шундай марҳамат қилган эдилар: «Му-ҳаммад Содиқ талабалар ичида ажралиб туради. Бутун фикри-зикри илмда. Бундай разм солсам, илмдан бош-қа нарсани ўйламайди. Юрса ҳам, турса ҳам илм билан банд. Иқтидорли, одобли талаба. Иншааллоҳ, келгуси-да етук олим бўлади, деган умиддаман».

Бўлғуси келин Фотимахон ва бўлғуси куёвтўра Муҳаммад Содиқ шариат изн берган кўйда учрашиб, турмуш қуришга рози бўлибдилар. Тўй тарааддуллари бошланиб кетди. Ўргада камина бир кунда уч мартадан Наманганга қатнаганман. Наманганнинг казо-казолари Абдуллатиф домла, Дадаҳон бой ва бошқалар ўргада. Тўй иложи борича Ислом дини кўрсатмаларига биноан ўтказилди. Одатдагидек, «бош рол»ни аёллар ўйнай олишмади. Икки тараф келишган ҳолда, карнай-сурнай садолари остида келин туширилди. «Бахтли бўлишсин! Оилалари исломий оила бўлсин! Кўша қаришсин! Сер-фарзанд бўлишсин!» деб дуолар қилинди. Никоҳни ўз даврининг улуғ зотларидан бўлмиш Иброҳим Махдум почча ўқиб, оқ фотиҳа бердилар.

### **Тўй ҳангомаларидан:**

Булоқбошилик оқсоқоллар куда бўлиб боришибди. Зиёфат катта, ҳамма нарса бисёр бўлибди. Булоқбошининг удумига кўра маросимларда тугун туғиб беришади, бу одат ҳозир ҳам бор. Наманганда эса аксинча ҳолат. Хуллас, кетар чоғида уларнинг қўлига ҳеч нарса туғиб берилмабди. Шунда қўшнимиз Мулла Машраб aka: «Хайр, шоколадлар, кўришиш қиёматга қолди», деб ҳазиллашган эканлар.

Тўйда асосан Бухоро ва Тошкент мадрасаси талабалари, куёвжўралар иштирок этдилар. Куёвнавкарда ўтирибмиз. Хизмат қилаётган Исройлжон aka бир тўп қошиқ олиб кириб, «Етармикан?» дедилар. Ҳозиржавоб Абдураҳим биродаримиз «Етадию, бир дона кам бўлади», дедилар. Тарқатилгач, ростдан ҳам бир дона етмай қолди. Бўлди кулги, бўлди кулги...

Зиёфатдан сўнг келин тайёрлангунга қадар куёвни чақириб, бир қоронғи хонага олиб кириб ўтиргиздик. Чироқни ёқиб қарасак, не кўз билан кўрайликки, куёвни қайнотасининг ёнига ўтиргизиб қўйибмиз. Махдум почча бизни хижолат бўлмасин деб, чироқни ўчириб ўтирган эканлар. «Майли, сизлар ўтиринглар», деб секин чиқиб кетдилар. Одобни қаранг!

### **Дадамнинг ҳикоялари:**

«Тўй куни тайин бўлгач, тўйга таклиф қилиш учун муфтий Зиёуддин Бобохоннинг ҳузурига кириб, мақсадларини айтган эканлар, у киши «Биз кеч қолибмизда», деган экан.

Ҳамма ёқда – Тошкентда ҳам, Андижонда ҳам, Бухорода ҳам дув-дув гап. «Мұхаммад Содик Махдум поччанинг қизига уйланаётган эмиш». Ҳамма ёқда «Кўша қаришсан! Бахтли бўлишсан! Оилалари исломий оила-

лардан бўлсин!» деган дуолар. Дуолар қабул бўлиб, фаришталар «Омин!» дейишган экан, тўй куни яқинлашиб қолди. Тўйнинг ўзига яраша югур-югурлари бошланди. Қариндошлар, дўст-ёrlар хизматда. «Жигули»лар – Абдуғани амаки, Анорбой почча рулда. Энг оғири каминанинг елкасида: кудалар ўртасида воситачиман. Совчилар борди-келдиси, «уйкўрар» ва ҳоказо. Лекин энг асосийси, ҳамма нарса рисоладагидек, Ислом шариати қонун-қоидаларига мувофиқ бўлмоқда. Ёш келин-куёв номзодлар гувоҳлар иштирокида учрашдилар. Икки тараф бир-бирига маъқул келди. Карнай-сурнай садолари остида күёвнавкар бориб, келинни олиб келишди.

Машхур шахсларнинг оиласи ҳаётларига қизиқиши катта бўлади. Шуни эътиборга олиб, акамизнинг оиласи ҳаёти тўғрисида қисқача баён қилиб ўтамиш.

Бир сўз билан айтганда, бу оила биз кўрган, ўқиган, эшитганларга қараганда ҳақиқий исломий оила эди. Муҳаммад Содик билан Фотимахонлар худди узукка кўз кўйгандек бир-бирларига мос эди. Оила курилишига сабаб бўлган икки оила ҳам бақадри ҳол Ислом асосларига амал қилиб келишарди. Қиз ҳам, йигит ҳам исломий тарбия олган бўлиб, бу таълим-тарбия тўлиғича амалиётга тадбиқ қилинар эди. Таққослаш учун ўшаш даврдаги ёш оиласарга назар солайлик. У пайтда кўпгина ёшлар динимизнинг энг бошланғич таълимотларини ҳам билишмас, билганига ҳам амал қилишмас эди. Афсусланарлиси шуки, тарбиячи ота-оналарнинг ўzlари тарбияга муҳтож эдилар.

Аҳвол шундай бўлгач, ёшлардан нимани умид қилиш мумкин? Биз баёнини қилаётган оиласида эса бутунлай бошқа ҳолат. Икки тарафнинг ота-оналари ҳам диний тарбия топиш билан бирга, унга амал ҳам қилишар, ҳатто халқقا ваъз-насиҳат қилиб, йўл кўрсатиш даражасига етган зотлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, бу оилада куёв – рисоладағи эр, келин рисоладаги аёл бўлиб яшашарди. Орадан маълум фурсат ўтиб, ёш оилада қувончли воқеа содир бўлди: Аллоҳнинг улугъ неъмати – ўғил фарзанд дунёга келди. Энди масъулият янада катталашди. Куёвга оталик вазифаси, келинга эса оналик вазифаси юкланди. Бу жуфтлик ушбу муҳим вазифани ҳам муваффакиятли улдаладилар. Бир ўғил, икки қизни тарбиялаб, илмли қилиб, халққа қўшдилар. Яхши ният билан курилган оила ҳақиқатан ҳам яхши, баҳтиёр оила бўлди. Келин ая хизматда, куёвтўра ўқишда...

### ИЛМ ИСТАБ

Бир муддатдан кейин Мұхаммад Содик акамиз Ливиядаги илм даргоҳига ўқишига қабул қилиндилар. Иттифоқ даврида бу кам учрайдиган ҳолат эди. Чет элга диний таълим олиш учун номига бир-икки талаба юбориларди. Акамиз Мұхаммад Содик Траблусдаги «Исломга даъват факультети» номли олийгоҳга ўқишига кирди. Одатдагидек, Мұхаммад Содик у ерда ҳам аъло баҳоларга ўқий бошлади. 100 баллик мезонда 90-95 балл баҳо оларди. Имтиҳонлар ёзма равишда бўларди, 100 балл олиш учун бирорта хато қиласлиқ, ҳатто бир нуқтани зиёда ёки кам кўйласлиқ керак. Энди тасаввур қилинг, 90-100 балл олиш учун Мұхаммад Содик акамиз қанча меҳнат қилганлар. Ўқиш давомида чет эллик талabalар орасида биринчи ўринни эгаллаб, бир неча марта мукофотларга сазовор бўлганлар. Одатда олти ойда бир марта таътилга келар эдилар. Бир сафар келганларида «260 та китоб ўқидим», дедилар. Бу эса бир кечакундузда бир яримта китоб ўқидим, дегани эди. Мен ўшанда «Акамиз ҳам лофчи бўлиб қолибди-да»,

деб ўйлагандим. Кейинчалик Ливияда яшаганимизда бу гапнинг лоф эмаслиги аниқ бўлди. Кутубхона мудири бўлиб ишлаган Тоҳир Ноус шундай деган эди: «Мұхаммад Содикқа китоб ташиб чарчаганман. У кишига асосан Совет иттифоқига олиб кириш тақиқланган китобларни берардим».

Ўша пайтда божхонадан фақат Мұсҳафни олиб ўтиш мумкин бўлгани учун, араб тилидаги бир нечта китоб олиб ўтилмоқчи бўлса, уларни Куръоннинг 1, 2, 3 ва ҳоказо томлари деб ўтказишар экан.

Акамизнинг хотираси жуда кучли эди. Аллоҳ у кишига илму ладуний ато этган эди. Ўқиган, уққан нарсалари ҳеч қачон эсларидан чиқмас эди. Бирорта китоб керак бўлса, менга: «Фалончи китобни олиб кел, муаллифи фалон киши, муқовасининг ранги бундай, китоб жавонининг фалон ерида турибди», дер эдилар. Ҳақиқатан ҳам, қарасам, ўша айтган жойларида турган бўларди. Бир куни Тошкентдан телефон қилиб, дадамнинг бир китобларини сўрадилар. Қарасам, йўқ. Мен акам адашмайди, тузукроқ қарайлик деб, бир чеккадан китобларни олиб, номларини ўқиб чиқдим. «Бенуқот» тафсир ўша акам айтган жойда турарди. «Савотиъул илҳам» номли бу ғоят ноёб китоб Куръоннинг тафсири эди. Нуктасиз харфлар билан ёзилган китоб эди. Дадам ва акамдан жуда кўп ана шундай бебаҳо китоблар бизга мерос бўлиб қолди.

Акам араб ва рус тилини жуда чукур эгаллаган эдилар. Рус ва араб тилларида бехато гапириб, ёзардилар. Қай бир тилда гапирсалар ҳам, уни бузмасдан, соф гапирадилар. Масалан, ўзбекча гапирганда бирорта русча калимани аралаштирмас эдилар. Араб тилидан синхрон таржима қиласидилар. Бир куни Ливияда катта бир

аңжуманда нутқ сўзладилар. Мажлисни олиб бораётган киши «Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф, Ўзбекистон», деб эълон қилди. У киши минбарга чиқиб, қоғозга қарамасдан, 20 дақиқалар чамаси араб тилида гапирдилар. Буни эшитган турк дўстларимиз хайрон бўлиб, каминадан: «Бу ким?» деб сўраб қолиши. Сўнг «Шундай аканг бор экан, нимага айтмагансан?» деб мени сўроқ-қа тутиши. «Сизлар сўрамагансизлар, мен ҳам айтмаганман», деб ҳазиллашдим. Уларнинг илтимосига кўра аңжумандан сўнг бир соатча сухбат уюштириб бердим. Шундан кейин улар «Бизнинг турклардан ҳам шундай олимлар бор экан», деб фахрланиб гапириб юриши.

Ливиялик устозлари Мұхаммад Содик билан жуда фахрланишар эди. Айниқса доктор Аҳмад Мұхаммад Шариф у кишини ўз фарзандидек кўтарди. Кейинчалик бирга ишлаган пайтларида акам билан доим маслаҳатлашиб иш қиласар эди. Ҳатто Ливия раҳбари Муаммар Қаззофий (Аллоҳ раҳмат қиласин) доимо: «Мұхаммад Содик ўзимизнинг фарзандимиз», дер эди. Мұхаммад Содик Ливияда ҳам ватандошларга қўлидан келганча ёрдам берардилар. Айниқса тил муаммоси бўлгани учун ўзимиздан борган мутахассисларга ҳар хил мажлисларда, ийғинларда, кўргазмаларда таржимонлик қиласардилар.

Қозогистоннинг Чимкент шаҳридан борган бир гурӯҳнинг Бексаид исмли раҳбари бор эди. У киши Мұхаммад Содик билан Зоҳиджон Қодировни жуда яхши кўтарди. Ливияда талабалик пайтларида уларга жуда кўп ёрдам кўрсатган эканлар. Қачон Чимкентга борсак, хурсанд бўлиб кетар, қўй сўйиб, меҳмон қиласардилар.

### **Бексаид аканинг ҳикояларидан:**

«Бир куни Ливия тупроқларида текшириш ишлари олиб бораётгандик. Шарқшунослик институтини энди

тұтаттан ёш таржимонимиз бор эди. Тупроқдан намуна олиш учун бир деҳқоннинг ерига кириб қолибмиз. Деҳқон милтиқ күтариб чиқиб, осмонга ўқ уза бошлади. Таржимонимизнинг тили калимага келмай қолди. Шунда Мұхаммад Содиқ билан Зоҳиджондан ўрганғанларим эсимга тушиб, «Туроб, туроб! Тафтиш» (Тупрок, тупроқни текширляпмиз), дедим. Деҳқон тушуниб, қайтиб кетди. Тил билған яхши-да, сал бўлмаса ўлиб кетардик».

Мұхаммад Содиқ яхши ўқиши, турли мукофотларга сазовор бўлиш билан бирга, таржимонлик қилиб, маблағ тўплаб, ўша даврларда «чек» деб аталган валютага ГАЗ-24 машинасини сотиб олган эди. Кейинроқ келин ая билан биргаликда пешона терлари билан ишлаб, йиғибтериб, Тошкент шаҳридан ҳовли-жой ҳам сотиб олишди.

### **Талабалар ҳаётидан:**

Бир куни Зоҳиджон aka қази пишираётган экан. Чет эллик талабалар қизиқиб, унинг нималигини сўрапибди. Зоҳиджон aka хазиллашиб, «Бу илон», дебди. Улар чопиб келиб, акамдан сўрапған экан, у кипи бунинг ҳазил эканини айтибдилар...

«Исломга даъват факультети»да турли мамлакатлардан келган миллат, элат вакиллари ўқишар эди. Акамнинг дўстлари жуда кўп эди. Уларнинг орасида Филиппин, Малайзия, Индонезия, Япония, Хитой, Босния ва бошқа мамлакатлардан келган талабалар бор эди. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги ўз юргида раҳбар, муфтий ва шу каби масъул лавозимларда ишлапшмоқда. Акам улар билан доимий алоқада бўлиб турардилар.

Акам Ливияда кўпгина дунёга машхур одамлар билан танишдилар. Улар орасида кўзга кўринган дин арбоблари, шунингдек, машхур боксчи Мұхаммад Али, жарроҳ Морис Бюкай ва шу каби таниқли инсонлар бор эди.

Чет элларда бўлганимда кўпинчча акамнинг дўстлари, танишлари келиб, кўришар, акамиз ҳақида илик гаплар айтишарди.

Бир куни Италияга сафар қилаётган эдим. Истамбул аэропортида бир киши билан учрашиб қолдим. У киши мендан: «Қаерликсан?» деб сўради. «Тошкентдан», дедим. «Мұхаммад Содикни танийсанми?» деди. «Ўхшайманми?» дедим. «Шунинг учун сўрайапман», деди. Танишдик. Покистон университетининг ректори доктор Адурраззок экан. У киши менга катта хурмат кўрсата бошлади, мен: «Бундай хурматга лойиқ эмасман», дедим. «Бобокалонларинг имом Бухорий, имом Термизийларнинг хурматини қиляпман. Динни ўрганишимизга улар сабаб бўлишган», деди.

Ливияда ўқиш даврида Мұхаммад Содик ўзидан кейин борган талабалардан ёрдамини аямас эди. Мисол учун, қирғизистонлик Содик Камолов у кишига: «Фалончи сизга салом айтди. Менинг ўқишга киришимга ёрдам берар экансиз», дебди. Бир ҳамشاҳар сифатида беғараз ёрдам берибдилар. У ўқишга кириб, ўқиб келди. Мазкур гапларни менга унинг ўзи айтиб берган. Бундай мисоллар талайгина.

Мұхаммад Содик Ливияда ўқиши мұваффақиятли тамомлаб, Ватанга қайтдилар. Ўзбекистонга келгач, диний идоранинг ташқи ишлар бўлимида ходим ва Тошкент Ислом маъҳадида мударрис бўлиб иш бошладилар.

Ха, айтганча, ўқиш давридаги бир муҳим воқеа ёддан кўтарилий дебди. Ливияда ўқиб юрган пайтида «Иймон» деган журналда Мұхаммад Содикнинг Ўзбекистон ҳақидаги каттагина мақоласи чоп этилган эди. Уни ўқиган диний идорадаги «дўстлар» изво-бўхтон қилиб, акамни таътилдан сўнг ўқишга юбормасликка уринишган. Лекин Аллоҳ саклаб, яна ўқиши давом эттирганлар.

Ҳадеб ишдан, ўқищдан гапириб, мұхтарам ўқувчини зериктириб қўйдик шекилли. Энди Шайх ҳазратларининг шахсий ҳаётлари тўғрисида ҳам бироз сўз юритайлик. Тошкент олий маъҳадидаги ўқиган даврларида «Ҳазрати Имом» мажмуасидаги талабалар ётоқхонасида истиқомат қилдилар. Уйланганларидан сўнг бир муддат Булоқбошидаги уйда яшадилар. Ливияда ўқиб юрганларида тайёргарлик кўрилиб, Оқлондан бир уйни сотиб олишга келишилди. Уй ака-ука, опа-сингиллар ўртасида мерос экан. Келиша олмай, айниб кетиши. Биз пулни ўргада турган одамга бериб қўйган эдик. Уйнинг ҳужжатлари тўғри бўлгач, эгаларига бериши керак эди. У одам эса пулимизни заём қилиб, ютуқларини олиб юрган экан. Орадан бир муддат ўтиб, уйларнинг нархи ошиб кетди. Бу ерда икки нуқтага эътибор қаратмоқчиман. Биринчидан, Ислом нуқтаи назаридан лафз қилиб, «бор барака» қилгандан сўнг қайтмаслик керак. Иккинчидан, баъзи лотерея, заёmlарнинг ютуғи ҳалоллигида шубҳа бор. Шунинг учун заёмни олмасдан, нақд пул қилиб олдик. Шайх ҳазратлари ўша пайтда бу ишдан қаттиқ ранжиган эдилар.

1976 йилда акам билан келин аямга Аллоҳ улут нельмат – ўғил фарзанд ато қилди. Исмини боболарининг шарафига Исломилжон деб қўйиши. Ливиядан ўқишидан қайтгач, Тахтагулдан ҳовли сотиб олинди. Уйни яшашга мослаштириш учун бор уйнинг орқа томонига икки хоналик уй қурилди.

Акамиз Мұхаммад Содик Ливияда ўқиб юрганларида қиз фарзанд кўрдилар. Исмини Одинахон қўйдик. Келин ая туғруқхонада ётганларида, «чиқишга рухсат олиш учун яқинлари қон топшириши керак», деган гап чиқиб қолди. Ота чет элда, камина эса ҳарбий хизматдан яқинда қайтганман. Қон топширадиган аҳволим

йўқ. Шунда бир қути шоколад олиб, «Шу қон бўлади», деб ёзиб, киргизиб юбордим. Шифокорлар ҳазилимни тўғри тушуниб, келин аяга рухсат бериб юборишди.

Қизчанинг исмига келсак, қуда хола бошчилигида ҳамма қариндошлар бир неча исмни айтиб, таклиф киритишди. Мен эса чақалоқ жума куни туғилганлигини эътиборга олиб, Одинахон деб исм кўйиб, гувоҳнома олдим. Ҳозирги кунда Одинахон олим, қория, катта устоз бўлиб етишди. Устози – отасининг ишларини давом эттириб, китоблар таълиф қилмоқда, кўплаб шогирдлар тарбияламоқда. Айниқса хотин-қизлар ўргасида диний-маърифий ишларни муваффақиятли давом эттирмоқда. Икки қиз, бир ўғилни вояга етказиб, тарбияламоқда.

Акамнинг кичик қизлари Оминахон ҳам опаларидан қолишмайди. Ҳозирда Ислом маъҳадида таълим олмоқда. Бир ўғилчаси бор.

### УСТОЗ-МУАЛЛИМ

Устоз-муаллим Мұхаммад Содиқ Ливиядаги «Куллияту даъватил исломия» олийгоҳини тамомлагач, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом маъҳадида дарс бера бошлидилар. У пайтларда маъҳадда диний дарслардан кўра дунёвий фанлар кўпроқ ўқитиларди. Мисол учун, тарих, география, фалсафа, жамиятшунослик, рус, инглиз, форс тиллари, «Улуг сиймолар» каби фанлар ўқитиларди. Диний дарслардан Ислом тарихи, тафсир каби фанларга номигагина бир неча соат ажратиларди. Бир сўз билан айтганда, ўша даврдаги ўқитиш дастурлари диний илм олишни истаган талабанинг эҳтиёжига мутлақо жавоб бермасди. Аммо, ҳар қалай, йўқдан кўра бор эди. Бундай ҳолатда нима қилмоқ керак? Устоз Мұхаммад Содиқ нима қилиш керак бўлса,

энг гүзалини қылдилар. Ўша вақтдаги давлат масъулла-рига ҳолатни түғри түшунтириб, ўқув дастурини тубдан ўзгартиришга эришдилар. Бу ишларда диний кен-гаш раиси лавозимида хизмат қилған Ўзбек Аъзамович Рустамовнинг роли катта бўлди. Устоз Мұхаммад Содик енг шимариб, қаттиқ меҳнат қылдилар. Ўқув юрти дастурига катта ўзгартиришлар киритилди, ақийда, Ислом тарихи, улумул Қуръон, улумул ҳадис каби фанлар ўқитиладиган бўлди. Ўқитувчиларнинг малакаси оширилди, иқтидорли мутахассислар ишга олинди. Акам айниқса янги талабаларни танлаб олишга аҳамият қа-ратдилар. У вақтга қадар талабалар ўқишга билимига эмас, балки қаердан келганига қараб қабул қилинарди. Энди устозларга ҳам, талабаларга ҳам қаттиқ талаблар кўйилди, интизом кучайтирилди.

Шу бугунгидек ёдимда, устоз Мұхаммад Содик илк иш бошлагандаги шогирдларидан эдик. Дарсга қўнфи-роқ чалингач, устоздан кейин синфга кирган талаба дарс охиригача тик оёқда тураг эди. Ўтиришга ҳам рухсат бе-рилмасди, синфдан чиқиб кетишга ҳам. «Талаба устозни ўз ўрнида, дарсга тайёр ҳолатда кутиб олиши керак» деган қоидага амал қилинарди. Устоз Мұхаммад Содик бизга: «Оддий мусулмон бир кунда бир пора Қуръон ўқишни ўзига вазифа қилиб олиши керак. Шунда бир ойда бир марта хатм қиласиган бўлади», дер эдилар. У киши дарсларни жуда қизиқарли қилиб ўтардилар. Биз-нинг курсга тафсир ва улумул Қуръондан дарс берар-дилар. Бир куни дарс ниҳоясида: «Бугун уйга вазифа – Лут алайҳиссалом яшаган қишлоқнинг номини топиб келасизлар», дедилар. Ҳаммамиз дарсга тайёргарлик давомида қишлоқнинг номини қидира бошлидик. Ичи-мизда мураттаб қорилар бор эди, улар ёрдамида қай-си сурада Лут алайҳиссалом ҳақида ояти карима кел-

са, ўша ернинг тафсирини очиб, ўқиб изладик. Лекин топа олмадик. Иттифоқо, ўша куни камина устознинг уй-кутубхонасига бориб қолдим. Хаёлимга «Саволга жавобни устознинг китобларидан излаш керак», деган фикр келди. Китоб жавонларига кўз югуртира бошлидим. Кўзим «Куръонда зикри келган пайғамбарлар» номли китобга тушди. Кўлга олиб, Лут алайҳиссалом тўғрисида ёзилган саҳифани очиб ўқидим. «Қорйати Лут – Содом» (Лутнинг қишлоғи - Содом) деган сарлавҳага кўзим тушди. Эртасига дарсга аранг етиб бордим. Курсдошларимга бу хурсандчиликни етказишга улгура олмадим. Бир чеккадан уй вазифаси сўрала бошлади. Синфнинг ярми тик оёқда турибди. Ёзилмаган қоидага биноан, дарсга жавоб бера олмаган ўқувчи ҳам қайта ўтира олмасди. Навбат каминага келди. Жавоб бердим. Ҳаммамизга ўтиришга рухсат бўлди.

Устоз Мұхаммад Содик талабаларга отадек меҳрибон эдилар. Айниқса бошқа республикалардан келган талабаларга ҳам маънавий, ҳам моддий томондан ёрдам берардилар. Шунинг учун барча у кишини ўзига устоз деб биларди. Ҳозирда собиқ иттифоқ ҳудудида хизмат қилаётган кўпчилик диний ходимлар устоз Мұхаммад Содиқни ўзларига устоз деб биладилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, диний бошқарманинг халқаро бўлимида фаолият олиб борган даврида Мұхаммад Содик кўпгина дунёга машҳур диний уламолар, арбоблар билан мулоқотда бўлиб, таржимонлик қилдилар. Шулардан бирини мисол тариқасида хикоя қилиб беришга ижозат бергайсиз.

Суриянинг ўша пайтдаги бош муфтийси шайх Аҳмад Куфтару Совет иттифоқига тез-тез ташриф буюриб турарди. Аксар ташрифларида у кишига акам Мұхаммад Содик ҳамроҳлик қиласидилар. Улар шу дара-

жада иноқ әдіки, бир сафар шайх Куфтару: «Мен сендең фарзандни тарбия қылған ота-онанғни зиёрат құлмоқчиман», деган эканлар.

Навбатдаги сафарларидан бирида шайх Куфтару қишлоғимиз Булоқбошига, дадамнинг зиёратларига ташриф буюрди, ҳатто хонадонимизда бир кечә тунаб ҳам қолди. Совет иттифоқи даврида бундай ҳолат нодир хисобланарди. Шайх дадам билан яқиндан танишиб, дүстлашды. Бу дүстлик умрларининг охиригача давом этди. Кейинчалик биз хорижда истиқомат қылғанимизда қачон мени учратса, «Яхшимисан?» демас, «Отанг яхшими?» деб сүрарди.

Акам Мұхаммад Содиқ устозлиқ, таржимонлик қилиш билан бир вактда ўша пайтда ягона диний нашр бўлган «Совет Шарқи мусулмонлари» журналига диний мазмундаги мақолалар ҳам ёзиб турадилар. Шу билан бирга, талабаларга мустақил тарзда, алоҳида сабоқ ҳам берардилар.

Бундан ташқари, хос талабалари билан биргаликда китоб ёзиб, таржима қилардилар. «Иймон. Ислом. Куръон» китоблари ана шундай меҳнат маҳсулларидан бири эдӣ.

Шу ўринда акамнинг таълим бериш усусларидан бир мисол келтиришга ижозат бергайсиз.

Арабча савод чиқариш учун болалар адабиётидан бошлиб китобларни мустақил ўқитар эдилар. У киши шундай деб таълим берар эдилар:

«Араб тилидаги китобни биринчى марта ўқиганингда 30 фоиз тушунсанг етади. Яна қайта ўқийсан, иккinci марта ўқиганингда 70 фоиз тушунсанг, яна такрор ўқийсан. Мана шундай қилиб, араб тилидан саводинг чиқади».

Маълум муддат үтгач, меҳнатлари натижаси ўла-рок, оддий үқитувчиликдан илмий мудир даражасига күтарилдилар. Мудир ноиби ҳам чинакам эътиқодли, Қуръон тафсиридан дарс айттар, тақволи, ибодатли эди. Акам эса қўл остидаги талабалар билан худди ошна-оғайнилардек муносабатда бўлар эдилар.

Мұхаммад Содик илмий мудир лавозимида ишлаган вақтларида маъҳаддаги таълим тизимини янада ривожлантирилдилар. Фалсафа, сиёсий иқтисод каби бу масканга у қадар зарур бўлмаган дарсларнинг ўрнига диний мутахассис учун зарур бўлган хутба, ваъз дарсларини киритдилар. Шу вақтга қадар мадраса ва маъҳадда Қуръон ҳарфида, араб тилида ёзишга эътибор берилмасди. Акам айнан шу соҳага алоҳида диққат қилиб, баъзи имтиҳонларни ёзма равишда топширишни йўлга қўйдилар.

Бир куни дарсга кирдилар-да, «Бугун ёзма иш ёзамиз, учта саволдан иборат бўлади. Биринчи саволга тўлиқ жавоб берганга 2 балл. Иккинчи саволга тўлиқ жавоб берганга 2 балл. Учинчи саволга тўлиқ жавоб берганга 1 балл. Баҳони ўзинглар қўйиб олаверасизлар. Ёзиш учун уч соат вақт берилади», дедилар.

Айтилган вақт мобайнида бирортамиз яхши ёза олмадик. Кўшимча вақт сўраб олдик. Ўшанда роса қийналганмиз, лекин бунинг фойдаси кейинчалик билинди, ҳатто Қуръон ҳарфида конспектлар ёзиш даражасига етдик. Чет элга ўқишига борганларимиз ёзма имтиҳонларни ҳеч бир қийинчиликсиз топширадиган бўлди.

Устоз бўлғуси имомлар тарбияси учун зарур бўлган воизлик, хитобот маҳоратини ўргатишга ҳам алоҳида аҳамият берардилар. Ўша даврда ўқиган имом-хатиблар ҳозирда жуда ҳам чиройли ваъз-насиҳат қиласидилар.

Устоз бошчилигиде Олий маъҳадда ўкув-тарбия ишлари чиройли йўлга кўйилгач, «Мир Араб» мадрасасида ҳам ижобий ўзгаришлар бўла бошлади. Бу ҳолат мадрасани битириб, маъҳадга кирган талабалар савиасидан ҳам билиниб турарди. Авваллари диний ўқишига кириш имтиҳонлари номигагина олинар, илмига эмас, талабанинг яшаш жойига қараб қабул қилинар эди. Ҳатто мураттаб қорилар, рошид муллалар ҳам имтиҳондан ўта олмасдилар. Устознинг саъй-ҳаракатлари, тушунтиришлари оқибати ўлароқ, бу ҳолат ҳам ижобий тарафга ўзгарди. Алҳамдуиллаҳ!

Орадан кўп ўтмай, устоз Муҳаммад Содик ноибликдан мудирлик лавозимига кўтарилилар. Эндиликда у кишининг қаршиисидаги тўсиқлар бироз камайган эди. Олдингидан ҳам кўпроқ, қаттикроқ, шижаот билан меҳнат қила бошладилар. Ҳозирда ана шу меҳнатларнинг самараси ўлароқ, собиқ совет иттифоқи ҳудудида, ҳатто чет элларда ҳам устознинг ўша вактда ўқиган талабалири диний ва бошқа соҳаларда фаол меҳнат қилмоқдалар. Собиқ талабалардан ким билан учрашиб, сухбатлапсанг; албатта устоз ҳақида илиқ гапларни эшитасан. Улар ўзларига, атрофидаги биродарларига устознинг қандай фойдаси текканлигини мамнуният билан эсга оладилар. Талабалари орасида давлат бошликларидан тортиб муфтий, қози, имом ва бошқа соҳаларда хизмат қилаётгандар бор. Устоз талабалар ҳақида ҳазиллашиб, «Талабаларнинг дуоси қабул бўлмайди, агар қабул бўлганда, бирорта устоз қолмас эди», дердилар.

Бу даврга келиб, СССРда катта ўзгаришлар бўлаётган, М.С.Горбачёв бошчилигиде ошкоралик, қайта куриш жараёнлари бошланган эди.

Мусулмонлар оммаси ҳам жамиятдан орқада қолмасликка ҳаракат қилиб, ўз ҳақ-хукуқларини талаб қила

бошладилар. Ўқувчига тушунарли бўлиши учун ўша даврдаги диний ҳаётта қисқача назар ташлаб ўтамиз.

Коммунистлар зулми остида қолган, қадимдан Ислом диёри бўлиб келган минтақамизда мусулмончилик номигагина қолган эди. Давлат чет эллар билан алоқа қилиш мақсадида диний идора очиб, мадрасада талаба ўқитиб, ҳажга бир нечтагина вакил жўннатар эди. Мисол учун, ўша пайтдаги ўн бешта республикадан атиги 14 киши ҳажга юборилар, уларнинг ҳам аксарияти давлат одамлари ёки диний ходимлар бўлар, оддий аҳолидан деярли ҳеч ким ҳажга бора олмас эди. «Умра» сўзини эса одамлар унугиб ҳам юборган эдилар. «Мир Араб» мадрасасига атиги 40 нафар талаба ўқишга қабул қилинар эди. Масжидларга келсак, улар бармоқ билан санарли даражада оз эди. Улуг Ватан уруши қатнашчилари, нафақадаги қариялар жума намозини адо қилиш учун 100 километрлаб масофа босиб масжидга боришарди. Қишлоғи киргизилгандар умуман жамоат билан намоз ўқишнинг имкони бўлмас эди. Энг оғир масала ҳаж масаласи эди. Неча-неча имкони бор, соғлиғи яхши зотлар ҳажга бориш орзузи рўёбга чиқмай вафот этиб кетдилар.

Энди Диний бошқарма фаолиятига назар ташлайлик. 1943 йили, иккинчи жаҳон уруши давом этадиган даврда АҚШ ва Англия тазийиқи остида Сталин ташаббуси билан ҳар бир дин, миллат вакилларига ибодат қилишга «руҳсат» берилган, ҳатто урушда ўлганларга ҳам жаноза ўқишга ижозат берилган эди. Шунда ҳар бир республикадан вакиллар Москвага боришган. Ўзбекистон вакили сифатида муфтий Эшон Бобохон борган эдилар. Ўша даврда диний идора очилишига руҳсат берилган. «Мир Араб» мадрасаси ҳам шундан сўнг фаолият кўрсата бошлаган. Бир муддат Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси ҳам ишлаб турган. Муфтий Эшон Бобохоннинг

вафотидан сўнг у кишининг ўғли Зиёуддин Бобохонов муфтий этиб тайинланган.

Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, диний идорада ўз даврининг етук олимлари, қори, муллалари ҳам хизмат қилишган ва бу хизматнинг Исломга, халққа озгина бўлса ҳам фойдаси тегса, шунга хурсанд бўлишган. Муҳаммад Амин охунд домла, Шаҳобиддин қори, Сулаймон қори, Маҳжурий домла, И smoил маҳдум Саттиевлар шулар жумласидандир. Барчаларини Аллоҳ Ўз раҳматига олсин!

Хориждаги Ислом уламолари ҳам бу диёрдаги миллионлаб мусулмонларга бироз нафлари тегипини билиб, Совет иттифоқи билан борди-келди қилишарди. Мисол учун, шайх Аҳмад Куфтару, муфтий Ҳасан Холид раҳимаҳуллоҳлар шулар жумласидандир. Шайх Куфтару Бухородаги Хости Баҳовуддин мажмуасининг очилишига, обод бўлишига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳар келганларида биз учун зарур бўлган китобларни олиб келиб тарқатишар, халқаро анжуманларда иштирок этиб, биздаги дин арбобларини ҳам таклиф қилишарди. Оз сонли ҳожиларимиз ва чет элда ўқиётган толиби илмларимизга ёрдам кўрсатишарди.

Энди асосий қаҳрамонимиз, фазилатли устоз Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг диний фаолиятига қайтсак.

У киши бутун умрларини Ислом динини ривожлантириш, халққа энг тўғри йўлни кўрсатиб бериш, кишиларни турли хил нотўғри йўлдаги оқимларга, фирмаларга қўшилиб кетишдан сақлаш, халқнинг бошланғич диний саводини чиқариш каби эзгу ишларга бағишилдилар. Шунинг учун ҳам ушбу эсадликларни «Исломга бағишилланған умр» деб агадик.

У киши динини, халқини, Ватанини ниҳоятда севар әдилар. Яшаб ўтган ҳаёт йўллари буни яққол кўрсатиб турибди.

Кўпчилик «Нима учун шайх ҳазратлари кам куладилар?» деб сўраб қоларди. Дарҳақиқат, у зотнинг ғамташвиши Ислом дини, она халқи, она Ватани эди. Ислом дини равнақ топиб, халқи, Ватани мустақилликка эришиб, хайрли томонга юра бошлагач, табассум қилиб, вақти-вақти билан кула бошлаган әдилар...

Яна хаёлан ўша даврларга қайтсак.

Озодлик, хурлик шабадалари эса бошлаган вақтлар эди. Мусулмонлар оммаси биринчилардан бўлиб буни ҳис қилди. Илк уринишлари Диний идорани ислоҳ қилиш бўлди. Чунки ўша даврнинг зайлига кўра ҳатто шу масканда ҳам намоз ўқимайдиганлар, ибодатларни адо этмайдиганлар ишлайверар эди. Буларни эсга олишдан мақсад кимнидир ёмонлаш эмас, балки ўша қоронфи даврни азиз ўкувчиларимизга эслатиб, таништиришдир. Сиз билан бизнинг Ҳазратимиз ана шундай даврларда яшаб, ўқиб, хизмат қилган зот әдилар. Демак, Аллоҳдан астойдил тиласа, ҳар қандай даврда ҳам тилаклар рўёбга чиқаверар экан.

Дадам доимо бизга таъкидлаб айтардилар: «Фарзандларим, сизлар дунё ишлари билан овора бўлманглар. Нима керак бўлса, қилиб бераман. Сизлар Ислом динига хизмат қилсанглар бўлди», дер әдилар. Бу гап дадамнинг ҳаёт фалсафалари эди. Ҳақиқатан ҳам ҳаётларининг сўнгига қадар шу сўзларида турдилар. Аллоҳдан тиладилар, Аллоҳ ҳам тилакларини берди – шайх ҳазратлариdek фарзанд ато этди.

Мудир-устоз Тошкент Ислом маъҳадини чинакам Ислом ўкув юргига айлантира олди. У кишининг хизматларини Яратган Холик ҳам, яралган халқ ҳам кўриб

туарди. Ўзгаришлар бўлиб, ўша даврдаги муфтий ис-теъфога чиққач, ўзбек халқи вақтингчалик иш бошқарувчи қилиб Муҳаммад Содикни тайинлади. Аллоҳ таоло халқнинг дилига ҳақиқатни солиб қўйган эди. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишлар бўлаётган эди. Ҳар қандай уста мутахассис ҳам бу бўлаётган ишларни олдиндан айтиб бера олмас эди. Аллоҳнинг хоҳиши шу эди. Воқеалар шиддат билан ривожланиб борар, соат сайин ўзгаришлар, янгиликлар бўлиб туарди. Нафақат диний соҳа, балки бутун жамият тубдан янгиланиб борарди.

## МУФТИЙЛИК

Муҳаммад Содик идоранинг вақтингчалик раҳбари этиб тайинлангач, илк бор жума намозида халқ ҳузурида ваъз қилишлари керак эди. Ўшанда дўстимиз Илёс Илёсов (Аллоҳ раҳмат қиласин) шу ерда эди. У: «Биламан, Муҳаммад Содикнинг рус тилиси яхши, араб тилидаги ёзуви, нутқи олий даражада. Лекин ўзбекча нутқи қандай экан?» деб қолди. Мен: «Худо хоҳласа, ўз тилида ҳам яхши гапиради», дедим. Акам минбарга чиқиб, Аллоҳга ҳамд, Пайғамбаримизга салавотлар айтгач, қўйидаги оятни ўқидилар: «**Ва айт: «Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди. Зотан, ботил доимо йўқ бўлувчидир»** (*Исро сураси, 81-оят*). Сўнг халқни тинчланишга, ақл билан иш кўришга, шариат кўрсатмаларига амал қилишга чақирдилар. Энди навбат мусулмонлар қурутойига келган эди. Халқимиз биринчи марта муфтий сайлаши керак эди.

Қурутойда янги муфтий сайлашга келишилди. Аллоҳнинг инояти билан халқ бир овоздан ўз муфтийсини сайлади. Бу – Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари эди. Муфтийлик муборак!

Эндилиқда Мұхаммад Содиқнинг зиммасига янада масъулиятли вазифа юкланған эди. У киши Аллоҳдан нажот тилаб, бу масъулиятни түлиқ ҳис қылған ҳолда, астайдил енг шимариб иш бошладилар. Юқорида ўша даврдаги диний ҳолат ҳақида гапириб ўтдик. Вазият оғир, масъулият ундан ҳам оғир эди. Энг ачинарлиси, малакали диний кадрлар етишмас эди. Қолаверса, диний адабиётлар умуман йўқ ҳисоби эди. Муфтий ҳазратлари ишни аслиятга қайтишдан бошладилар. Биринчи қылған ишларидан бири ҳазрати Усмон Мусҳафи ни - Куръоннинг табаррук нусхасини мусулмонларга қайтариш бўлди. Курултой куни «Мусҳафи Усмоний» мусулмонларга тантанали равишда топширилди. «Бу муборак китоб қаерда турса, ана шу ерга Аллоҳнинг баракаси ёғилади», деган гаплар бор. У халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу замонларида ёзилган ilk мусҳафлардан. Ушбу китоб ҳақида түлиқ маълумотни Исмоил маҳдум Саттиев қаламига мансуб «Мусҳафи Усмон тарихи» китобидан олишингиз мумкин. Бу табаррук китоб ҳозирда зиёрат учун очиқ, Диний идора кутубхонасида сақланмоқда. «Мусҳафи Усмон»нинг қайтиши мусулмонларга маънавий куч бағишилаган эди. Эски масжид, мадраса, тарихий ёдгорликлар ҳам қайтариб олина бошлади. Ҳатто Тошкентдаги «Кўкалдош» мадрасасини қайтариб олишда Муфтий ҳазратлари хукumat одамларига «Биздан қандай ҳолатда олган бўлсанглар, ўшандай ҳолатда қайтарасизлар, таъмирлаб берасизлар», деб шарт қўйганлар. Таъмирлангач, қайтиб олинган, ҳозир ҳам билим юрти – мадраса сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзингизга маълум, ўша даврда мадраса, масжидлар хароб ҳолатда эди. Жомеъ масжидлар етишмасди. Диний ходимлар масаласи, энг нозик масалалардан эди.

Шунинг учун ҳам муфтий ҳазратлари курслар очиб, имом-хатиблар тайёрлашни йўлга қўйдилар. Оммавий равишда янги масжидлар очила бошлиди. Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда 82 та масжид бор эди. Ҳозир эса минглаб масжидлар, ўнлаб мадрасалар фаолият кўрсатяпти. Энг нозик масалалардан яна бири мусулмон хотин-қизларнинг диний илм олишлари эди. Дин душманлари бир ёқда қолиб, жоҳил мусулмонларнинг ўзлари ҳам бу ишга қарши эди. «Қизларни ўқитиш керак» деган инсонга «ваҳҳобий» деган тавқи лаънат тамға қилиб босиларди. Муфтий ҳазратлари бу нозик масалани ҳам чиройли қилиб ҳал қилдилар. Хотин-қизлар учун билим олиш курслари очдилар, кейинчалик бу курс қизлар мадрасасига айлантирилди.

Буларнинг барчаси муфтий ҳазратларининг саъи-харакатлари меваси эди. Ҳатто юртимиз зиёлиларига диний илм бериш учун алоҳида бепул курслар ташкил қилинганди. Ўша кунларда хурматли ёзувчимиз Тоҳир Малик қабулга келиб, шундай деганлари ёдимда: «Муфтий ҳазратлари, инқилоб вақтида биринчи бўлиб диндан қайтганлар зиёлилар бўлган эди. Энди биринчи бўлиб динга қайтадиганлар ҳам биз зиёлилар бўлишпимиз керак». У киши: «Хўш, нима қилишпимизни таклиф қиласиз?» деган эдилар, тайёрлов курслари очиш ҳақида таклиф билдирилар. Кейинчалик курслар очилиб, бу ишларнинг ҳалқимизга катта нафи теккан.

Яна бир аслиятга – ўзликка қайтиш диний идоранинг номини ўзгартириш бўлди. Идора «Мовароуннаҳ», матбуот нашри эса «Мовароуннаҳ мусулмонлари» деб атала бошлиди. «Ислом нури» жаридаси ташкил қилинди. Матбуот, нашр ишларида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда талабалар учун зарур бўлган қўлланма дарслклар чоп этилди. «Устози

аввал», «Муаллими соний», «Ибодати исломия» ва бошқа зарур китоблар кўп нусхада чоп этилиб, мусулмонларга етказилди.

Диёrimизда диний адабиётга асос солинди. Собиқ иттифоқ даврида бу соҳа мутлақо эътиборсиз қолиб кетган эди. Айниқса Мусҳафлар етишмас, излаганлар масжид таҳоратхоналарида яширинча қиммат нархларга сотиб олишарди. Муфтий ҳазратлари мусулмонларнинг эҳтиёжини қондириш учун Саудия Арабистони ҳадя қилган миллион нусха Мусҳафни олиб келиш ҳаракатига тушдилар. Бунга тўсқинликлар кўп бўлди. Ҳатто «Мусҳафни олиб келсангиз, «каръера»нгиз тугайди!» деган дўқ-пўписалар ҳам бўлган. Биз муфтий ҳазратлари бошчилигига маслаҳатлашиб, нима бўлса ҳам диёrimизга Аллоҳнинг Китобини олиб келамиз, деган қарорга келдик. Чунки ўша вақтдаги имкониятларга кўра, агар ўзимизда миллион нусха Куръон китоби чоп қилинса, икки йил вақт ҳамда катта миқдорда маблағ сарф бўлар экан. Охирги сўзни муфтий ҳазратлари айтдилар: «Динимиз, халқимиз манфаати учун шу ишни қиламиз».

Олдимизда Мусҳафни олиб келиш муаммоси туради. Муфтий ҳазратлари бу муаммони ҳам чиройли ҳал қилдилар. Мусулмон биродарларимиз берадиган ёрдам пуллари эвазига йўлкира қилиб олиб келинадиган бўлди. Ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, бир дона китоб 50 сўмга тўғри келар экан. Шунинг учун бир дона Мусҳаф 50 сўмдан сотилган эди. Лекин дин душманлари яна иғвони бошлишди, «Вақф сотилмайди» дейишди. Навбатдан ташқари ўtkазилган қурултойда маркази Саудия Арабистонида жойлашган «Робитатул Оламил Исломия» ташкилоти вакили «Вақфни вақфга алмаштирса бўлади», деган мазмундаги фатвони ўқиб эшиттирса ҳам, иғвога учган «мужоҳид»лар қулоқ осмадилар. Бу-

ларнинг энг бошида Қуръон китобини таҳоратхонада қиммат нархда сотиб ўрганган гурух турарди, чунки уларнинг қора «бизнес»ига путур етганди.

Бўлаётган воқеаларни мулоҳаза қилиб кўрилса, суви узоқ муддат тўсиб қўйилган дарёдаги тўғон очиб юборилган манзарага ўхшаш ҳолатга ўхшарди. Кечагина бир мадраса, бир ҳужрада дарс олган, бир пиёлада чой ичган, бир товоқда ош еганлар «Аллоҳу акбар!» деб туриб, бир-бирларини ёмонотлиқ қилмоқда эдилар. Ўзлари ҳеч нарсани билмас, аммо билганинг гапига кирмас эдилар. Неча йиллар давомида орзиқиб кутиб, эндиғина кўлга киритилган имкониятдан фойдалана олмаётган эдилар. Бу ҳам диний, ҳам сиёсий саводсизликнинг, жоҳилликнинг меваси эди. Биргина мисол келтираман. Ўша тўполонли кунларнинг бирида, деярли ҳар жума куни мусулмонлар «Аллоҳу акбар» деб ҳайқириб, бир-бирларини айблаб юрган даврда «Тилла Шайх» масжиди саҳнида амакимиз Зиёвиддинни шериклари билан учратиб қолдим.

- Ҳа, амаки, нима қилиб юрибсизлар?
- Муфтийни ағдармоқчимиз.
- Муфтий ишдан кетди-ку!
- Янгиси ундан ҳам баттар экан.
- Ким айтди?
- Устозимиз айтди.
- Янгиси ким, биласизми?
- Йўқ, билмайман.
- Ҳа афанди, янгиси ўзингизнинг укангиз-ку!
- Эээ... шундайми?

Афандилик шунчалик. Водийдан Топкентга овора бўлиб келибди-ю, кимга, нимага қарши эканлигини аниқ билмайди.

Бундай ўйлаб кўрсак, узоқ йиллар босқинчилик асоратида қолган халқимиз жоҳиллик оқибатида на диний хурлика, на мустақилликка тайёр эмас экан.

Үша даврларни яхши эслайман, бизни кадр масаласи қийнар эди. Диний кадр у ёқда турсин, раҳбаримизга бир дона тузукроқ ҳайдовчи топа олмаганмиз. Диний тоифалар ўртасидаги тафриқалар, жохиллик, сиёсий саводсизликлар бизни қийнар эди. Аммо дин душманлари, кўринмас кучлар бундан унумли фойдаланаар эди.

Бир куни «Исломий уйғониш партияси» тузамиз, деб юрган бир гурух муфтий ҳазратларининг хузурига кириб:

– Сиз бизнинг партия тузилишимизга рухсат бермай, тўсқинлик қиляпсиз экан, – деб даъво қилишди.

– Мен кимман, тўсқинлик қилиб? Мен оддий бир идоранинг раҳбариман, холос. Сизларга бу гапни ким айтди?

– Юқоридагилар айтишди.

– Менинг бирор партиянинг тузилишига тўсқинлик қилиш ваколатим йўқ. Партия тузишнинг тартиб-қоидасини билмайсизлар, яна шу калла билан партия тузман, деяпсизларми? Уят-э!

Улар хижолат бўлиб, орқаларига қайтиб чиқиб кетишиди.

Ниҳоят, катта қийинчилеклар билан миллион нусха Куръон келтирилиб, диёrimiz мусулмонларига тарқатилди. Аллоҳнинг Каломи мусулмонлар қўлига етиб борди, лекин салкам етмиш йил истибдодда қолиб, динга, маърифатга ташна бўлиб эзилиб ётган халқقا бу урвок ҳам бўлмади. Халқ динига, Куръонга ниҳоятда ташна эди. Куръони Карим маҳсус самолётларда келтирилар эди. Бир сафар бир самолётда миннатдорчилик рамзи сифатида ватанимизда етиштирилган ширин-шакар қовунлардан жўнатдик. Ана шу қовунлардан истеъмол қилгандар, айниқса у ёқдаги ватандошларимиз ҳозир ҳам бу кичик ҳадъмизни катта хурсандчилик билан эслашади.

Бир сафар самолётда келтирилган мусҳафларни тезроқ тушириб, жойлаб олишга тўғри келиб қолди. Шунда спорт бўйича устозимиз ҳурматли Арслон акага ёрдам сўраб мурожаат қилдим. У киши илтимосимизни ҳусни қабул қилиб, Ўзбекистон физқультура институтининг спорт бўлимидаги шогирдлари билан келиб, ёрдам беришди.

Ўшанда мен: «Куръон китобини бетаҳорат ушлаб бўлмайди. Ҳурматини қилиб, кўкракдан юқорида кўтариш керак», дедим. Бир маҳал қарасам, спортчи талабалар Куръонни бошлари узра кўтаришмоқда. Кейин билсам, уларнинг барчалари нафақат таҳорат, балки ғусл қилиб келишган экан. Куръонга бўлган ҳурматни, муҳаббатни қаранг!

Муфтий ҳазратлари аслга қайтиш билан бирга, замон билан ҳамнафас яшардилар. Бир воқеани эсласам, ҳозир ҳам кулгим келади. Идорага янги замонавий техникалар, жумладан, нусха кўчириш дастгоҳи сотиб олдик. Янги компьютерлар билан бирга параболик антенна ҳам сотиб олиб, ўрнатдик. Замондан орқада қолган қайсиидир «ёзувчи» «Булар чет элга ахборот узатишяпти», деб ёзган экан, роса текшир-текшир бўлган.

Энг нозик масалалардан яна бири масжид масаласи эди. Совет иттифоқи даврида «21 киши ариза ёзса, масжид очиб берилади», деган қонун бўлса ҳам, унга амал қилинмасди. Мустақиллик келгач, бу муаммо ҳам ўз ечимини топди. Ҳамма ёқда эски масжидлар таъмир қилиниб, янгилари қурила бошлади. Баъзи маҳаллаларда икки-учтадан масжид бўлиб кетди. Мусулмонларнинг қонунга амал қилимасликлари оқибатида баъзи масжидлар ёпилиб ҳам қолди. Аста-секин бу ишлар ҳам тўғри йўлга қўйила бошлади.

Масжидлар хусусида муфтий ҳазратларининг режалари катта эди. Масжид ва унинг хизматчилари бирор-

ларнинг қўлига қараб қолмаслиги учун масжид ҳузурда ишлаб чиқариш, савдо шохобчалари, вақфлар ташкил этишини истаган эдилар. Бу режа қисман бўлса-да, амалга ошиди ҳам. Тошкент вилояти ҳудудидан ер олиб, иссиқхона курилиб, дехқончилик йўлга кўйилди. «Саводи аъзам» хайрия уюшмаси тузилди. Ёшларни тарбиялаш учун видеосалонлар ишга туширилди. Латвиядан ўн дона «РАФ» русумли микроавтобус сотиб олиниб, вилоят масжидларига тарқатилди.

Ўша микроавтобуслар ҳакида икки оғиз хотира: машиналар олиб келинаётганда қўшни давлатлардан бирида йўлни қароқчилар тўсиб чиқишибди. Мутасаддимиз: «Бу машиналар мусулмонларга тегишли, телевизорда салла кийиб чиқадиган муфтийни биласизларми? Булар ўшанга тегишли», дебди. «Ундаи бўлса, бизнинг ҳаққимизга дуо қилсин», деб кўйиб юборишибди...

Масжидлар ҳам маънавий, ҳам молиявий жиҳатдан тўлиқ янгиланди. Мавъизалар кўлами кенгайтирилиб, маънан бойитилди. Мункиллаб қолган қарияларга отонага яхшилик қилиш мавзусида гапиравермай, ёшларга тарбия борасида ва бошқа мавзуларда маъруза қилинадиган бўлди.

Муфтий ҳазратлари матбуотда ҳаётий мавзуларни баён қилиб, тез-тез чиқишлиар қилиб турардилар. Айниқса Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга узатиладиган «Маърифатнома» туркум кўрсатувлари халқнинг тарбиясида муҳим роль ўйнади. У киши жамоатчилик ишларида фаол иштирок этардилар. Матбуотдаги ҳар бир чиқишлиарининг одамларга, айниқса ёшлар тарбиясига таъсири катта эди. Ҳафталик дастурларда «Маърифатнома» эълон қилинган кундан бошлаб, ҳамма бу кўрсатувни оила даврасида кўришга, маънавий озуқа олишга ошиқадиган бўлди. Буни телевидение манзили-

га оқиб келаётган мактублардан, улардаги күплаб илтимос, талаб ва таклифлардан ҳам билиш мумкин эди.

Муфтий ҳазратлари диний бошқарма фаолиятида ҳам күп ижобий ўзгаришлар қилдилар. Күпчилик юртдошларимиз идорага турли талаб-истаклар, муаммолар бүйича мурожаат қилиб, қониқарли жавоблар оладиган бўлишиди. Бу ерда том маънода қайта қуриш, ошкоралик ҳукм сурарди. Халқ оиласи мажаролардан тортиб, ижтимоий масалаларга қадар диний идорага, муфтий ҳазратларига мурожаат қиласиди.

Диний идоранинг чет эл билан алоқалар фаолиятида ҳам ижобий натижалар кўзга ташлана бошлади. Бир нечта халқаро анжуманлар ўтказилди. Айниқса Термизий бобомизнинг 1000 йиллигига бағишилаб ўтказилган халқаро анжуман катта шов-шуввларга сабаб бўлди. Баъзи бир миллатчилар орасида «Биз руслар динимизнинг 1000 йиллигини ўтказганимиз йўғ-у, булар битта шахснинг минг йиллигини ўтказишяпти», деб надомат чекканлари ҳам бўлди.

Хорижий давлатлар билан алоқалар яхшиланди. Бошқа жабҳаларда ҳам ишлар муваффақиятли олиб борилди. Етим-есирларга, кам таъминланган оиласаларга ёрдамлар кўрсатилди. Диёrimизда 50 дан ортиқ жойларда қудуқлар қазиб, сув чиқарилди.

Диний адабиёт нашри йўлга қўйилди. Талабалар учун дарсликлар чоп қилинди. Айниқса, бошланғич диний адабиётга катта аҳамият берилди. Гуруҳ-гуруҳ талабалар хориждаги машҳур диний таълим муассасаларига ўқишига юборилди. Мана, ҳозирда ана шу хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўша пайтлар жамиятимизда тўполонли, ғала-ғовурили давр ҳукм суроётган эди. Кимдир «Аллоҳу акбар!», «Омин!» деб бақирган, кимдир «Партия билетимни қай-

тариб бер», деб намойиш ўтказаётган, ит әгасини танимаётган замонлар эди. Муфтий ҳазратлари эса вактдан унумли фойдаланиш пайида әдилар. Мусулмонларга асл Ислом динини ўргатиши, талабаларни жамиятта фойдали шахслар қилиб тарбиялашни йўлга қўйиш билан банд әдилар. Жуда кўп толиби илмларни хорижий давлатларга илм олиш учун жўнатдилар, масжидлар қурилишига бош-қош бўлдилар, диний идора фаолиятини яхшилаш билан машғул бўлдилар. Мухолифлар эса ўзларининг ғамида, қандай қилиб бўлса ҳам мансабга эришиш учун Ислом динини байроқ қилиб олиб, кўчама-кўча «Аллоҳу акбар!» деб зир югуришар эди. Шундай бир даврда сайловларга ҳозирлик қўрила бошлади. Биз ҳам маслаҳатлашиб, миллатлар советига муфтий Мұхаммад Со-дик Мұхаммад Юсуфнинг номзодини қўйдик.

### ХАЛҚ ВАКИЛИ

Ана энди ишимиз кўпайгандан-кўпайди. Сайловолди учрашувлари бошланди. Номзодни кўрсатиш учун йиғилганимизда ташкилий қўмита вакиллари ҳар хил хийла-найранглар кўрсатишга ўтишди. Натижада адвокат ёллашимизга тўғри келди. Адвокатлар билан расмий келишувлар бўлгач, вакиллар асосий мақсадга ўтишди.

– Иккита «тройка» берасиз, – дейишиди.

– Тушунмадим? – дегандим, улар яхшилаб тушунтириб қўйишиди. Видеомагнитофон, видеокамера, телевизор – утаси «тройка» дейилар экан. Мен:

– Бизда бундай маблағ йўқ – деб кўнмадим. Шу кундан бошлаб сайлов тўғрисидаги бор адабиётларни, қонун мажмуаларини йиғиб, ўқий бошладим. Бир ҳафта қимирламай ўтириб, ўргандим. «Дард» деса, «бало» дейдиган бўлдим. Ҳеч қандай ҳийла-найрангларга йўл

кўймадик. Бу найрангларни «кўринмас кучлар» орқадан туриб бошқарап, малайлари ижро этишарди. Биз миллатлар советига номзод қилиб кўрсатган эдик. Қонунга кўра бошқа худудда истиқомат қиласидиган сайловчи имзо чекса, қабул қилинмас экан. Ҳаммаси рисоладагидек, қонунга мувофиқ амалга оширилди. Сўнг «киккинчи тур» деган сафсатани ўйлаб топишди. Иккинчи турда саккизта номзод иштирок этди, шулардан ёлғиз муфтий ғолиб бўлди. Бу сафар барча номзодлар ва номзодларнинг ишончли вакиллари чиқиб гапиришди. Тошкент ўйинчоқ фабрикасининг ишончли вакиласи ўз номзоди қолиб, муфтийнинг номзодини қўллаб-куватлаб гапирди. Русийзабон сайловчилар ҳам муфтийни кувватлашар эди. Номзод Бекжон Тошмуҳаммедов чиқиб, «Мени қўллаган сайловчиларни муфтий ҳазратни сайлашга даъват қиласман», деб, сўнг минбардан тушиб кетди. Ўзбек тилида жуда қийналиб гапирди. Шунда камина миннатдорчилик билдириб:

— Бекжон ака, динимизни, уламоларимизни ҳурмат қилиб, овозингизни берганингиз учун сизга раҳмат, — дедим.

— Если можете, говорите по-русски, — деди.

Замоннинг зайдини қарангки, ўз тили, ўз миллати, тақдири учун курашувчи одам ўз тилини билмас...

Шундан сўнг рус тилида гаплашдик. Жуда яхши инсон экан. Ўз тилида гапира олмагани учун узр айтди. Мен: «Иқтидорли одамсиз, тезда тилимизни ўзлаштириб оласиз», дедим. Ҳозирда у киши ўзбек тилида бемалол гапирадилар.

Ўшандаги миллат вакиллигига биринчи бор диндор уламоннинг номзоди кўрсатилган эди.

Сайловолди дастурини эълон қилдик. Унда жамият, Ватан, миллат равнақига хизмат билан бир қаторда ди-

нимизга хизмат ҳам акс этган эди. Сайловолди ваъдамизда «Номзодимизни сайласангиз, Куръоннинг тафсирини ёзиб беради», деган гаплар ҳам бор эди. Алҳамдулилаҳ, бу ваъда ҳам бажарилди. «Тафсири Ҳилол» ёзилиб, мусулмонларга тақдим қилинди. Сайловолди учрашувлари бошланди. Бизнинг сайлов участкамизда бошқа миллат, бошқа дин вакиллари кўпчиликни ташкил қиласарди. Улар ҳам учрашувларда иштирок этиб, сайловда диний уламо муфтий Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуфга овоз бердилар. У киши энг кўп овоз олиб, миллат вакиллигига сайландилар. Учрашувларда сайловчилар ўз талаблари қолиб, диний саволлар билан мурожаат қилишар, муфтий ҳазратлари уларни қониктирадиган қилиб жавоб берардилар.

Сайловолди учрашувлари худди байрамдек бўлиб кетар, аҳолининг барча тоифа вакиллари иштирок этишар, айниқса бошқа миллат, бошқа дин вакиллари кўпчиликни ташкил қиласарди. Оддий диндорлар сафига энди сайловчилар ҳам кўшилиб, ўз муаммоларини баён қиласар, жамият равнақи учун баробар ҳаракат қилинарди. Юртимизда яшовчи турли дин, турли миллат вакиллари жамият тараққиёти учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишганини ана шунда кўрганман. Епископ Владика Лев ишончли вакил бўлган эди. У киши ҳам ўз диндошлиарини муфтий ҳазратларини сайлашга даъват қиласарди. Кези келганда айтиб ўтиш лозимки, муфтий ҳазратлари бошқа дин арбоблари билан ҳам яхши муносабатда бўлар эдилар. Исломнинг афзалликларини намоён қилиб, ҳар бир фурсатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиласардилар. Халқ вакиллиги жуда ҳам яхши фурсат эди. Имкониятлари эндиликда оддий раҳбарликдан давлат миқёсига кўтарилигандар бўлиб, жамият миқёсидаги муаммоларни ҳал қилаётган эдилар.

Муфтий ҳазратларининг котиби Мұхаммад Нофеъ Миркомил ўша кунларни эслаб, шундай дейди: «Тақсир динлараро халқаро аңжуманлардан бирида барча дин вакилларининг нутқларини жим тинглаб ўтирадилар. Аңжуман сўнгидаги сўз олиб, нутқ сўзладилар: «Мана, сизлар қилган ишларингиз тўғрисида фахрланиб, муваффақиятлардан хурсанд бўлиб гапиряпсизлар. Лекин Исломга, мусулмонларга нисбатан ноҳақлик бўлмоқда. Сизларга берилган имкониятлар бизларда йўқ. «Ҳамма тенг хуқуқли», деб жар соласизлар. Қани адолат?» дедилар. Бу гаплар кейинчалик давлат миқёсида мухокама қилинибди. Шундан кейин мусулмонлар кўксига ҳам шамол тега бошлиди».

Мұхаммад Нофеъ Миркомил ўз хотираларини давом эттириб, шундай дейди: «(Депутат бўлиб, Москвага борганда) шайх ҳазратлари билан «Россия» меҳмонхонасида турардик. У киши маҳсус машиналар хизматидан фойдаланмас эдилар. Аңжуманларга кўпчилик билан қўшилиб, жамоат транспорти – автобусда бориб келардилар. Меҳмонхонада ўзимиз билан бирга олиб келган таомлар, ҳалол, покиза сут маҳсулотлари ва кўкатлар билан овқатланардик. Вақтни ниҳоятда қадрлар эдилар. Бир куни поездда сафар қилишимизга тўғри келиб қолди. Купеда ҳаммамизга китоб ўқитиб кетдилар. Аңжуманлардан кейин дам олиш ўрнига ижод билан машғул бўлардилар. Бу дунё матоҳларига қизиқмас эдилар. Менга ҳам вақтни бекорга ўтказмасликни маслаҳат берив, телевизор кўрмасдан, китоб ўқишимни тавсия этардилар. Халқ вакилларига берилган имтиёзлардан фойдаланмас эдилар. Кўл остидаги ходимларига мулойим муомалада бўлиб, қаттиқ гапирмас эдилар. Жуда ҳам меҳрибон эдилар. Китобга бўлган мұхаббатлари чексиз эди. Ўша вақтларда талабаларга ўқув куроллари етишмасди. Элчихоналар билан,

имконияти бор бошқа кишилар ва ташкилотлар билан гаплашиб, олинган китобларни диний идорага жүннатар әдик. Муфтийлик пайтларида ҳам маъҳаддан, талабалардан тез-тез хабар олиб турардилар. Ҳар бир нарсага, ҳатто эңг кичик нарсаларга ҳам катта эътибор берардилар. Ҳатто қопиқчанинг тиқ этган товуши ҳам эътиборларидан четда қолмас эди.

Бир куни ўша пайтдаги мухолифат вакилларидан бири қабулларига келди. У ўз режаларини баён қилиб, муфтий ҳазратни ўзларига кўшиб олишга ҳаракат қилди. «Низомингизга неча йил бўлди?» деб сўрадилар муфтий ҳазрат. «Бир йил», деб жавоб берди мухолифлар вакили. «Бизнинг динимизга, Китобимизга ўн тўрт аср бўлди. Боз устига, бу нарсалар Аллоҳнинг кўрсатмалири, шариати. Сизлар бизга қўшилиш ўрнига биз сизларга қўшиламиزم?» деб жавоб берди муфтий ҳазратлари. Мухолифат вакили хижолат бўлиб чиқиб кетди».

Халқ вакиллiği халқимизнинг бошига оғир кунлар тушганда жуда ҳам аскотган эди. Фарғона ва Ўш воқеалари пайтида Мұхаммад Содик ҳазратлари иттифоқнинг юқори минбаридан туриб, халқимизни ҳимоя қилиб гапирган эдилар. Фарғона воқеалари бошланган пайтда у киши Москвада, Олий мажлисда иштирок этаётган эдилар. Ўшанда М.С.Горбачёв минбардан туриб, бу воқеаларда мусулмонларни айبلاغан. Эсимда, муфтий ҳазратлари Москвадан қўнғироқ қилиб, менга воқеанинг аниқ тафсилотларини ўрганишни тайинладилар. Мен ҳолатни аниқ ўрганиб, бу воқеаларда Исломнинг, мусулмонларнинг ҳеч қандай айби йўқлигининг хабарини етказдим. Шундан сўнг муфтий ҳазратлари яна ўша минбардан туриб, Исломни, халқимизни ҳимоя қилиб гапиргач, кейинроқ М.С.Горбачёв у кишидан узр сўраган эди. Ўшанда муфтий ҳазратлари Москвадан маҳсус

рейс билан Фарғонага учиб келиб, воқеаларнинг янада чуқурлапшувининг олдини олган эдилар.

Ўш воқеаларида ҳам бу фожианинг олдини олиш учун давлат раҳбарларига ҳолатни тўғри тушунтириб, ҳаракат қилғанлар, бу ҳақда ҳалқаро анжуманд нутқ сўзлаганлар. Кейинчалик ўша ҳолатни эсга олиб, шундай деган эдилар: «Бу ишлар ҳеч қандай қолипга сифмайди. Дини бир, Китоби бир, Пайғамбари бир одамлар бир-бирлари билан урушиб турса, бирор нарса дейишга ҳам одам хижолат бўлар экансан...»

Ҳақиқатан ҳам, Ўш, Фарғона воқеалари қандай рўй берганига ақлинг етмайди. Миллатлараро жанжал десанг, ҳаммаси бир миллат вакиллари, динлараро жанжал десанг, ҳаммаси бир дин вакиллари. Бу ишларда қандайдир қора кучларнинг ҳиди келиб турарди. Аллоҳнинг Ўзи ислоҳ қилсин!

Муфтий ҳазратлари миллат вакилилигидан ниҳоятда унумли фойдаландилар. Мисол учун, жуда кўп давлат арбоблари, зиёлилар билан танишдилар. Ўша вақтда юқори раҳбар лавозимларидан бирида ишлаган Лукъяновга ҳаж масаласида мурожаат қилган эканлар, у: «Муфтий, мен сенинг динингни яхши тушунмайман. Яхписи, Хўжайн билан гаплашиб бераман, қабулига кириб, ўзинг тушунтириб айтасан», дебди. Ўша даврда ҳаж ва умра ибодати бизнинг юргларда қай ахволга тушиб қолгани ҳақида юқорида батафсил сўз юритганмиз. Йиллар ўтиб, ошкоралик ва қайта қуриш даврига ҳам етиб келдик. Бу фурсатни ғанимат билган шайх ҳазратлари ўз ваколатларидан унумли фойдаландилар. Мусулмонлар ҳаж ибодатини бажаришлари лозимлигини уқтириб, давлат раҳбари Горбачёвга мурожаат қилдилар. Шайх ҳазратлари ҳаж тўғрисидаги ҳужжатлар тайёрлашни камина ходимингизга топширдилар.

Хужжат тайёрланаёттган вақтда дуо олиш мақсадида дадамнинг ҳузурларига бордик. У киши жуда хурсанд бўлиб, дуо қилдилар. Каминага: «Ўғлим, «Хотин-қизлар, ёш болалар ҳам бориши керак», деб кўшиб кўйинг», дедилар. Мен ёшлик қилиб, «Бундай нарсалар ҳужжатларда умумий ёзилади», дедим. Шайх ҳазратлари: «Дадам айтганларидан кейин йўқ демай, кўшиб кўяверинг», дедилар, сўнг асосий бандга «а», «б» бўлимларини очиб, кўшиб кўйдим. Алҳамдулиллаҳ, ҳозирда аёлларимиз ҳам ҳаж ибодатини бемалол адо қилиб келмоқдалар. Хужжат тайёр бўлгач, ўша вақтдаги диний раҳбарларга имзо чектириш керак эди. Бир анжуман сабабли Топкентга келиб қолган диний уламоларга бирма-бир мурожаат қилиб чиқдим. Ўша вақтдаги Туркманистон ва Тожикистон қозиларидан бошқалари имзо чекишмади. Балки, улар бу ишнинг амалга ошишига ишонишмагандир. Муфтий ҳазратлари М.С.Горбачёвнинг қабулига кириб, мақсадни баён қилибдилар.

Горбачёв:

– Хўш, Муфтий ҳазратлари, мен нима қилишим керак? – дебди.

– Сиз тасдиқласангиз бўлди. Қолган ишларни биз ўзимиз бажарамиз. Ҳаж ҳам гўёки туризмдек гап. Сафар, самолёт, меҳмонхоналардан давлат хазинасига катта тушум бўлади. Насронийлар Ватиканга, яхудийлар Куддуси Шарифга боришгани каби, мусулмонлар ҳам Маккан Мукаррамани зиёрат қилишлари керак, деб, ўзига хос услуг билин тушунтирибдилар.

Шундан сўнг М.С.Горбачёв ҳужжатга имзо чекиб берган экан. Мана, Шайх ҳазратларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳозиргача ҳар йили минглаб ҳожилар Аллоҳнинг уйига сафар қилиб, ҳаж фаризаси ва умра ибодатини адо этиб келмоқдалар. Мусулмонларнинг орзулари,

орзу бўлганда ҳам, кўп йиллик орзулари – ҳаж амалини адо этиш, Ислом дини нозил бўлган маконнинг муқаддас тупроғини кўзга суртиш, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган маконларию қабрларини зиёрат қилиш, Куръони Карим нозил бўлган шаҳар ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш, хуллас, барча-барча орзулари рўёбга чиқаётган эди. Бу эса ушбу ҳис-туйфуларни чин юракдан ҳис этган, динининг, халқининг орзуси амалга ошиши учун бор имкониятини ишга солиб ҳаракат қилган Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуфнинг меҳнатлари самараси эди. Энг қизиги, ҳаж учун тайёрланган ҳужжатларга имзо чекишга кўнмаганлар биринчилардан бўлиб ҳажга отланиши...

Бу қувончи хабарни Саудия Арабистони раҳбарияти ҳам мамнуният билан қабул қилди. Яна муфтий ҳазратларининг ҳаракатлари билан диёrimиздан ташриф буюрган ҳожиларни бир неча йилгача «Аллоҳнинг меҳмони – подшоҳнинг меҳмони» деган шиор билан Саудия ҳукуматининг подшоҳи ҳисобидан кутиб олинди. Улардан меҳмонхона ва бож тўловлари олинмади. Айниқса, бу диёрдаги ватандошларимизнинг қувончи чексиз эди. Улар ҳам имкон қадар бу улуг ишга ҳисса қўшишга ҳаракат қилишарди. Аллоҳ хайрини бериб, ўтганларини раҳмат қилсин, ватандошлар ўз мол-мулкларини вақф қилиб, меросхўрларига эмас, балки келгусида ташриф буюрадиган ватандошларига қолдиришган экан. Уларнинг ҳужжатларини ўрганиб, келгусида бизнинг халқимиз фойдаланадиган қилишга уринилди. Лекин бу хайрли ишчала қолиб кетди.

Яна бир нозик нуқта: ҳаж ишларини яна ҳам қулайлаштириш учун диний идора маҳсус самолётлар харид қилишга уринди. Лекин ўша давр масъуллари рухсат

беришмади. Ҳожилар учун ажратиладиган самолётлар уларни олиб бориб, бўш қайтишади, мавсум тугагач, яна бўш бориб, ҳожиларни олиб келишади. Шунинг учун ҳам йўл ҳақи қимматга тушади. Агар айнан ушбу йўналиш учун ажратилган самолётда борилса, ҳожилаrimiz муборак ерларда кўпроқ бўлиш имкониятига эга бўлишарди, шу билан бирга, йўл ҳақи ҳам озроқ бўларди. Афсуски, бу иш ҳам амалга ошмай қолди.

Лекин ватанимизда мустақиллик шамоли эса бошлигач, давлатимиз раҳбари ҳожиларимизга ҳаж ва умра ибодатларини адо этишлари учун қулай шароитлар яратиб берди. Ҳар йили минглаб мусулмонлар Аллоҳнинг фарзини бажариб келишмоқда. Оммавий равишда ҳажга бориш бошланганига ҳам, мана, 25 йилдан ошибди. Фаровон ва мустақил ватанимизда аҳоли сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1990 йиллари 15-20 миллион аҳоли бўлган бўлса, ҳозирга келиб, 30 миллиондан ошиб кетди. Умид қиласизки, ҳаж ва умрага борувчилар сони ҳам шунга муносиб равишда кўпайиб бораверади.

Ҳаж ибодатига рухсат берилгандан кейинги хурсандчиликларнинг чеки йўқ эди. Бу ҳолатни биргина воқеа билан эсга олмоқчиман. Ҳажга рухсат берилиши билан бирга, муборак маконлар билан борди-келди ҳам йўлга қўйилди. Қанчадан-қанча дийдорга зор қарин-дошлар кўришишди. Қанчадан-қанча Ватан меҳрига ташна қалблар Ватанини зиёрат қилиш баҳтига мушарраф бўлишди. Ҳаж сафарларидан бирида машҳур уламолардан Олтингхон тўранинг қизи ҳам ҳаж зиёратига борди. Ўлим тўшагида ётган уламо қизининг рухсорига тўйғач, жон таслим қилди.

Келинг, миллат вакиллиги даврида қилинган ишлардан яна бирини эсга олайлик.

Совет иттифоқи давридаги әнг оғриқли масалалардан бири Афғонистон масаласи эди. М.С.Горбачёвнинг илтимосига мувофиқ, муфтий ҳазратлари бошчилигидаги гурух асиrlарни алмашиш масаласида Покистонга сафар уюштиришган. Бу хусусда матбуотда, бадий адабиётларда кўп ёзилиб, гапирилган. Биз бу воқеликнинг сояда қолиб кетган бир жиҳати ҳақида сўз юритмоқчимиз. Ўша даврларда бу муаммога аралашишнинг ўзи қалтис масала эди. Муфтий ҳазратлари ўз зиммаларига тушган бу ишни ҳам муваффақият билан адо этдилар. Бунинг сабаби эса ҳалқининг, мусулмонларнинг муаммоларига бефарқ эмасликлари эди. Коммунистик тузум вакиллари ўша даврларда ватан озодлиги учун курашаётганларни «душман»лар, ўзларини эса ҳалоскорлар деб аташарди. Муфтий Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф эса ҳар бир нарсага Ислом нуқтаи назаридан қарап эдилар. Сафар давомида у киши Покистон бош вазираси Беназир Бхутто қабулида бўлдилар. Мезбон ўзининг ватанимизга бўлган хурматини изҳор қилибди. Қабул давомида бош вазиранинг тез-тез парда ортига ўтиб, қайтиши меҳмонларнинг эътиборини тортибди. Кейинроқ билишса, Бхутто хоним боласини озиқлантириб, ундан хабар олиб турган экан. Ким бўлишидан қатъи назар, она барибир она экан-да!

Сўнгра афғон мужоҳидлари билан бир неча марта мулоқотлар уюштириб, мақсадга эришилди. Бу иш осон кечмаган. 30 нафарга яқин асиrlаримизни сўраб мурожаат қилинганда Ҳикматёр: «Майли, ўзлари хоҳлашса, рухсат берамиз, кетаверишади. Лекин биз минглаб бева аёлларга, минглаб етимларга нима деб жавоб берамиз? Улар «Эрларимизни топиб беринглар, отамизни топиб беринглар», деб даъво қилишмокда», дебди. Асиrlарга нисбатан Ислом шариатига зид «мусла» (кўз, бурун, ку-

лоқларни кесиш) бўлаётгани эслатилганда, у киши: «Буларнинг барчаси ёлғон, ўзлари қилган ишларни бизни қилди, деб даъво қилишяпти», деб жавоб берган экан. Хуллас, нечта бўлса ҳам асирларнинг оиласига, ватанига қайтгани бир оз бўлса-да, яраларга малҳам бўлган эди (*Бу мавзуга оид бошқа маълумотларни шайх ҳазратларининг «Шоядки тақвадор бўлсак», Каримберди Тўрамуроднинг «Қадр кечаси» ва бошқа китоблардан топишингиз мумкин*).

Миллат вакиллиги мобайнида жамиятга, халқимизга манфаатли кўпгина ишлар амалга оширилган. Шулардан бири – иттифоқ бош вазири Рыжков имзоси билан Тошкент эски шаҳарини қайта таъмирлаш учун ўша давр ҳисобига кўра катта микдорда маблағ ажратишга муяссар бўлинганди.

Миллат вакиллиги даврида кўпгина давлат арбоблари, зиёлилар, машхур кишилар билан танишиб, ҳамкорлик қилиб, бирга ишлаш имконияти ҳам туғилган эди. Шулардан бири, Россиянинг машхур шоирларидан Евгений Евтушенко муфтий ҳазратлари ҳакида зиёлиларимизга қуйидаги фикрни изҳор қилганди: «Ўзбек халқининг омади бор экан. Муфтийдек фарзанди бор. У кишини эҳтиёт қилишингиз керак. Бундай инсонлар дунёга ҳар замонда бир келади».

Давр, замон ўз хукмини ўтказарди. Муфтий ҳазратлари жамиятга, халқقا қанчалик жон куйдириб хизмат қилса, мухолифлар у кишига қарши шунчалик қаттиқ курашишарди. Аллоҳнинг иродаси, тақдир тақозаси билан хорижда яшашга ҳам тўғри келди.

## ХОРИЖДА

Шайх ҳазратлари маълум сабабларга кўра муфтийликдан истеъфога чиқишлирага тўғри келди. Зотан, мақсад амал ёки мансаб эмас, балки динига, халқига, ватанига хизмат қилиш эди. Истеъфодан сўнг ҳам ифвою тужмат, ғаразу адоват тўхтамади. Энди нима қилиш керак? Энди ҳаётни хорижда давом эттириш керак. Жондан ортиқ кўрган Ватанини, халқни вақтингча тарк қилишга тўғри келди. Бир муддат Саудия Арабистонида, Маккан Мукаррамада истиқомат қилдилар. Аллоҳнинг ҳикмати, иродаси билан энди «Тафсири Ҳилол» Куръони Карим нозил бўлган маконларда ёзиладиган бўлди. Муҳаммад Содиқ ҳазратлари «Бу ҳам Аллоҳнинг синови, синоати эди. Ҳикматини эса ёлғиз Ўзи билади. Ватандан, халқдан, қариндош-уруғдан, ота-онадан айро, фироқда яшаш сиз билан бизларга Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан мерос бўлиб қолган. Шунисига ҳам шукр», дея янги куч, янги ғайрат билан ишга киришдилар. Ўз олдиларига катта режалар қўйдилар. Ўзи муҳаббат қўйган халқнинг диний саводини мукаммал қилишга аҳд қилдилар. Муфтий бўлиб хизмат қилган чоғларида ўзбек халқининг бошланғич диний таълимот олиши учун қўлдан келганича ҳаракат қилган эдилар. У вақтда оз бўлса-да, имкониятлар бор эди. Ҳозир эса ёзганларини кимлар ўқиши, уларнинг қандай чоп қилиниши номаълум. Ватанга қандай қилиб етказади, бу ҳам мубҳам эди. Лекин Аллоҳга ишонч, таваккул, ақийда мустаҳкам эди. Шунинг учун ҳам Аллоҳдан астойдил тилаб, иш бошладилар. Аввало, ушбу мақсад йўлида режа тузиб чиқилди. Режа куйидагича эди: Биринчи навбатда тафсирни ёзиб тугатиш.

Иккинчи навбатда ҳадиси шарифлар ҳақида китоб ёзиш. Навбатда эса акийда ҳақида түлиқ маълумотни қамраб оладиган китоб ёзиш. Сүнг фикҳ, хусусан, ҳанафий маз-ҳабимизнинг фикҳини мукаммал баён қиласидиган қўлланма яратиш. Кейин тарих, тасаввуф ва бирин-кетин бошқа соҳаларда китоблар ёзиш. Аллоҳ нажот бериб, бу режа деярли амалга оширилди. Алҳамдулилаҳ!

Маккаи Мукаррамада ойнасидан Масжидул Ҳаром кўриниб турадиган уйга жойлашилди. Бир муддат ўтгач, оила аъзолари ҳам бориб қўшилишди. Ўша ерда, Куръони Карим нозил бўлган муборак маконларда «Тафсири Ҳилол»нинг давоми ёзила бошлади. Эски қадрдонлар сафига янгилари қўшилди. Иш ҳам топилди. Робитаи Оламил Исломий ташкилотида собиқ итифоқ давлатларининг вакили бўлиб хизматни давом эттирадилар. «Тафсири Ҳилол»нинг баъзи бир жузларини чет элларда чоп қилиб тарқатиш йўлга қўйилди. Бизнинг мавзу бошқа бўлганлиги учун, акамнинг оиласи ўзлари хоҳлашса, Франкфурт аэропортидаги саргузаштлардан бошлаб ёзиб, гапириб беришар. Лекин кези келганда ҳазратнинг оилалари ҳақида бир-икки оғиз айтиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Келин ая Фотимахон – Исломга хизмат қилган оиланинг ўқимишли, соф эътиқодли қизларидан. Мен бу ҳақда ушбу ўринда ёзаётганимнинг боиси бор. Мен келин аямга худди шу ўринда тан берганман. Ҳамма Мұхаммад Содикдан – собиқ муфтийдан ўзини олиб қочган даврлар, ҳатто яқинлар ҳам эҳтиёт чорасини кўришаётган вақтда келин ая ҳеч иккисиганмай, қўлида чилласи чиқмаган чақалогини олиб, хорижга, турмуш ўртоқларининг ортидан отландилар. Ўзларининг нозик зиммаларига улкан қийинчилкларни ортиб олдилар. Келгусида ҳаётлари

нима бўлиши қоронғу, лекин эътиқодлари мустаҳкам эди, ишончлари мукаммал эди. Ўғиллари Исмоилжон, қизлари Одинахон, чақалоқ Оминахонларни олиб, йўлга тушдилар. Бежиз Франкфурт аэропортини эсга олмадик, чет эл саргузаштлари айнан ўша жойдан бошланган. Ҳа, ўшандა келин ая мусулмон аёлларга хос жасорат кўрсатган эдилар. Аллоҳ хайрларини берсин!

Одатда бизда эгиз туғилган чақалоқларга Фотима ва Зухро деб исм қўядилар. Дадалари олим одам бўлганлари учун, ёлғиз туғилса ҳам, қизларига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларининг исмини қўйғанлар. Ниятга яраша бўлди. У киши худди Фотима онамизга монанд, Исломга хизмат қиласидан қиз бўлиб ўсдилар. Бунга эса исломий оиласда тарбия кўрганларнинг таъсири катта бўлди. Ота-онасининг эркатоий бўлишига қарамасдан, турмуш қургач, муслима келинлар нима қилиши керак бўлса, барчасини қилдилар. Шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушдилар. Қайнота, қайноналарини ўз волидаларини ҳурмат қилгандек эъзозладилар. Бир сўз билан айтганда, худди муфтий ҳазратлари «Рисоладаги аёл» мақоласида зикр қилганларидек келин эдилар. Турмуш ўртоғи қаерда бўлса бирга бўлар, нима буюрса айтганларидек қиласи, аёл кишига хос вазифаларнинг барчасини аъло даражада бажаардилар. Мазали, ширин таомлар тайёрлар, уйни саранжом-саришта тутар, фарзандларини ҳусни хулқли қилиб тарбия қиласи, турмуш ўртоқларининг измидан чиқмасдилар. Буларнинг ҳаммаси бахтли-саодатли ҳаётнинг омиллари эди.

Шайх ҳазратлари баракали ижод қила бошладилар. У киши халқаро анжуманларда иштирок этар, Ислом уламолари, олимлар, давлат арбоблари билан мулоқотда бўлар, тажриба алмашар эдилар. Ўшанда кўпчилик

«Сиз араб тилида ҳам ижод қылсанғыз бўлар экан», деган мулоҳазаларни билдиришибди. У киши етук Ислом олимлари Абул Ҳасан Надавий, Юсуф Қарзовий, Мұхаммад Али Собуний, Рамазон Бутий ва бошқа бир қанча азизлар билан маслаҳат қилибдилар. Шунда улар «Биз сизнинг улуг аждодларингиз – имом Ҷухорий, имом Термизийлар ёзиб кетган китобларни ўқиб, динимизни ўрганганмиз. Биз араб тилида етарлича ижод қилмоқдамиз. Сиз ўз тилингизда ёзаверинг, чунки биз сизнинг тилингизда ҳеч нарса ёза олмаймиз», деган маслаҳатни беришибди. Бу маслаҳат ишни янада шиҷоат билан давом эттиришларига туртки бўлган.

Ўша даврни эслаб кўрайлик. Ватандан узокда, қайтишдан умид йўқ даврлар. Лекин шайх ҳазратларининг бунчалик кўп китобларни таълиф қилишларига у кишидаги эътиқоднинг, ақийданинг мустаҳкамлиги, Ватанга, динга, она халқига бўлган кучли севги сабаб бўлган, дея bemalol айта оламиз. У кишининг ўрнида бошқа одам бўлганида «Чиқмайдиган китобни ёзиб нима қиласман», дейиши мумкин эди. Лекин ҳамма нарса ниятга боғлиқ. Ниятлари холис экан, мана, меҳнатларининг маҳсулни бўлган бу нодир китоблар мусулмон халқи орасида кенг тарқалиб, халқнинг диний саводхонлиги ошмоқда, ўзининг самараларини бермоқда.

Шайх ҳазратлари у вақтларда қўлда, оддий шарикли ручкада ёзардилар. Кўп ёзганларидан кўлларининг ручкани ушлайдиган жойи бўртиб, қавариб қолган эди. Кўллёмзанинг нусхасини олиб, каминага жўнатар, мен эса уни компьютерда оқقا кўчирадим. Ўша пайтларда мен Истамбулда истиқомат қиласдим. Кейинчалик ўғиллари Исмоилжон улғайгач, компьютерни ўрганиб, бу кулагай воситада ишлашга дадасини ҳам қизиқтириб қўйди, шундан сўнг ижодни компьютерда давом эттирдилар.

Муқаддас маконларнинг баракасидан меҳнатлари самарали бўлиб, «Тафсири Ҳилол» тўлиқ ёзиб тутатилиб, ўкувчиларга тақдим этилди. Одатда Куръони Карим маънолари кўп тилларга таржима қилиниб, тақдим қилинган. Лекин унинг тафсири жуда кам. Таржимадан фойдаланганлар бир оз маълумотга эга бўладилар, лекин чуқур илмга эга бўла олмайдилар. Аллоҳнинг каломини эса тафсирсиз ҳамма ҳам тушуна олмайди. Шу томонларини ҳисобга олиб, «Тафсири Ҳилол»ни ёзиш давомида уни рус тилига ўгиришни ҳам йўлга кўйган эдик. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, унинг русча нусхаси ҳам ўз ўкувчилари қўлига етиб бормоқда. Фурсатдан фойдаланиб, бу савобли ишда меҳнати сингаётган барча биродарларимизга миннатдорчилигимизни изҳор қиласиз.

Олий мақсад – тафсирнинг ёзилиши охирлаб қолгач, навбатдаги иш – ҳадиси шарифни халқимизга етказишга уриниш бошланди. Муаллифнинг ўзлари «Ҳадис ва Ҳаёт» тўпламининг муқаддимасида таъкидлаганларидек, аввало бу иш учун китоб танлаб олдилар. Сўнг худди бобомиз Имом Бухорий қилганларидек, суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзаи шарифларини зиёрат этдилар. Сўнг ғусл қилиб, икки ракъат намоз ўқидилар, у зотдан изн бўлгач, китобни ёзишга киришдилар. Афсуски, изн қай тарзда бўлганини сўраб олмаган эканмиз. Тахминимизга кўра рўё орқали бўлган бўлса керак. Алҳамдулилаҳ, бу иш ҳам муваффақиятли якунланди, «Ҳадис ва Ҳаёт» мажмуаси халқимизнинг ҳадис илмини ўзлаптиришида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Робитаи Исломия ташкилоти ва бошқа диний ташкилотларда хизмат қилиш жараёнида минтақамиз мусулмонларининг муаммоларини ҳал этишда катта ишлар қилинди. Минтақамизга хос муаммолардан таш-

қари, замонавий масалалар хусусида фатво чиқаришга ҳам ҳисса құшылар. «Озодлик» радиосида чиқишилар килиб турдилар. Бошқалардан фарқли үлароқ, акам бу әшиттиришларда соғ диний масалаларни ёритиб берар, сиёсий масалаларга аралашмасдилар.

Хорижда яшаб юрганимизда баъзи нохуш хабарларни шайх ҳазратларига етказмасликка ҳаракат қиласынан да жаңылар. Бир куни волидамизнинг акалари Умарали тоғамизнинг вафот этгандары ҳақидағи хабар етиб келди. Келин ая иккаламиз бу хабарни яшириб, акамга айтмадик. Орадан бир йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Бир куни оиласынан суҳбат өткінде тоғам хусусида гап кетиб, келин ая бехосдан у кишининг вафотлары ҳақида гапириб юбордилар. Кейин билсак, акам ҳам бу ҳақда әшитган, лекин бизни әхтиёт қилиб, айтмаган эканлар.

Шайх ҳазратлари табиатан ниҳоятда сабрли одам әдилар. Феъллари кенг, ҳар нарсага аччиқлари чиқавермас, бирорта одамни хафа құлмас, вақтларини, гапларини бехудага сарфламас әдилар. Ўзларининг хоҳишларини бирорға мажбуран үтказмасдилар. Суҳбатдошларни, ҳамкорларни ўз ихтиёрига қўйиб қўярдилар.

Фарзанд инсон учун Аллоҳнинг бебаҳо неъматидир. Фарзанд тарбияси эса энг муҳим ишларнинг аввалғисидир. Шайх ҳазратлари билан келин аямиз олдида ана шундай муҳим масала күндаланғ бўлиб турар, улар фарзандларини иложи борича исломий рухда тарбиялашар, лекин уларни ўқитиши масаласида бошлари қотарди. Бу борада пешқадам ҳамشاҳарлар билан маслаҳатлашилди. Улар: «Ўзингиз таълим олган жойда ўқитинг, чунки бошқа жойларда фарзандларингиз қаровсиз қолишиша, ҳар хил тоифаларга қўшилиб кетиши хавфи туғилади», деган фикрни билдиришди. Шунинг учун болаларнинг ўқиши учун Ливия давлати танланди.

Шайх ҳазратлари оиласлари билан Ливияга күчіб ўт-дилар. Ливия ўзлари ўқыган жой, Траблус эса иккінчи она шаҳарлари эди. Ҳазрат учун «Жамияту даъватил исломия» ташкилоти худудидан уй ажратилди. Давлат раҳбари бу азиз меҳмонларни ўзи қабул қилиб, марҳамат кўрсатди. У кишининг фармони билан оиласнинг тузидан тортиб, барча эҳтиёжларининг таъминоти йўлга қўйилди. Болалар бирин-кетин ўқишига бориб, ўқий бошлашди. Шайх ҳазратлари «Жамияту даъватил исломия» ташкилотининг аъзоси эдилар, асосан китоб ёзиш билан шуғулланиб, ижодларини янада кенг кўламли қилиб давом эттиридилар. «Ҳадис ва Ҳаёт» каби ҳажм ва мазмун жиҳатидан катта китобларнинг орасида бошқа зарур рисолалар, мақолалар ҳам ёзиб турадилар. Бирор сафарга борсалар, овоз ёзиш асбобидан фойдаланиб, керакли китобларни ўқиб берардилар. Вақтларини беҳуда ўтказмасдилар. Мен ана шундай аудиокассеталаридан бир қанчасини қўпайтириб, Ватанга жўнатардим, халқимиз эшитиб, фойдаланаар эди. Асосан иқтидорли талабаларни ўқишига таклиф қилиб, ўқишиларига кўмаклашар эдилар. Кўмак ҳам моддий, ҳам маънавий бўлар эди. Шунинг учун ҳам «Шайх ҳазратлари менинг устозим бўладилар», деганлар кўпчиликни ташкил этади.

Воқеалар, ҳодисалар шу қадар кўплигидан асосий гаплардан бири сал эсдан чиқай дебди. Сиз азизларни асаримизнинг асосий қаҳрамонларидан бири шайх ҳазратларининг яккаю ягона, битта бўлса ҳам ўнтага татигулик ўғиллари Исмоилжон билан таништирмоқчиман. У 1976 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўрта маълумотни Тошкентдаги 22-сонли мактабда олган. Мактабда аъло баҳоларга ўқыган. Тақдир тақозоси билан бир муддат оиласи билан бирга хорижда яшашига тўғри келган. Никоҳ тўйлари ҳам Истамбулда бўлиб ўт-

ган. Хорижда бўлишимизга қарамасдан, чиройли, файзли исломий тўй қилғанмиз. Келинликка номзод – қариндошларимиздан бирининг қизлари Машкурахон эди. Қариндошлар маслаҳат қилишди, тўйда ҳар бир оиладан бир кишидан вакил қатнашадиган бўлган. Ӯта-она, бобо-момолардан оқ фотиҳа – дуо олингач, тўй бошланган. Тўй кечаси маросим иштирокчиларини бизнинг диёримизда имкони йўқ нарсага – дengiz сайрига таклиф этганмиз. Икки ёшнинг ҳақларига дуолар қилинган. Дуолар қабул бўлган экан, ширин ҳаётлари мобайнида ҳозирга қадар уч ўғил, бир қизли бўлдилар. Келинимиз орзу қилинганидек, иболи, меҳнаткаш, одобли, ўқимишли, рисоладагидек келин чикдилар. Исмоилжон дадалари ўқиган дорилфунунда ўқиб, олим бўлиб етишди. Ҳозирда падари бузрукворлари бошлаб берган ишни давом эттириб, «Ҳилол нашр» нашриётини бошқармоқда.

## ОГИР ЖУДОЛИК

Биз хорижда юрган пайтимизда бир куни онам бетоб бўлиб қолибдилар. Зиёратларига келганимда ҳаво жиҳозига боғлиқ ҳолда беҳуш ётар эдилар. «Онажон, мен келдим», деб бир неча бор тақрорладим. Ё алҳазар! Эртасигаёқ оёққа туриб, юриб кетдилар. Бир неча йиллаб фарзандларини кўрмасдан яшашга онаизорнинг юраги қанчагача дош бериши мумкин! Мушфиқкина онам, беозоргина онам фарзандлари доғида ширин жонларини фидо этдилар.

Вакти-соати келиб, каминага волидаи меҳрибонимизнинг вафотлари тўғрисидаги хабар етиб келди. Она-миз Ватанда вафот этдилар, биз фарзандлар эса – камина Истамбулда, акам Маккай Мукаррамада эдик. Қани энди бу хабарни у кишига айтиб бўлса. Ҳаётим давомида энг қийналган, қалбдан азоб чеккан дамларим шу эди. Акам ҳар икки соатда кўнғироқ қилиб, «Нима гап? Сен мендан ниманидир яширияпсан», дейди. Мен: «Йўқ, тинчлик», дейман-у, лекин яширишнинг иложи бўлмади, охири ростини айтишга мажбур бўлдим. Хабарни эшиттга, трубка қўлларидан тушиб кетганини сездим. Узоқ сукунат чўмди...

Бу ҳаммамиз учун оғир мусибат эди. Ҳамшаҳарлар хабар топиб, тезлик билан таъзия очиб, баъзилари онамиз учун умра ибодатини амалга оширишган экан. Биз узоқдамиз, боришининг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Дадам бошчилигида қариндош-уруглар, ошна-оғайнилар, ҳамқишлоқлар онамизни ўз васиятларига биноан туғилган ерлари – оналарининг ёнларига, Қорақўрғон қишлоғидаги Жийдамозор қабристонига дафн қилишибди. Волидаи муҳтарамамизни Аллоҳ Ўз раҳматига олган бўлсин! Омин!

Ижозатингиз билан шу ўринда шайх ҳазратларининг оналарига атаб ёзган, шу кунга қадар бирор ерда чоп этилмаган марсияларини эътиборингизга хавола қиласыз:

### **ОНАЖОНИМ, ВОЛИДАИ МЕҲРИБОНИМ!!!**

Бандаси ўзига етган макрух учун Ўзидан Ўзага ҳамд айтмайдиган Қодиру Қобиз бўлмиш Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Қиёмат қоим бўлгунча ҳар бир бандай мўмин учун вафотлари дунёнинг энг улкан мусибати бўлмиш севикли Пайғамбаримизга салавоту саломлар бўлсин.

**Онаジョンим!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз дорул фанони тарк айлаб, дорул бақога риҳлат қилдингиз. Баданга – жисмга, моддий нарсаларга боғлиқ бўлган бу тор дунё ташвишларини ортда қолдириб, уфқлари чексиз бўлган, ҳеч қандай моддий нарсага боғлиқ бўлмаган руҳий оламга етишдингиз. Энди мен – Сизнинг жигарбандингиз Сиз азизамнинг жисмингизга, бу моддий дунёга тегишли бўлмаган жонибингизга хитоб қила олмайман. Энди мен – Сизнинг жигарбандингиз Сиз меҳрибоним ила фақатгина кўзим тўла ёш, қалбим тўла соғинч билан, хаёлимдагина гаплаша оламан.

**Онаジョンим!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Ижозат беринг, ҳаммасини бир бошдан бошлай. Аллоҳ раҳмат айласин, бобомиз ва энамиздан беш фарзанднинг иккинчиси бўлиб дунёга келганингизда нима учун улар Сиз азизамга «сабр қилувчи» деган маънони англатувчи исм кўйғанлари менга қоронғи. Лекин бу бевафо дунёда кечирган олтмиш саккиз йиллик умри муборагингизни исмингизга мос равишда сабр ила ўтказганингизга жонли гувоҳман.

Отадан эрта ажраб қолиб, энам раҳматликнинг қара-  
моғида оила тебратиш ва укаларингизга қарапнинг тур-  
ли-туман машаққатлариға сабр қилиш ила чиниқдингиз.

Сүнгра, Қиблагоҳимиз ила оила қурганларингиз-  
дан кейин, мен туғилишпим билан у киши Аллоҳнинг  
охирги ва бокий дини бўлмиш Исломни ўрганиш учун  
жўнаб кетганларида юзага келган турли-туман қийин-  
чиликларга тинимсиз сабр қилиш ила яшай бошли-  
дингиз. Сиз энди шунчаки эмас, Аллоҳнинг йўлида,  
дину диёнатимиз йўлида сабр қилишга ўтдингиз. Ўзи  
шундоқ ҳам турмуш кечириш қийин бўлган бир даврда  
Қиблагоҳимизнинг исломий илмлар толиби бўлишлари  
сизнинг оддий қийинчиликларингизни Аллоҳнинг йў-  
лидаги, чексиз ажру савоб касб қилиш йўлидаги қийин-  
чиликларга айлантирган эди. Шу билан бирга, бу Аллоҳ  
субҳанаҳу ва таолодан бизнинг оиласизга берилган  
улкан неъмат эди. Аввало мени, кейинчалик укаларим-  
ни ҳам тарбия қилишда энам раҳматлик бошчилигига  
бошқа қариндошлар ёрдам берган бўлишса ҳам, жуда  
ҳам қийналганингиз, аммо ҳар қандай қийинчилик-  
ларни енгишда сабр қилганингиз маълум ва машхур.  
Қиблагоҳимиз дарслардан таътилга чиққанларида ҳам  
оила учун бирор нарса топиш ҳаракатида бўлишлари  
одат тусига кирган экан. Бу ҳам ҳар иккингиздан сабр-  
матонат тақозо этиши турган гап эди. Сизнинг турмуш  
қийинчиликларини енгиш йўлида сабр ила ҳаракат қил-  
ганингиз алоҳида эҳтимомга сазовор нарса. Тортган қи-  
йинчиликларингизнинг баъзилари болалик хотирамда  
қолган, аммо уларни айтиб ўтиromoқчи эмасман, чунки  
ўзингиз уларни эслашга унча рағбат қилмас эдингиз.  
Фақат тортган хасталикларингиз машаққати умрингиз-  
нинг ўзига хос сабр тўла саҳифалари бўлса керак деб  
ўйлайман. Ўзингиз ёрдамга эҳтиёжли бўла туриб, биз-

нинг роҳатимиз учун тинмай ҳаракат қилишингиз эса сабр устига яна сабр талаб қиладиган ҳол эканини айтиб ўтириласак ҳам бўлади.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Қиблагоҳим ўқиши тўлиқ битирмасалар ҳам, мусулмонлар талабига биноан ишга тайинланганларидан сўнг у кишининг иш жойларига кўчиб ўтиб яшай бошлаганимиздан кейин ҳам яна кўп нарсаларга сабр қилиш лозим бўлди. Ана шу сабр талаб этган нарсаларнинг асосийси биз фарзандларингизнинг фироги эди. Ҳеч бир она ўз жигаргўшасининг бир қадам узоқлашишини истамайди. Сиз эса бу масалада ҳамма оналардан ҳам ҳассос эдингиз. Лекин ҳаётда банданинг эмас, Аллоҳнинг истаги бўлиши муқаррар. Сиз Аллоҳ таолонинг марҳамати ила севикли фарзандларингиз хижронига сабр қилиш билан ажр олиш баҳтига мұяссар бўлдингиз. Ҳар сафар йўлга отланганимизда «Болам, фақатгина Аллоҳ йўлида ўқишига (ёки хизматга) кетаётганингиз учун сабр қилиб, рози бўлмоқдаман, бўлмаса сизларни ўз олдимдан бир қадам ҳам узоқ кетишингизни хоҳламайман. Имкон топганингизда келиб, мени кўриб турсаларингиз бўлди», дер эдингиз. Бу сизнинг Аллоҳнинг йўлидаги, иймон-Ислом, дин-диёнат йўлидаги фидокорлигинги эди. Сиз айнан шу фидокорлигингизда муборак умрингизнинг охиригача сабит турдингиз. Фақат Аллоҳ таолонинг розилигини тилаган ҳолингизда фарзандларингиз, келинларингиз, набираларингиз ва ниҳоят, чеварангиз фироқига ҳам сабр қилдингиз. Раҳмати барча нарсадан кенг бўлган Улуғ Аллоҳ Сизнинг бу фидокорлигинги учун муносиб тақдирлашидан умидвормиз.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Аллоҳ таоло ҳар бир онага фарзанд меҳрини ато қилгани мутлақ ҳақиқат эканлиги маълум. Аммо менга

Аллоҳ таоло дунёдаги барча оналар ичида Сизга ҳам-мадан күп фарзанд меҳрини ато қилган бўлиб кўрина-ди. Авваллари ҳам күп бор эслаганман, хусусан дорул-бақога риҳлат қилганингиздан бўён қайта-қайта ўйлаб, бизларга бирор оғиз қаттиқ гап айтганингизни эслай ол-маяпман. Аксинча, фарзандларини сўккан ёки қарғаган аёлларга насиҳат қилиб: «Болани ҳадеб сўкиб бўлмайди. Қарғасангиз, яхши-ёмон гапга фаришта «омин» деб турар экан, болангизга бирор нарса бўлиб қолса, азоби-ни ўзингиз тортасиз, «болам, бўтам», деб яхши муома-ла қилсангиз, болангиз гапингизга киради, айланайин. Бола дегани яхши гапнинг гадоси бўлади», дер эдингиз.

Онажоним!!! Волидай меҳрибоним!!!

Сиз ажойиб фарзанд ҳам эдингиз. Отангизни доимо яхшилик билан эслаб, ҳақларига дуолар қиласр эдингиз. Онангиз – энам раҳматликни қанчалар эъзозлашингизни ўзимиз ҳам кўрганмиз. У киши ҳаётлик вақтларида барча имкониятингизни ишга солиб ҳурматларини қилсангиз ҳам, тез-тез «Мен боламни дейман, болам боласини дейди, деганлари рост экан. Мана, биз ҳам боламизни деб онамизга тузукроқ қарай олмаяпмиз», деб ўқсинар эдингиз. Сиз солиҳа фарзанд ўлароқ, ум-рингиз бўйи ўқиган намозларингизда салом беришдан олдин «Аллоҳим, ота-онамни мағфират қилгин» деган дуони ўқиб келдингиз. Бу билан фарзанднинг вафот эт-ган ота-она олдидағи бурчини шараф билан адо этиб келдингиз. Сиз яна қўшимча дуолар ҳам қиласр эдингиз. Ҳар бир намозингиздан кейин алоҳида Куръон ўқиб, ортидан ота-онангиз ҳақларига дуо қиласр эдингиз. Бу ишни ҳар бир намозингиздан кейинги вазифангизга айлантириб олган эдингиз. Аллоҳ таоло бизларнинг ҳам Сизга ўжшаш солиҳ фарзандлардан бўлишимиизни насиб этсин.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз азизамнинг бу бевафо дунёда кечирган ҳәётингиз давомида мен ўз фарзандлик бурчимни бажара олдимми, йўқми – айта олмайман. Аслида фарзанд ҳарчанд уринмасин, онаси берган бир ютум оқ сутнинг ҳаққини ҳам адo қила олмаслиги турган гап. Бир одам онасини елкасига кўтариб олиб, Каъбаи Муаззамани тавоф этдириб, ҳаж қилдириб юриб, буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумони қўриб қолибди. У кишидан: «Ушбу қилаётган ишim ила онамнинг ҳаққини адo этган бўламанми?» деб сўрабди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо унга жавобан: «Сен бу ишинг билан онангнинг бир марта сут бергани ҳаққини ҳам адo эта олмайсан», деган эканлар. Демак, фарзанд ҳар қанча уринса ҳам, онанинг ҳаққини тўлиқ адo этиши мумкин эмас. Фақат онанинг розилигини топиши, дуосини олиши ҳақида гапириши мумкин экан, холос.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Биз – Сизнинг фарзандларингиз Сиздек буюк қалб эгаси бўлмиш мўътабар онамизнинг розиликларини топа олдикми? Агар топа олган бўлсак, бунинг фазли икки нарсага боғлиқ бўлади:

Аввало, ҳамма нарсадан олдин Аллоҳ таолонинг лутфи ила ва Қиблагоҳимиз ҳамда Сиз азизамизнинг ҳаракатларингиз ила биз фарзандларингиз мусулмон бўлиб ўстанимизга боғлиқдир. Ҳа, сиз азиз волидайнларимиз биз фарзандларингизни нафақат оддий мусулмон бўлишимиш учун ҳаракат қилдингиз, балки Аллоҳнинг охирги ва мукаммал дини бўлмиш Исломни иложи борича кўпроқ ўрганиб, унга амал қилиб, кўлдан келганча бошқаларга ҳам ўргатадиган инсонлар бўлиб етишишимиз учун роҳат-фароғатингиздан кечдингиз, кўплаб оғир машаққатлар чекдингиз. Ҳа, Роббул оламийнга бе-

ҳад ҳамду санолар бўлсинким, У Зотнинг лутфи ва сиз волидайнларимизнинг саъй-ҳаракатларингиз сабабли биз фарзандларингиз мусулмон бўлиб ўсдик. Бинобарин, агар биздан бирор яхшилик, жумладан, ота-онани рози қиласидан амал содир бўлса ҳам, мусулмончилигимиздан бўлади.

Иккинчидан, агар Сиздек мўътабар инсон биздан рози бўлсангиз, бизнинг ортиқча бир иш қилганимиздан эмас, Сиз азизамизнинг бағрикенглигингиздандир. Онажон, Сиз бутун умрингиз давомида биз фарзандларингиздан рози бўлиб яшашга ҳаракат қилдингиз. Ўзингизнинг розилигингиз бизнинг икки дунёдаги баҳт-саодатимиз учун қанчалик зарур эканини тўлиқ тушуниб етганингиз учун, бизга ниҳоятда меҳрибонлигингиздан ўз хаққингиздан воз кечиб, Сизнинг розилигингизни топиш учун тақдим қилишимиз лозим бўлган нарсаларни талаб қилмасдан, бизнинг саодатимиз учун зарур бўлган розилигингизни ҳадя қилган эдингиз.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Энди дуо масаласига келадиган бўлсак, Сиз фарзанд доимо онанинг дуосига муҳтожлигини тўлиқ англаб етган Она эдингиз. Биз Сиздан дуо сўрапш ёки дуо қилиб туришни эслатиб туриш каби нарсаларга муҳтоҷ эмас эдик. Сиз ўзингиз биз фарзандларингизни дуо қилиб туришни ўзингизга вазифа қилиб олган эдингиз. Қачон хайрлашадиган бўлсак, «Аллоҳдан тинч-омонлигингизни сўраб дуо қилиб тураман», деб бизни тинчлантирас эдингиз.

Аҳвол оғирлашиб, бошимиз устида хавф-хатар кучайиб қолганда эса «Аллоҳ ўзи асрасин, болам, одамлар бунча ҳадларидан ошмаса! Бўлаётган гапларни эшитганимдан бери Аллоҳга яна ҳам кўпроқ ёлвориб, астойдил дуо қиляпман. Парвардигорим ноумид қилмас», дер эдингиз. Ҳа, Онажон, Парвардигори олам ноумид қилмади.

Сизнинг дуоларингизни қабул қилиб, бизнинг мушкулларимизга күштейиш бериб келди. Күп ҳолатларда инсон ақли бовар қылмайдиган равишида бизга Аллоҳ таолонинг ёрдами келганда бу ҳол Аллоҳнинг иноятию, Сизларнинг дуоингиз туфайли бўлганини сезар эдим. Бундай ҳолатларда Қиблагоҳимиздан эшитганим паҳлавон йигит ва унинг онаси ҳақидаги ҳикоя ёдимга тушар эди:

«Бир паҳлавон йигит бўлган экан. Ғанимлари уни ҳеч енга олишмабди. Барча чораларни ишга солиб бўлганларидан кейин «Бунинг бир сири бўлса керак, бўлмаса бунчалик енгилмас одам бўлмайди», деб сирни ахтаришга тушишибди ва ниҳоят, «Бу йигитнинг тақвodor онаси бор экан, унинг ҳаққига доимо дуо қилиб турар экан», деган холосага келишибди».

Мен ҳам Қиблагоҳимнинг ва Сиз азизамнинг дуоларингиз сабабли ўзимни мазкур паҳлавон йигитдек ҳис этиб юрар эдим. Дуоларимда Аллоҳ таолодан Сиз азиз волидайнларимга соғлик-саломатлик, умрларингизга барака ва бизнинг ҳақимиздаги дуоларингизнинг қабулини сўрар эдим.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Эҳтимол, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг йўлида, иймон-Ислом йўлида, дин-диёнат йўлида, эсон-омон ҳижрат қилиб олганимизга ҳам Ҳақ таолонинг иноятидан сўнг сизларнинг дуоларингиз сабаб бўлгандир. Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлиш қанчалар баҳт эканини жуда кам одамларгина тушуниб етадилар. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, бизга Ул Зот ўша тушунчани ва Ўзининг йўлидаги муҳожирлик олий мартабасини берди.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Энди Аллоҳнинг розилигини топиш мақсадида қиласётган ибодатингиз, солиҳ амалларингиз, тақвоингиз ва турли машаққатларга сабрингиз қаторига фарзандингизнинг ҳижронига сабр қилишингиз ҳам кўшилди.

## 104 | Исломга бағишланған умр

Энди Сиз Аллоҳ йўлидаги фарзандларга она бўлдингиз.

Энди Сиз Аллоҳ йўлидаги келинларга қайнона бўлдингиз.

Энди Сиз Аллоҳ йўлидаги набираларга эна бўлдингиз.

Энди Сиз Аллоҳ йўлидаги чеварага момо бўлдингиз.

**Онажоним!!! Волидай меҳрибоним!!!**

Фарзандлар ҳижрони дарди қандай бўлишини билиш учун фарзандлар ҳижронини татиб яшаган она бўлиш керак. Сиз онажонимнинг ўз фарзандларингиз ҳижрони дардини қандай кечирганингизни билиш учун эса ҳам Сизни, ҳам фарзандлар ҳижронини билиш керак. Чунки Сиз ҳамма оналардан бошқача ОНА эдингиз, Сиз фарзанд ҳижрони дардини ҳаммадан кўра ўзгача кечирап эдингиз.

Биз кетгач, кўнгил сўрагани келганлар ҳам ўзингизнинг ҳол-аҳволингизни сўраб, дардингизни янгила маслик мақсадида биздан сўз очмай, Аллоҳ таолодан ҳаммаси яхши бўлишини сўраб, дуо қилиб кетишибди. Машалла-кўйда, турли маросим ва йиғинларда ҳам Сизнинг кўнглингизга тегадиган бир оғиз сўз айтмасликка ҳаракат қилишибди. Бир куни Сизнинг хузурингизда бегона бир аёл билмасдан шу масалада сўз очиб қўйган экан, овозингиз борича йиғлаб, ўрнингиздан туриб, чиқиб кетибсиз.

Қиблагоҳимизнинг дардлари ўзларига етиб турган бўлса ҳам, Сизга тасалли беришга ҳаракат қилибдилар. Сиз эса кечалари ҳеч кимга билдирамасдан, бизни чақириб йиғлар экансиз. Ушбу табиат ила яна чидаб юриш учун фақат Аллоҳга бўлган улкан Иймон, Аллоҳнинг розилигидан чексиз умидворлик ва қазои-қадарга ишонч бўлиши керак, холос.

**Онажоним!!! Волидай меҳрибоним!!!**

Бизнинг хориждаги ҳаётимиз яхши кечётгани ҳақидаги хабар Сизни тинчлантира олмади. Келиб, бизни

кўриб кетгандарнинг айтган гаплари ҳам Сизга тасалли бера олмади. Сиз азизамнинг Аллоҳнинг муҳаббатидан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муҳаббатидан кейин фарзанд муҳаббатига тўлиб-тошган буюк қалбингиз бизни ўз кўзингиз билан кўрмагунингизча тинчимади. Навбатдаги биринчи ҳаж мавсумида муқаддас ерларни яна бир бор зиёрат қилиш баҳтига муяс-сар бўлдингиз. Бизни эса Ўзингизни зиёрат қилдириш баҳти ила мушарраф этдингиз. Одатдагидек, сиз бизни кўргани келганингизда ёки биз Сизнинг зиёратингизга борганимизда бўладигандек, ҳар биримизга Ўзингизни таъбирингиз ила айтганда «арзимаган» совға келтирибсиз. Ушбу одатингизни бизга нисбатан меҳрингиз чексиз уммон қадар эканлигининг рамзи деб биламан.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Байтуллоҳнинг шундоққина ёнида, яхши бир шароитда ҳаёт кечириб турганимизни кўриб ҳам кўнглингиз тинчимади. Сиз меҳрибонимизга биз худди ўз қийинчиликларимизни беркитиб, ўзимизни яхши ҳолатда қилиб кўрсатаётгандек бўлиб туюлди. Сўраб-суриштиришни бошладингиз. Ҳатто кичкиналаримиздан ҳам алоҳида-алоҳида сўраб, ҳолатни аниқлаб олдингиз. Келинингизнинг айтишларича, зиёратингизга келган аёлларга: «Булар бир-бирларига меҳрибон, иншааллоҳ, яхши юришади, кўнглим тўқ», дебсиз. Сиз меҳрибонимизнинг бу гапларингиз биз фарзандларингиз учун улкан шараф эди.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз ўзингизнинг ушбу ташрифингиз ила бизга Ўзингизни зиёрат қилиб олиш, меҳрингизга яна бир бор тўйиб олиш имконини бериш билан бир қаторда, бошқа кўпгина имкониятлар ҳам бердингиз. Жумладан, Сиз азизамизнинг хизматингизни қилиб қолиш имкони туғилди. Ўша

вақтда куданғиз ҳам ташриф буюрган әдилар. Биз фарзандларингиз бир йўла икки онамизниң хизматларини қилиш баҳтига эришган әдик. Бу хизмат эса оддий хизмат эмас әди. Сизларнинг ҳаж қилишингизда, Аллоҳнинг дини бўлмиш Исломнинг бешинчи рукнини адо этишингизда, умрда бир марта бўладиган улкан ибодатни бажаришиングизда хизмат қилишимиз лозим әди. Иккингиз ҳам оддий ҳолатда ҳаж қылсанғиз, соғлиқ масаласида қийналиб қолишиングиз мумкин әди. Шунинг учун Ислом олами робитаси меҳмонлари сифатида, имкони борича қулай шароитда ҳаж қилдингиз. Биз эса қўлимиздан келганича ожизона хизмат қилиш баҳтига мұяссар бўлдик. Аммо ўша пайтда умримиздаги энг улкан хизматлардан бирини адо этаётганимизни тўлиқ англаб етмаган бўлсак керак. Чунки ўшандада Сиз азиз Волидамизнинг охирги марта ҳаж қилаётганингизни билмас әдик.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Ҳаж ибодатидан бошқа вақтда доимо биз билан ўтирдингиз. Иккимиз ёлғиз қолиб, роса «ҳасратлашдик» ҳам. Болалигимдан қолган одат бўйича бошимни тиззангизга қўйдим, Сиз эса бошимни кучоқлаб, юмшоқ қўлларингиз билан силадингиз. Ўшандада умримда энг охирги марта шундай баҳтли онларни кечираётганимни билмас әдим. Бундан кейин умр бўйи Сизнинг меҳр тўла кучоғингизни қўмсаб ўтишимни хаёлимга ҳам келтирмас әдим. Бундан кейин ғариб бошим ва елкаларим умрим бўйи Сизнинг майин қўлларингизга зор бўлиб ўтишини билмас әдим.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сизга осон бўлишини кўзлаб, йўл қисқа бўлиши учун ҳожиларнинг самолётларидан биридан бўш жой топиб, ортиқча ижроатлар қилиб кузатдик. Самолётга чиқишиングиздан олдин мени ортиқча уринтириб қўйганинг

гизни айтиб, узрнома гап айтдингиз. Сүнг ҳаққимга дуо қылдингиз. Мәхр билан қучоқлаб, самолёт томон юриб кетдингиз. Олдинда бу ҳолатлардан сүнг яна түрт йил вақт ўтиши бор эди. Мен эса Сиз меҳрибонимни охирги марта күриб турғанимни ҳис қылmas эдим. Үшандаги хайрлашув олдиdan қучоқлашингиз охирги қучоқлашингиз экани, кейин умрим бўйи Сизнинг қучоқлашингиздан маҳрум бўлиб қолаётганим хаёлимга ҳам келmas эди. Үшандаги мунааввар юзингизга термулиб боқишим охирги боқиш эканини, энди умрим бўйи бу азиз юзларга қайта боқа олмаслигимни билmas эдим. Үшанда Сизнинг маъюс ва маъсум кўзларингизга сўнгти бор боқаётганимни, бундан кейин умр бўйи бу кўзлар менга, мен эса уларга боқмаслигимни, Ўзингизга хос гавдангизни ва Ўзингизга хос юришингизни ҳорғин назарим билан сўнгти бор кузатиб қолаётганимни билmas эдим.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз бизни кўриб, қайтиб кетдингиз. Йўқ, Сиз бизга ўзингизни кўрсатиб кетдингиз. Ўша сафарингиз оналик жасоратингиз, оналик меҳрингиз, оналик ғайратингиз, оналик фидокорлигингиз, оналик фазилатингиз ва яна бир қанча хислатларингиз мажмуаси эканини энди англаб турибмиз.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Кейинчалик келган-кетгандардан сизлар ҳақингизда хабарлашиб турдик. Аста-секин у ердаги ҳаётта ҳам кўнишиб бордик. Кунлардан бир куни укамга сим қоқсам, ўзи йўқ экан. Бир оғайниси жавоб берди. Сиз «бир оз шамоллаб қолган» экансиз, кўргани кетибди. Ўзимни қўйгани жой топа олмай қолдим. Болаларимга: «Энангиз бетоб бўлиб қолибдилар, Аллоҳдан шифо сўраб дуо қилиб туринглар», дедим. Кейин тузалиб қолганингиз ҳақида хабар келди. Аллоҳга шукрлар қылдик. Укам

қайтиб келгандан сўнг сим қоқсам, яхши бўлиб қолганингизни айтиб, мени яна ҳам тинчлантириди. Лекин бу гапларнинг ҳаммаси одатдагидек, мени тинчлантириш учун экани, аслида касалингиз жиддий бўлганини кейин билдим. Юзма-юз кўришганимизда укам: «Борсам, беҳуш ётган эканлар, кейин ўзларига келдилар», деди. Қиблагоҳимиз билан кўришганимизда эса «Болам, онангизнинг тузалиши Аллоҳнинг раҳмати бўлди. У кишини бизга Аллоҳнинг Ўзи қайтариб берди», дедилар. Синглим билан кўришганимда ҳамма нарса янада батафсил аён бўлди. Қаттиқ оғрибсиз. Умидлар узилиб, она юртга, кичик тоғамниги олиб боришибди. Бир неча кун ҳушсиз ётибсиз. Турли табиблар келиб, кўрибди. Ҳамма тўпланибди. Кейин эса Қиблагоҳим айтганларидек, «Аллоҳ таолонинг Ўзи Сизни бизга қайтариб берибди». Ушбу хасталикдан кейин соғлиғингиз ўргача бўлиб қолибди.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сизни жуда соғиндим. Сиз ҳам бизни жуда соғиндингиз. Шунинг учун ҳам келинингиз ҳамма хавф-хатарни бўйнига олиб, «Кичик қизимни ойимларга кўрсатиб келаман», деб йўлга отланди. Келаси йили икковлон янаборишибди. Яхши бўлган экан...

Келинингиз сизларни ва бошқа қариндошларни зиёрат қилиш қувончи билан бирга, сизнинг хасталигиниз ва қариб қолганингиз ҳақида ҳам хабар келтирди. Нима бўлса ҳам, ичимидан икки киши бориб, сизларни кўриб келишганидан, сизлар ҳам уларни кўриб, хурсанд бўлганингиздан қувондик.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Болалар овоз ёзадиган тасмага ва жонли сурату овоз ёзадиган тасмага бизга йўллаган саломларингизни ёзив юборишибди. Овоз тасмасидан бошқаларнинг саломномаларини эшитдиму, Сизнинг муборак овозингиз

чиқиши билан жиҳозни ўчириб қўйдим. Юрагим чида-  
мади. Болаларим суратли тасмани ҳам кўришди. Мени  
ҳам ўша тасмани кўришга чақиришди. Бир оз кўрдим.  
Аммо сўз навбати Сизга келганда яна чидай олмадим.  
Бир нарсани баҳона қилиб, чиқиб кетдим. Умримда ҳеч  
қачон бундай ҳолга тушмаган эдим. Ҳеч нарсадан тап  
тортмас эдим. Дўстларим ва шогирдларимнинг айтиш-  
ларича, катта-катта қийинчилик вақтларда ҳам ўзимни  
йўқотмас эдим. Аммо ўша тасмалардан Сиз азизамнинг  
маъюс ва мен учун муборак овозингизни эшитсан, юра-  
гим бардош бера олмайдиган бўлиб кўринди. Менинг  
Сизга бўлган чексиз муҳаббатим туфайли шундай бўл-  
дими ёки Сизнинг менга бўлган чексиз муҳаббатингиз  
ва меҳрибонлигингиз туфайли шундай бўлдими, била  
олмадим. Ёки мени қийналиб туғиб, оқ сут бериб ўс-  
тириб, ювиб-тараб катта қилиб, мен туфайли турли  
машаққатларга гирифтор бўлиб ва ҳозирда ҳам мен са-  
бабли қийналиб яшаётган буюк инсон ҳузурларидаги  
айбдорлигимни ҳис этганим туфайли шундай бўлдими,  
била олмадим. Хуллас, кўплаб қийинчилкларга чида-  
ган тош юрагим Сизнинг соғ ва содда саломномангиз-  
ни тинглашга дош бера олмади.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз доимо бизнинг ўғлимиз ҳақида «Бу болам ме-  
нинг бош набирам, худо хоҳласа, мактабни битириши  
билан уйлайман, тезроқ чевара кўрмоқчиман», деб  
ҳазиллашар эдингиз. Ўша бош набирангиз мактабни  
битириши билан, бир ой ҳам ўтмай, сафарга отланди.  
Бошқа орзу-ҳаваслар қатори, уни уйлантириш ҳам орт-  
га сурилди. Аммо шу шароитида ҳам бош набирангиз-  
ни уйлантириш масаласи кўрилди. Узоқ ўйладик. Мас-  
лаҳатлар қилдик. Албатта, аввало Сизлар билан, охири  
бориб Қиблагоҳимиз ва Сизларнинг ғайратингиз ила бу

хайрли иш амалга ошадиган ҳам бўлди. Бўлажак набира келинингиз тўйдан олдин бориб, Сизларни зиёрат қилибди. Сиз азизам набира келинингизни қучоқлаб йиғлабсиз, ҳақларига дуолар қилибсиз. Кейинчалик тўйларига совғалар ҳам бериб юборибсиз. Сим қоқиб гаплашганимизда бизни ҳам тўй билан табриклаб, дуолар қилдингиз. Хурсандлигингиzin баён этдингиз. Энди эса келинингиз: «Яхшиям ойимларнинг ҳаётларида тўйни қилиб, у кишининг орзуларини амалга оширишга мұяссар бўлган эканмиз», деб ўзи қилган ишдан хурсанд бўлмоқда.

Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!

Сиз чевара кўрганингизда қанчалик қувондингиз экан? Мен сим қоқсам, у ҳақда ҳамма маълумотларни бирма-бир сўрадингиз. Исмини, рангини, кимга ўхшашини, соғлигини ва бошқаларни ўсмоқчилааб сўрадингиз. Келинингиз: «Кичкина бир оз шамоллаб қолди», деган экан, кейинчалик бир неча бор сим қокқанимда ҳам қайта-қайта «Миттивой тузукми? Энаси «шамоллаб қолди», деган эди?» деб сўрадингиз. Кейинчалик «Митти ўғлимга чопон ва яна сарполар қилиб қўйдиму, бериб юборишнинг иложини қила олмаяпман», дедингиз. Аллоҳ осон қилиб, чораси топилиб, ниҳоятда қадрли совғангиз жажжи чеварангизга етиб келганини сим қоқиб айтсам, «Йўғ-е! Дарров-а!?!» дедингиз. Чопоннинг сифатларини айтиб берсам «Аллоҳга шукр! Ниятимга етибман. Бизнинг топганимиз шу бўлди. Оз бўлса ҳам, кўп ўрнида кўрасизлар, энди бизга миттиво-йимнинг суратини юборинглар», дедингиз. Мен: «Суратини юбордик, ҳали етиб бормадими? Энаси, Аллоҳ насиб қылса, миттивойнинг ўзи ёзда Сизни кўргани бормоқчи», дедим. Ўшанда мазкур ишлар бўйича ўз хоҳиш-иродамизни айтардим-у, хоҳиш-иродаси ҳам-

маникідан устун турадыған Зот – Аллоҳ таолонинг бу ишлар бүйічә нимани ирода қилишпини билмас әдім. Жажжи чеварангизнинг суратларини күрмасингиздан аввал бу дунёнинг торлигидан у дунёнинг кеңгілігіга риҳлат қилишпингиз Аллоҳнинг иродасыда бөрлигини билмас әдім. Ёз келса ҳам, ёз неча бор қайта-қайта келса ҳам, митти чеварангизни күчоғингизга сололмаслигимизни, мулойим қўлларингиз ила бошини, юзларини ва танасини силата олмаслигимизни билмас әдім. Сиз азиз меҳрибонимизга жажжи чеварангизни ўптира олмаслигимизни, уни сүйдириб, эркалата олмаслигимизни, ҳаққига дуо қилдира олмаслигимизни билмас әдім.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз билан кейинги мулокотларим сим қоқиши орқали бўлиб қолган әди. Аввал бошда сим қоққанимда гўшакни набирангиздан бири олиб, кейин сизни чақириб келар әди. Кейинчалик эса доимо ўзингиз оладиган бўлдингиз. Ўзингиз гаплашиб, қониққанингиздан сўнг бошқаларга навбат берадиган бўлдингиз. Орамиздаги сим орқали сўзлашувлар йиллар бўйи давом этаётган ҳижрон дардини енгиллатиш воситасига айланган әди. Сим қоқишимни интизор бўлиб кутадиган бўлиб қолган эдингиз. Мабодо бир оз кечикиб қолсам, ташвишланиб, сиқилиб қолар эдингиз. Шунинг учун сизларга бевосита боғлана олмасам, бошқа томонга боғланиб, биз тинч эканимиз, фақат сим орқали боғланиб бўлмаётганини етказиб қўйишни илтимос қиласр әдім. Сим орқали сухбатларда оиласвий одатимиз бўйича фақат яхшилик хабарлар алмашинар әди, холос. Бир-биrimизни хафа қилмаслик мақсадида нохуш хабарларни айтишни право кўрмас әдик. Гоҳида Сиз меҳрибоним «Софиниб кетдик-ку!» деб қўяр эдингиз, холос. Мен «Аллоҳ хоҳласа, қўришиб ҳам қолармиз. Худога шукр, шунчалик

гаплашиб, хабар олишиб туришимиз ҳам катта неъмат», дер эдим. Сиз эса ҳар гаплашганимизда ўз одатингиз бўйича ҳар бир киши ҳақида алоҳида меҳр билан сўрар эдингиз: «Янги эна неварасини катта қиляптими? Ўзимнинг болам-чи, ўқишлари яхшими? Отинча қизим-чи, ўқийман деб қийналиб қолмаяптими? Амма-чи, амма жиянини боқяптими? Эҳтиёт бўлишсин-да, яна тушириб-нетиб юбормасин. Келин қандай? Миттивой-чи, ўтириб қолгандир?...»

Ҳажга кетишдан олдин гаплашганимизда бир оз йўталиб тургандингиз, «Ҳа, нима бўлди, йўталиб қолибсизми?» десам, «Ҳа, болам, ана шунаقا, соғлиқнинг мазаси йўқ. Аммо айтиб қўйай, мана бу олдимда тургандар «айтма-айтма», деб ишора қилишяпти, лекин бу йил бошқачароқман», дедингиз. Мен «Ўзи бу йил қиши бир оз оғирроқ келди. Ҳамма шамоллаган, йўталган, эски касаллари қўзиган. Сизлар-ку майли, ёш бўлиб туриб, бизлар ҳам йўталиб-аксириб, зўрга юрибмиз. Аллоҳ хоҳласа, тезда яхши бўлиб кетасиз», дедим. Аммо ўшандаги ушбу сухбат охирги сухбатимиз эканини, бундан кейин сиз азизамнинг овозингизни ҳам эшиши им-қонидан маҳрум бўлиб қолишимни билмас эдим.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Аллоҳ таолонинг марҳамати ила ҳаж ибодатини жуда яхши ўтказдик. Таниш ҳожилар билан кўришдик. Сизларни кўриб келганлар ҳам бор экан, саломларингизни етказишиди. Умуман, бу йилги ҳажимиз жуда яхши ўтди. Одатдагидек, таниш ҳожилардан Сизларга баъзи совғаларни бериб юборишни ўйлаб юрдим. Айнан нима нарсалар бериб юборишни ҳам бир неча бор режалаб кўрдим. Аммо энди Сиз азизамга совға бериб юбора олмаслигимни билмас эдим. Шунингдек, ҳаждан олдин келган меҳмонлардан келинингиз совға қилиб

бериб юборган күйлакликни тикириб кийишиңгиз имкони бўлмаслигини ҳам билмас эдим.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз баъзида «Ёш боланинг дили пок бўлади. Аллоҳ унинг тилига ҳақиқатни солиб туради», дер эдингиз. Бу ўз тажрибангиз ёки ўзингиздан катталардан эшитган нарсангиз бўлса керак. Аммо шу маънода гапирганингизни кўп марта эшитган эдим. Бир куни Ҳарами Шарифда ибодат қилиб туриб, ушбу гапингиз эсимга тушди. Ёнимда бидиллоқ кичик қизим ҳам бирга эди. Намозни ўқиб бўлганимиздан сўнг жаноза намози ҳам бўлди. Жанозани ўқиб бўлишимиз билан қизим мендан: «Дада, тикка туриб, «Аллоҳу акбар!» деб, кейин «Ассалому алайкум раҳматуллоҳ», деб бундай қилиб салом берадиган намоз қанақа намоз?» деб сўраб қолди. «Бу жаноза намози, қизим», дедим. «У намоз нимага ўқиласди?» деб сўради қизим. «Ўлганларга ўқиласди», дедим. «Кимлар ўлади?» деди у. «Узоқ яшаб, қариб қолганлар», дедим. «Ҳалиги, биз опам билан Анжонга борганимизда, кўрсак, энамлар қариб қолган эканлар, ўшнақаларми?» деди қизим. Бутун баданимни совуқ тер босиб кетди. Юрагимга ажиб бир ғашлик ўрнашди. Фурсат топиб, укамга сим қоқдим. «Ҳаммаёқ тинчлик», деди. «Уйга сим қоқмадингизми?» дегандим, «Йўқ», деди. Ҳамма нарса аён бўлгандан кейин ўйлаб кўрсам, ўша куни Сизнинг дорулбақога сафар қилган кунингиз экан. Бу нарсани Аллоҳ таоло Ўз Каъбаси живорида дадаси билан намоз ўқиётган суюкли набирангизнинг қалбига солган экан. Аммо у пайтда мен ҳали бу ҳақиқатни билмас эдим.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Мазкур ҳолатдан кейин кўнглим ғаш бўлаверди. Укамга сим қоқсам, одатдагидан бошқача ҳолатда, ле-

кин «Ҳаммаёқ тинчлик», деяверади. Бир биродаримизнинг оналари вафот қилганининг хабарини айтди. Ҳарами Шарифда ўша биродаримизнинг оналарига атаб тавоғ қилиб, икки ръкат намоз ўқидим, дуо қилдим. Сўнг мазкур биродаримизга сим қоқиб, таъзия билдиридим. Аммо ўз онамнинг номларидан тавоғ қилишим кераклигини билмас эдим. Ўз онамнинг ҳақларига дуолар қилишим вақти келганини ҳали билмас эдим.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Лекин кўнглим ғаш эди. Бир нарса бўлганини сезардим. Ўғлим сим қоқиб, «Тезда биз билан боғланинглар», деган хабар қолдирибди. Кўнгил ғашлиги яна ортди. Келинингиз «Дадаси, тинчликмикан? Бир гап бўлганга ўхшайди. Бўлмаса боламиз бундай қилмас эди», деб изиллай бошлади. Қани энди сим қоқиб бўлса! Аксига олгандек, ҳеч иложи бўлмади. Кеч бўлганда келинингиз баъзи ишлари билан ҳамда «Зора ўша ердан сим қоқишнинг имкони бўлса», деб танишларимиздан бириникига кетди. Хонада ёлғиз қолиб, ғашлигим зиёда бўла бошлади. Яна укамга сим қоқдим. Болаларим билан боғланиб, нима гаплигини билишини сўрадим. Бир оздан сўнг яна сим қоқсам, у: «Укаларим билан гаплашдим, сизларнинг қачон қайтишингизни билишмоқчи экан, айтиб қўйдим», деди. Лекин гапириши бошқача бўлиб туюлди. Нима гап эканини очиқ айтишини қайта-қайта, қаттиқ туриб талаб қилганимдан кейин «Онамиздан ажраб қолдик», деб туриб, йиғлаб юборди. Нима бўлганини ҳозир васф қила олмайман. Эсимда қолгани – «Онажоним!!! Онажоним!!!» деб кўзимдан дув-дув ёш қуйилар эди. Хона ичидаги айланаб юриб, «Онажоним!!!» деб йиғлар эдим, холос. Келинингизга сим қоқдим, нима дейишими билмадим шекилли, «Болаларга сим қоқдингизми?» деб сўрадим. Манфий жавоб бўлган эди, «Кўяверинг,

энди кераги йўқ. Онамиз вафот этибдилар», деб түйиф-ийғлаб юбордим. Симнинг нариги томонида ҳам йиғъ товуши эшитилди, сўнгра «Ҳозир бораман, дадаси!» деган йиги аралаш овозни зўрға эшитдим.

**Онажоним!!! Волидай меҳрибоним!!!**

Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинким, бошимга тушган улкан мусибат чоғида дарҳол шариатимиз кўрсатмаларига амал қилишни бошладим. Энг аввал, мусибат ҳақидаги хабар етиши билан «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи роҳиъун»ни такрор-такрор айта бошладим. Кейин эса Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг «Кимга мусибат етганда сабр қилиб, «Роббана’ журнаа фии мусийбатинаа вахлуфнаа хойром минҳаа», деб айтса, Аллоҳ унга ўша етган мусибати эвазига ундан яхшироқ нарса беради», деган ҳадиси шарифларига амал қилиб, мазкур дуони такрор-такрор ўқиб турдим.

Келинингиз билан келган таниш аёл у кишига «Йиғламанг, «алҳамдулилаҳ» денг», деяётганини эшигиб турдим. Мазкура аёлнинг ўғли менга «Шайх, Сиз ўзингиз ҳамма нарсани биласиз, лекин шундоқ бўлса ҳам, вазифасини адо этиш йўсинида айтиб қўймоқчи-ман, «Кишига яқинининг ўлими ҳақида хабар етганда Пайғамбар алайҳисалломнинг вафотларини ўйласин», дейилади. Агар бу дунёда одам зоти бокий қолиши мумкин бўлса, ул зот қолишлари лозим эди. Мусулмон банда учун ўз Пайғамбари вафотидан ортиқ мусибат бўлмаслиги керак. Сабр қилмоғимиз лозим», деди.

Дарҳақиқат, мўмин банда учун унга Аллоҳ таоло томонидан нима раво кўрилса, ўша яхшидир. Шунинг учун ул банда ўзи ёмон кўрган мусибатга дучор бўлса ҳам, Аллоҳ таолога ҳамд айтмоғи лозим бўлади, чунки банда учун мусибат бўлиб кўринаётган нарса аслида

унга раҳмат бўлиши ҳам мумкин. Мўмин банда Аллоҳ таолодан келган ҳар бир нарсани қазои қадар юзасидан «Ҳикмати илоҳийнинг тақозоси шу экан», деб кутиб олмоғи лозим. Шунинг учун ҳам салафи солиҳлардан бири ўн етти ёшли ўғли отдан йиқилиб нобуд бўлиб, азада турган пайтда «Биттасини олиб, қолганларини соғ қўйган Зотга ҳамд айтинг», деган кишига: «Менга боламнинг вафоти ила энг яхши таъзияни сен билдиридинг», деган эканлар. Шунинг учун ҳам мусулмонлар ичида «Алҳамду лиллаҳи ъалаа кулли ҳол», яъни «Ҳар бир ҳолат учун Аллоҳга ҳамд бўлсин» жумласи шиор ўрнида ишлатиладиган бўлиб қолган.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сизга очилган азанинг шариатга мувофиқ бўлиши ҳаммамиз учун фойдали эди. Биз дастлаб ҳеч нарсани ўйламай, фақат етган хабарнинг даҳшатини яшаб турган бўлдик. Сизга йиғлашимиз ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ бўлишига ҳаракат қилдик. Сарвари олам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўғиллари Иброҳим вафот этганида кўзларидан ёш оқизиб йиғлаганлар. Шунда саҳобалардан Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу: «Сиз ҳам-а, эй Аллоҳнинг Расули?» деганлар. Бунга жавобан у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Ибн Авф, бу (кўз ёши) раҳматдир», деганлар ва яна бир йиғлаб туриб: «Кўз ёш оқизур, қалб маҳзун бўлур. Роббимизни рози қиласидиган нарсадан бошқасини айтмаймиз. Эй Иброҳим, биз фироқингта жуда маҳзунмиз», деганлар. Шунингдек, у зот алайҳиссалом баъзи саҳобийларга ҳам мазкур раҳмат йиғиси ила йиғлаганлари ҳақида саҳиҳ ривоятлар бор.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Мен ўзимни дийдаси қаттиқ, кўзидан ёш чиқиши қийин шахслар қаторига қўшиб юрадим. Бу фикрим

түғри эмас экан. Хабарни әшитганимдан кейин күп йиғлайдиган бўлиб қолдим. Ҳолимни кўрган баъзи кишилар: «Бир марта қиттиқ йиғлаб юборинг, барча дардиниз чиқиб кетади», дейишди. Аммо мен ундай қилмадим. Йиғлаб юриб, сизнинг номингиздан Байтуллоҳни қайта-қайта тавоғ қилдим, ўша ерда намоз ўқидим ва дуолар қилдим. Ҳижрий 1419 сана, муҳаррамнинг тўқ-қизинчи куни эди. Шом намозидан кейин яна Сизнинг номингиздан Байтуллоҳни қайта-қайта тавоғ қилдим. Сўнг ҳижри Исмоилда икки ракъат намоз ўқидим. Бу ер ҳам Каъбаи Муаззаманинг ичи ҳисобланади. Шу сабабдан кўпчилик бу ерда намоз ўқишига алоҳида эҳтимом беради. Мен ҳам имкон топсам, шундай қиласман. Бу сафар Сиз учун ўша шарафли жойда намоз ўқидим, дуолар қилдим. Каъбаи Муаззаманинг ҳижри Исмоил томонидаги деворини қучоқлаб, истиғфор айтдим, дуолар қилдим. Қўлдан келганича бу ишни ҳам доимо қилиб турман. Бу сафар ҳам бўш жой топиб, Каъбаи Муаззаманинг деворини қучдим. Одатдагидек, димоғимга пўшишнинг хушбўй хиди урилди. Аммо қиласдан дуойим одатдагидек бўлмади. Балки «Эй Роббим! Эй Парвардигори олам! ЭйFaфуру Раҳим Зот! Онажонимни мағфират қилгин! Волидаи меҳрибонимни раҳмат айлагин!» деб дуо қила бошладим. Шу пайт бўғзимга бир йифи келдики, уни васф қилишига сўз ожиз. Худди Сизнинг фироғингиз дардини тўкиб соладиган маконни энди топгандек эдим.

Умримда ҳеч қачон бундай йиғламаганим ўзимга аён. Худди шу кўйда Каъбаи Муаззамани кўп бор кучиб туриш, мана ўн йилча бўлдики, ҳар йили бир ёки икки марта Байтуллоҳнинг ичига кириб ибодат қилиш, Аллоҳ таолога ёлвориш имконига ҳам эга бўлмоқдаман. Аммо ушбу кунга ўхшаш ҳолат ҳеч қачон бўлган

эмас. Мен Аллоҳнинг Байтини қучоқлаган ҳолимда Сиз азизамга раҳмат сўраб ёлворар эдим. Шу билан бирга, юзимни босиб турганим Байтуллоҳнинг деворини худди Сизнинг тиззангиздек, Каъбанинг хушбўй пўшишини худди Сизнинг юмшоқ кўйлагингиздек ҳис қиласар эдим. Худди бир оннинг ўзида ҳам Байтуллоҳни, ҳам Онажонимни қучиб, юзимни суртиб, ҳам ёлвориб, ҳам эркаланаётгандек эдим. Аллоҳ таолодан Сизга мағфирату раҳмат сўраб, дилдан чиқариб йиғладим. Ўзимни четта олганимда энди йиғламасам керак, деб ўйладим. Лекин бу фикрим хато экани кейин аён бўлди. Сиз қолдирган эҳсос шунчалар улкан эканки, ўзимни тушунишими ҳам миқёсидан чиқариб юборди.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Кўпчилик ота-онасининг вафотидан кейин «Тирикликларида қадрларини билмаган эканмиз», деб афсус чекади. Алҳамдуллаҳ, Сизлар бизни исломий тарбия бериб ўстирганингиз учун бизда бу афсус йўқ. Биз ота-онасининг қадрини биладиган бўлиб ўсдик. Исломий илмларни ўрганганимиз сари, кейинчалик бу илмларни бошқаларга ўргатганимиз сари, бизда Сиз волидайнларимизнинг қадрингизни улуғлаш ҳисси ортиб борди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таолонинг инояти или қўлимиздан келганича қадр-қимматингизни жойига кўйишга ҳаракат қилдик. Бизнинг бу масаладаги уринишими кўпроқ Сиз волидайнларимизнинг шахсларингизга эмас, балки Сизларнинг истагингизга мувофиқ равишда қўлдан келганича Аллоҳнинг динига хизмат қилишда бўлди.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

«Ким табиб, бошига тушган табиб», деганларидек, бошга тушгандан кейин ота-онасининг қадрини билиш нимаю, уларнинг инсон ҳаётида, вужудида ва қалбида тутган ўрни нима эканини тушуниб етдик. Ҳа, инсон

ҳаётида ота-онанинг тутган ўрни бошқача экан. Айниқса онанинг ўрни ўзига хос бўлиб, бу ўринни ҳеч ким тўлдира олмас экан. Онасидан ажраган фарзанд мислсиз улкан бир таянчдан, ҳаётининг турли соҳаларини тўлдириб турувчи нарсадан ажрар экан. Эҳтимол, айни шу ҳис туфайли кўпчилик «Онамнинг қадрига етмаган эканман», деб юрса керак.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Хабарни эшитгач, уйга сим қоқиб, йиғлашиб бўлиб, ўтган ҳодисаларнинг қисман тафсилотларини эшитгандан сўнг узоқда бўлганимизга жуда ўқиндим. Ичимдан нималар ўтганини ўзим биламан. Худди шу ҳис-туйғу бошқа яқинларда ва таниш-билишларда ҳам бўлиши турган гап. Ҳатто уйга сим қоққанимизда синглим хунхун йиғлаб, «Бугун худойисини ўтказдик, қариндошлар уйларига кетишди, фақат холам қолди», деганда «Сизлар-ку, қариндошлар билан биргасизлар, биз нима қиласмиш?» деганим эсимда.

Лекин Ҳакийму Хобир бўлмиш Аллоҳ таоло иродаги қилган ҳар бир иш ҳикматсиз бўлмайди. Келгуси ишлар бизнинг узоқда туриб онамиздан ажрашимиз ҳикматини аён қилди. Хабарни эшитган ҳамشاҳарлар, таниш-билишлар бирин-кетин таъзия билдира бошлишди. Шунинг учун ҳам яқин танишлардан бири ўз уйидага очишимишни таклиф қилган экан. Эртаси кечқурунга бориб, ўз одатлари бўйича шомдан кейин эркак-аёл келиб, таъзия билдиришди. Эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида хатми Куръон қилишди. Ҳарами Шарифда доимий равишда Куръон ўқиб ўтирадиган қорилар ҳам келиб, дуо қилишди. Уч кунгача баҳолиқудрат шу ҳолда давом этилди. Сўнгра Сизнинг номингиздан умра қилдик. Умра тавофини қилиб юрсам, таниш уламолардан бири ортимдан келиб, таъзия изҳор қилиш билан бирга, ўзи

ҳам Сизнинг номингиздан тавоғ қилаётганини айтди. Ўзим доимий равишда барча тавофларимни Сизнинг номингиздан қилдим. Тавофларимда Аллоҳдан Сизга мағфират ва раҳмат сўраб турдим. Баъзи биродарлар эҳсон ва хатми Куръон атаб қўйганларини айтиб, сафаримизни кечиктиришни сўрашди. Шундай қилдик ҳам. Башқа юртларда ҳам таниш-билишлар, ёру биродарлар ва шогирдлар томонидан хатми Куръонлар ҳамда дуои фотиҳалар бўлди. Динимиизда ўтганларга фойда берадиган нарса уларнинг ортларидан қилинадиган дуо эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, мазкур нарсалар ниҳоятда муҳим ишлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу бизга таскин берадиган омил бўлди ва ўзимизнинг узокдан туриб Сизнинг вафотингиз туфайли аза очганимиз ҳикмати шунда бўлса керак, деб ўйладик.

**Онахоним!!! Волидаи Мехрибоним!!!**

Сиздан ажраб қолиш мусибати ҳаммамиз учун оғир. Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Бу мусибат Сизнинг қарийб ярим асрлик умр йўлдошингиз, бизнинг Қиблагоҳимизга эса ўзига хос, бошқача таъсир қилибди. Умрларининг кўп қисми мўмин-мусулмонларнинг жанозасини ўқиши, дафнларида қатнашиш билан ўтган бу зот Сизнинг жанозангиз ўқилиши ва дафнингиз пайтида иштирокчиларга мурожаат қилиб: «Халойик, биродарлар, гувоҳ бўлинглар, мен марҳумадан минг марта розиман!» дебдилар. Сизни йўқотганларига кўп ўрганибдилар. Яқин кишиларига «Онамдан ажраб ҳам етимликни сезмаган эканман, Отамдан ажраб ҳам етимликни сезмаган эканман. Энди эса ўзимни ҳақиқий етим сезмоқдаман», деб йиғлабдилар. Узоқ муддат масжидга ҳам бора олмай, хасталаниб қолибдилар. Ҳа, мўмин инсон вафот этса, яқинлари яхши бир одамларидан ажраб қолганлари учун ана шундай қайғу чекадилар. Вафот

этган мүмін банданинг ўзи эса Пайғамбаримиз алай-хиссаломнинг ҳадиси шарифларида зикр қилинганидек, бу дунёнинг ғам-ташвишларидан истироҳат олади. Инишааллоҳ, Сиз ҳам ана шу бандалар қаторига кўшилишингизни сўраб, Аллоҳ таолога дуолар қиласмиш.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳабибимиз, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг амалларингиз вафот этган хеш-акраболарингизга кўрсатилади. Яхши бўлса, улар хурсанд бўлишади, бошқача бўлса: «Аллоҳим! Бизни ҳидоятга согланингдек, уларни ҳам ҳидоятга согмагунингча вафот этдирмагин», дейишади», деб марҳамат қилгандар. Ушбу ҳадиси шарифга асосан тирикларнинг қилаётган ҳар бир иши уларнинг вафот этган қариндошларига, яъни уларнинг рухларига кўрсатиб турилади. Ана шунда тирикларнинг қилган ишлари яхши бўлса, яъни шариатга мувофиқ бўлса, вафот этганларнинг рухлари шод бўлар экан. Биз, Сизнинг акраболарингиз Аллоҳ таолодан мадад сўраган ҳолда доимо шариатга мувофиқ яхши амалларни қилишга ҳаракат қиласмиш. Бу нарса ўзимизга икки дунё саодатини келтириш билан бирга Сиз азизамизнинг рухингизни шод қилишдан ҳам умидвормиз.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадиси шарифларида: «Умматимнинг умрлари олтмиш билан етмишнинг орасидадир. Ундан ўтиб кетадиганлари камдир», деган эканлар. Сиз ҳам ушбу ҳадисда зикр қилинган умр чегарасидан ўтмадингиз. Ўзингиз ҳам «Онам ҳам олтмиш учда сафар қиласманлар. Мен ҳам шунинг атрофида сафар қилсан керак. Агар Аллоҳнинг

иродаси бўлиб, бандаликни бажо келтирсам, онамнинг ёнларига қўйинглар», дер эдингиз. Шуни васият ҳам қилибсиз. Айтган жойингизга олиб бориб қўйишибди. Ниятингизга биноан онаизорингизга қўшни бўлишга эришибсиз. Энам раҳматликнинг қабрларини кўп зиёрат қилганман. Сизни қай тарафларга қўйишганини билмайман, аммо туш кўрдим, иккингиз ҳам таналарингиздан нур тараган ҳолда кулимсираб ётибсизлар. Бирингизнинг бошингиз иккичингизнинг кўксингиз баробарида кўринди. Тушимни яхшиликка йўйдим. Илоҳо, яхшилик бўлсин. Қабрларингиз нурга тўлсин. Ётган жойларингиз жаннатдан бўлсин. Аллоҳ таоло мағфират қилиб, раҳмат айласин.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Мұҳаддис уламоларимиз Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбари миз алайҳиссолату вассалом: «Одам боласи ўлса, амалларидан узилади. Аммо уч нарсадан: садақаи жориядан, манфаат берадиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан узилмайди», деганлар. Биз, Сизнинг фарзандларингиз ҳам ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган солиҳ фарзандлардан бўлиб, ҳаққингизга дуо қилиб туришга, номаи аъмолингизга ёзилиб турган амалларингиз кесилиб қолмаслигига ҳаракат қиласиз. Зотан, бу бизнинг фарзандлик бурчимиздир. Аллоҳ таолонинг Ўзи ушбу бурчни адо этишимизда бизга мададкор бўлсин.

**Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!**

Сиз азизамнинг дорулғанодан дорулбақога риҳлат қилганингиз хабари етганидан бир неча кун ўтиб, Байтуллоҳ живорида туриб, Сиз ҳақингизда бир нарса ёзишни ният қилган эдим. Очигини айтсан, яхши бир нарса ёза олмадим. Умуман, фарзанд учун она ҳақида

марсия ёзиш осон иш эмас шекилли. Энди, бу иш бoshимизга түшгән пайтда ушбу масала юзасидан бирор нарса ўқимаганим, ҳаттокази учратмаганим аёң бўлмоқда. Эҳтимол, онаси вафот этгандан сўнг унга атаб бир нарса ёзиш осон бўлмагани учун ҳам ўтган салафи солихлардан бирор нарса топа олмаётгандирмиз. Лекин аҳд қилганим учун, кўнглимдагидек чиқмаса ҳам ёза-веришни ўзимга эп билиб, йиглаб ўтириб ёзмоқдаман. Оддий ҳолатларда бир кунда ўн-ўн икки сахифа ёзиш мен учун ҳеч гап эмас эди. Ҳозир эса бир кунда бир сахифа ҳам ёза олмай қолдим. Сўз топсам, жумла тополмайман, жумла топсам, йифимни боса олмайман. Чунки мен оддий нарса эмас, Сиз Волидаи меҳрибоним ҳақида хотира ёзмоқчи эдим. Сизсиз ўтган кунларимни ёзмоқчи эдим. Сизнинг мени соғинганларингизни ёзмоқчи эдим. Беморлигингизда Сизни бориб кўра олмаганларимни ёзмоқчи эдим. Вафотингиздан олдин Сизнинг бир оғиз сўзингизни эшита олмай қолганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Вафотингиздан олдин Сизга бир оғиз «Алвидо, Онажоним», дея олмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим, чунки мен Сиз вафот этганингизда ҳозир бўлмаганимни ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда жасадингиз ёнида туриб, кўзимдан ёш тўка олмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда таъзиянгизда иштирок эта олмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда жанозангизни ўқиганлар, тобутингизни кўтаргандар ичида бўлмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим. Сиз вафот этганингизда ўз қўлларим билан Сизни қабрингизга кўя олмаганимни, қабрингиз устида тўйиб-тўйиб йиглаб, тупроғингизни силай олмаганимни ёзмоқчи эдим. Ҳеч бўлмаса Сиз қўйилган қабрни кўра олмаганимни эслаб ёзмоқчи эдим.

Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!

Үзим сезмаган ҳолда ниҳоятда қийин бир ишни қи-  
лишни ирода қилган эканман. Үзимнинг күнглим тўл-  
маган ушбу сатрларни ёзиш давомида кўп нарсани анг-  
лаб етдим. Аввало, Сиз азизамга бўлган чексиз муҳаб-  
батимни англаб етдим. Шунингдек, Сизнинг улуғвор-  
лигингилини англаб етдим. Ҳа, Сизнинг улуғворлигинги-  
лиз камтарлигингида эканини англаб етдим. Сизнинг  
улуғворлигинги камсуқумлигингида эканини англаб  
етдим. Сизнинг улуғворлигинги соддалигингида эка-  
нини англаб етдим. Ушбу ва ҳозир мен айта олмаётган  
бошқа омиллар ҳисобга олинса, ёзаётган нарсам ҳеч  
кўнгилдагидек савияда чиқмаслиги турган гап эди. Шу-  
нинг учун ўзимни маъзур ҳисоб қилдим. Ушбу нарсани  
ўзимиз учун асрар қўйишга қарор қилдим. Кейинчалик  
нима бўлиши Аллоҳга аён.

Онажоним!!! Волидаи меҳрибоним!!!

Аллоҳ таоло Сизни раҳмат айласин! Қабрингизни  
пурнур айласин! Ётган жойингизни жаннат айласин!  
Савол-жавобингизни осон қилсин! Бу дунёда қилган  
ибодатларингизни ва солиҳ амалларингизни ўзингизга  
ҳамроҳ айласин! Сизни йўқлаб қилаётган дуоларимиз-  
ни қабул айласин! Қиёмат куни юзингизни ёруғ айла-  
син! Ўшал кунда Сизга жаннати Фирдавсдан жой ато  
айласин! Ўшал жойда Сизни анбиёлар, шуҳадолар, ав-  
лиёлар ва сиддиқларга ҳамроҳ айласин! Омин!

*Ҳижрий 1419 сана, 26 сафар. Якшанба, соат 9:26.*

*Милодий 1998 сана, 21 июнь.*

\* \* \*

Ливия ўзига хос давлат эди. Иссиқ мінтақада, чүл ўртасида жойлашған учинчи дунё мамлакати эди. Муаммар Қаззофий башчылығыда Италия мустамлакасидан озод бўлган эди. Кейинги ҳолат ҳаммага маълум. «Жамияту даъватил исломия» ташкилоти дин йўлида, айниқса Африка давлатларида яшовчи мусулмон ҳалқлар учун катта ишлар қилган эди. Ҳар йили ўз ҳисобидан кўплаб тала-баларга илм берарди, ҳалқаро анжуманлар ўtkazilarди. Табиати ҳам ўзига хос, одамлари ҳам. Бир куни оиласий дам олиш учун денгиз бўйига чиқдик. Бирдан денгиз устини қоп-қора булат қоплади. Кейин билсак, бу булат эмас, чигирткалар экан. Ям-яшил дараҳтга кўнгач, бир оз фурсатдан сўнг ҳалиги дараҳт қоп-қора бўлиб қолмоқда. Бу ҳам Аллоҳнинг оғатларидан бири экан.

Бу мамлакатнинг сиёсий ҳолати ундан ҳам қизиқ эди. Бир сафар давлат раҳбарини зиёрат қилиш учун 2000 километр йўл босиб боришимизга тўғри келди. Давлат раҳбари душманлардан қўрқиб, бир жойда икки кун ётмас экан. Турли маконларда, чодирда тунар экан. Йўлда биз кетаётган машинани тия босиб кетди. Ҳа, адашаётганим йўқ, машина туюни эмас, тия машинани босиб кетди. Тия келиб, машинамизга тақ этиб урилиб, устимиздан ўтиб, бор гавдаси билан ерга қулади. Тия ётибди. Қани энди ҳалоллаб олиш учун бир пичоқ топилса. Олдимиздаги шерикларимиз сезмай кетаверишди. У пайтларда ҳозирги дагидек телефонлар йўқ эди. Бир оздан кейин қарашса, биз йўқ, ортга қайтиб келиб, бизни ўзларининг машинасида олиб кетишди. Шу кеча чўлнинг ўртасидаги бир меҳмонхонада дам олдик. Эртасига раҳбарнинг хузурига бордик. Дам олаётган экан. Ўз ихтиёри билан турмаса, одатда ҳеч ким уни уйғота олмас экан. Орамизда бир элчи дипломат ҳам бор. У киши нима мақсадда чақирил-

ганини билмай хижолат. Ўзидан хавфда. Вақти келиб, чодирга қабулга кирдик. Раҳбар бир-бир кўз югуртириб, «Муҳаммад Содиқ ўзимизнинг одам. Мана бу ҳам араб тилини тушунади», деди менга қараб. Сўнг: «Бошқалар ҳам тушунишадими?» деб сўради. «Ҳа, тушунишади», дейилгач, гап бошлиди: «Кеча нокулай ҳодиса бўлибди. Аллоҳ сақлабди. Туя араблар учун кулфат бўлди. Ҳодисаларда туюнинг эгаси айбдор бўлса, топиб бўлмайди. Узр сўрайман», деб, сўнг бошқа гапларга ўтди. Дипломатнинг ҳам омади чопди. Вазир қилиб тайинланди.

Сўнгти воқеаларда эса Ливияни вайронга, харобага айлантирилар. Афсус!

Яна ҳаёт йўлида давом этамиз.

Шайх ҳазратлари Ливия, Саудия Арабистони, Туркия мамлакатларида яшаб, илмий фаолиятларини давом эттирилар. Шайх ҳазратлари бошчилигига бир анжуманда иштирок этиш учун Ливиядан Чад давлатига бордик. У ерда шайх ҳазратлари Муаммар Қаззофий билан бирга туриб, 2000 дан зиёд одамга калима айттирган эдилар.

Бир сафар Нигер давлатига бордик. Устига «Халқаро аэропорт» деб ёзиб қўйилган бинони биздаги молхоналарга қиёслаш мумкин эди. Күёш кумдан чиқиб, кумга ботади. Таржимондан «Оқар сув борми?» деб сўрадик. «Бор», деди. «Қаерда?» деган эдик, «Биздан 1000 километр узоқда», деб жавоб берди. Биз Аллоҳ таолога қанча шукр айтсак, оз экан. Ватанимизда тўрт фасл алмашиб туради. Ҳар қадамда оқар сувларга, анҳору дарёларга дуч келамиз. Еримиз ҳосилдор, халқимиз меҳнаткаш. Шундай кунларда Ватанга қайтиш ҳақида гап чиқиб қолди. Биз ўзаро маслаҳат қилдик. Шайх ҳазратлари: «Қаерда халқимизга фойдамиз тегса, ўша ерда бўламиз», дедилар. Қайтишга қарор қилдик.

## ВАТАНГА ҚАЙТИШ

Ватанга қайтиш... Нақадар жарангдор, нақадар тотли, ширин сүз! Биз қанча вақт хорижда яшаган бўлсак, киндиқ қонимиз тўкилган Ватанини бир дакиқа ҳам ёддан чиқармадик. Биз учун гўёки асрлар ўтгандек бўлди. Ҳақиқатда ҳам, икки аср ўтибди. 1993-2000 йиллар – бир асрнинг охири, иккинчи асрнинг бошланиши. Биз учун айрилиқ онлари ана шундай узоқ кўринди.

Алҳамдулилаҳ, яна она Ватан оғушидамиз. Шайх ҳазратларидан ташқари ҳаммамиз 1999 йил май ойида Ватанга қайтдик. У киши ўзлари масъул бўлган ишларни топшириб, 2000 йилда кириб келдилар. Қайтишлари байрамга айланиб кетди. Ҳамма хурсанд, Аллоҳга шукр айтган ҳолда кутиб олдик.

Ватан қадрини Ватандан узоқда, Ватан ҳасратида яшаганлар билади. Халқимиз «бошидан ўтган табиб» деб бекорга айтмаган. Кўпчилик яқинларимиз «Нима учун қайтиб келгансизлар?» деган савол билан мурожаат қилишади. Саволга «Бола-чақа, оила, дўст-ёр, Ватан шу ерда бўлса, нима учун келмайлик?» деган савол билан жавоб қайтараман. Бошқа юртларда бошқа тилда, тилингни бураб, қийналиб гапирасан, асқия, ҳазилни тушунишмайди, кўнглингни очиб, дилдан сухбат кура олмайсан. Сизларга ўхшаган қадрдонлар йўқ. Ўзига яраша муаммолар бор. Мана, ҳозир – кўшни қишлоққа ўтсанг, мусофирсан. Аллоҳ таоло бекорга мусофирларга намозни қаср ўқиши буюрмаган. Мусофирчиликнинг ўзига яраша маشاқкатлари бўлади...

**Биз эса яна Ватандамиз!**

Шайх ҳазратлари Ватанга қайтгач, янада кўпроқ кучкуват, ғайрат, шижаот билан ишларини келган жойидан

давом эттирилар. Расмий ишга таклифлар бўлди, лекин кўнмадилар, «Ғаламислар яна дийдиёсини бошлайди», дедилар. У кишининг мақсадлари аввал ҳам амал, мансаб эмас эди, мақсадлари динимизга, халқимизга, жамиятимизга хизмат қилиш эди. Ватанга қайтгандан кейин ҳам бу олий мақсадлари ўзгармади, уни амалга ошириш учун бошлаган ишларини давом эттирилар. Шу пайтгача тўпланган тажриба ва билимларини ишга солдилар. Одатда шайх ҳазратлари биздан бир қадам олдинроқда юрадилар, келажакни кўра билардилар. Атрофда бўлаётган воқеаларга тийрак кўз билан боқар, чукур мулоҳаза қилас, ҳар қандай ишнинг иложини, чорасини топар эдилар. Мисол учун, ўша даврдаги ҳолатни эътиборга олиб, «Дин насиҳатдир», «Ихтиофлар ҳакида» номли китобларни таълиф қилиб, чоп эттирилар. Натижада қанчадан-қанча адашган ёшларимиз тўғри йўлни топиб, жамиятга, халқимизга хизмат қиладиган шахсларга айландилар. Динимиз нимага буюрган бўлса, шайх ҳазратлари ўша нарсани қилас, бошқаларни ҳам шунга буюрадилар.

Кўпчиликнинг илтимосига биноан «Зикр аҳлидан сўранг» ойлик рисоласини чоп эттиришни йўлга қўйдилар. Кейинчалик бу кичик-кичик ойлик рисолалар тўпланиб, бир нечта жилдлик катта китоб шаклида қайта нашр қилинди. Кўпчилик ўқувчилар ўз саволини бериб бўлгач, «Шу масалада сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим», деб мурожаат қилишарди. Шайх ҳазратлари жавоб беришдан олдин «Менинг фикрим эмас, Аллоҳ таолонинг буйруғи, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари, шариатимиз ҳукми», деб таъкидлаб қўярдилар. Бу қисқагина жумла халқимизнинг динимизни ўрганишида, унга амал қилишида катта аҳамиятга эга эди.

Шайх ҳазратлари доимо замон билан ҳамнафас эдилар. Ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда замон билан ҳамнафас ижод қылдилар. Интернет оламида *islom.uz* сайтини очиб, уни катта бир порталға айлантирудилар. Ислом динини ривожлантириш ишини замонавий рухда олиб бордилар. Бу ишлар айниқса ёшларнинг Ислом динини ўрганишларида кўл келмоқда.

Олиб бораётган фаолиятларини ривожлантириш учун барча имкониятларини ишга солишга ҳаракат қылдилар. Бунинг учун биринчи навбатда нашриёт очиш мақсад қилиб қўйилди. Зеро, қилинаётган ишларнинг кўлами шу даражада кенг, ёзилаётган китоблар шу даражада кўп эдики, уларни халққа тезроқ етказиб бериш учун алоҳида нашриёт очиш лозим эди. Шу тариқа «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти ташкил қилинди. Босмахона учун энг сўнгти русумдаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олинди, уларнинг кўпчилиги хориждан келтирилди. Босмахона биноси, нашриёт идораси замонга мос равишда тъмирланди. Босмахона биноси тайёр бўлгач, нашриёт ишга туширилди. Китобларни сифатли, замон талабига мос қилиб чиқариш мақсадида иқтидорли, малакали мутахассислар танлаб олинди. Нашриёт билан бир қаторда овоз ёзиш студияси, компакт дисклардан нусха кўчириш бўлимлари ишга туширилди. Китоблар билан бир қаторда овозли ва тасвирили ёзувларни ҳам халққа етказиб бериш йўлга қўйилди.

### КЕЛИНГ, ИБРАТ ОЛАЙЛИК

Мана, хурматли ўқувчи, сиз билан биз шайх ҳазратларининг туғилган пайтларидан бошлаб то етук аллома бўлиб етишгуналаригача бўлган ҳаёт йўллари, илмий

фаолиятлари билан танишиб чиқдик. Хўш, бундан мақсад нима? Мақсад кўп. Шулардан энг асосийси – бир инсоннинг ҳаёт йўлидан ибрат олиш, фарзандларимизни эътиқодли, илмли қилиб тарбиялаш йўлида нималарга эътибор бериш кераклигини озми-кўпми ўрганиш. Ўқиганларингизни яна бир бор таҳлил қилиб кўринг-а, ушбу ҳаёт манзарасида бирорта Исломга зид, ҳатто жамият қонунларига тўғри келмайдиган ҳолатни учратдингизми?

Келинг, ўтган умрга – Шайх ҳазратларининг ҳаёт ва фаолиятларига ибрат назари билан зеҳн солайлик-да, ушбу саволга жавоб қидириб кўрайлик. Шайх ҳазратлари мусулмон, покиза бир оиласда таваллуд топдилар. У кишини тарбия қилган ота-оналари ҳам исломий тарбия топган эдилар. Фарзандларини ҳам Ислом талабларига биноан тарбияладилар. Биринчи навбатда у кишига Муҳаммад Содик деб чиройли исм кўйдилар. Қулоқларига аzon, иқомат айттиридилар, чақалоқнинг қулоғига биринчи кирган калима Аллоҳнинг исми бўлди. Расуллуллоҳнинг суннатларига биноан ақийқасини қилдилар. Ёшликларидан халқумларини тоза сақлашга ҳаракат қилишди. Оналари у кишига таҳоратсиз кўкрак тутмадилар. Суннатга мувоғиқ ҳатна қилдирдилар. Энг асосийси, чиройли, гўзал, исломий тарбия бердилар. Бешикдаги давридан бошлаб Куръони Карим тиловатини эшитиришни одат қилдилар. Ота-оналари қучоқларида олиб ўтириб, Куръон ёдлатдилар. Ёшлигидан илмга меҳрли қилиб тарбияладилар. Фарзандлари ҳаққига тинмай дуода бўлдилар. Ота-она фарзандлари олдидаги ўз бурчларини қўлдан келганича адo этдилар. Фарзанд ҳам шунга яраша бўлди. Эсини таниганидан бошлаб илм олишга тиришди. Балоғат ёшига етмай туриб намозини ўқиб, рўзасини тута бошлади. Ислом арконларига оғишмай амал қилди. Мен у киши ҳақидаги хотираларимни сарҳисоб

қылар эканман, ҳаётлари давомида гуноҳи кабира тугул, бирорта ношаръий иш қылғанларини ҳам эслай олмадим.

Юқорида тафсилоти келтирилганидек, кишилар фирмаларга бўлиниб, тарафма-тараф бўлиб кетган алғов-далғов пайтлар. Бир куни домлалардан бири елкасининг бир томонини чиқариб, иккинчи тамонини пастлатиб, ранги бўзарган ҳолда келиб:

- Муфтий қайси тараф? – деб менга дағдаға қилди.
- Биз мусулмонлар, намоз ўқийдиганлар тарафида миз, – дедим.
- Йўқ, қайси тараф, қайси фирмадасизлар, демоқчиман, – деди.

– Биз Аҳли сунна вал жамоа мазҳабидамиз. Мақсад нима? Агар муфтийнинг қилаётган ишларидан бирон-бир оятга ёки ҳадиси шарифга тўғри келмайдиган ишни топиб, ҳужжати билан исботлаб берсангиз, акамни ўз кўлим билан ташқарига етаклаб олиб чиқиб қўяман, – дедим.

Ҳалиги одам лом-мим дея олмай, орқасига қайтиб кетди.

Сайловолди учрашувлари бўлаётган вақт. Ёзувчилар уюшмасида зиёлилар билан учрашув ўтказмоқдамиз. Номзодга ёзма саволлар тушмоқда. Муфтий ҳазратлари бир саволни ўқидилар: «Муфтий ҳазрат қачон «Бирлик» партиясига аъзо бўлади?» Жавоб шундай бўлди: «Кўлимизда Китобимиз – Қуръонимиз бор. Пайғамбаримиз бор, шариатимиз, динимиз бор. Партия дегани уч-тўрт киши бир хонага кириб олиб, низом ёзиб, тузилган нарса. Бу низомни ўзгартирса ҳам бўлаверади. Бизники ўзгармайди. «Бирлик»нинг раҳбарлари қачон намоз ўқисалар, ўшандা ўйлашиб кўрармиз». Қарасам, савол билан мурожаат қылган жаноб хижолатдан стол-нинг остига кириб кетай деяпти.

Шайх ҳазратлари ҳеч қачон бирорта сиёсий гурух, партия, ҳизб, фирмә тарафида бўлмаганлар. У киши-нинг аниқ шиорлари бор эди: «Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Куръон ва Суннатни ўрганиб, амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солих – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, бағрикенглик ва биродарлик руҳини тарқатиш. Диний заводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирмачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъатхурофотларни йўқотиш». «Очиқ хат», «Васатия – ҳаёт йўли» каби китоблари ва бошқа мақолалари у киши-нинг бу борадаги дунёқарашларини кўрсатиб турибди.

Ақийда мазҳаблари – имом Могуридийнинг мазҳаби. Фижқий мазҳаблари – имоми Аъзамнинг мазҳаби. Демак, тўғри йўл танланган, охиригача шу йўлдан юришда давом этилади.

Шайх ҳазратлари ҳақиқий тасаввуф шайхларидан эдилар. Доимо таҳорат билан юрадилар. «Таҳорат баданни покласа, тасаввуф қалбни поклайди», дер эдилар. Таҳоратлари синиши билан дарҳол янги таҳорат қилиб олишни одат қилган эдилар. Кундалик вирдларини, зикрларни канда қилмасдилар. Маслаҳат сўраганларга тўғри йўл кўрсатар эдилар. Тасаввуф ҳақидаги қарашларини ўзлари таълиф қилган «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Накшбандия» ва бошқа китоб ҳамда мақолаларидан билиб олиш мумкин. Фарз намозларини имкон борича жамоат билан ўқишига ҳаракат қиласдилар. Ёлғиз ўқисалар, намоздан сўнг узоқ муддат зикр, тасбех айтиб ўтирадилар. Бошқаларни ҳам доимо зикр айтиб юришга буюрадилар. Кун тартибларини аниқ белгилаб олган эдилар. Бирорга ваъда берсалар, ҳеч қачон хилоф қилмасдилар. Бирор жойга бормоқчи бўлсалар, келишилган соатда тайёр бўлиб, кутиб турардилар. Саҳар-

лаб, соат уч-уч яримларда уйғонардилар. Ибодатларини қилиб бўлгач, ижодга, ёзишга ўтирадилар. Ҳар куни 13-14 саҳифа ёзардилар. Агар бирон сабабга кўра режа ўзгариб қолса, эртасига гўё қазо намозни ўқигандек, режага етказиб ёзиб кўярдилар. Бир куни «Ўзингизни қийнаб нима қиласиз? Бир кун эрта бўлмаса, бир кун кеч бўлар», дедим. «Йўқ, шундай-шундай қилиб, қолиб кетади», дедилар. Сафарлари кўпайиб ёки бошқа сабаблар бўлиб ёзолмай қолсалар, «Мени кўп бундай ишлар билан машғул қилманглар. Шунча вақт ичида фалон саҳифа ёзган бўлардим», деб нолиб қолардилар.

Меҳмонларнинг ташрифи учун маҳсус вақт ажратиб кўйган эдилар, одамларни ана шу вақтда қабул қиласидилар. Охирги вақтда бир кунда фақат бир маросим учун вақт ажратар эдилар. Қолган пайтларда бошқа муҳимроқ ишлар билан машғул бўлардилар. Вақти-вақти билан водий томонларга, шунингдек, бошқа вилоятларга сафар уюштириб турадилар. Борадиган жойлари бир неча кун аввал белгилаб, ёзиб кўйиларди. Кимникига, қандай маросимга боряптилар, олдиндан билмас эдилар. Масъуллик каминанинг зиммасида эди. Яқин қолганда «Фалончиники, фалон маросим», деб айтардим. Ҳолатга қараб, жуда ўринли мавъиза қилиб берардилар. Маросимга, тўпланган жамоатга, ҳолат тақозосига қараб гапирадилар. Жамиятдаги долзарб масалаларни назардан четда қолдирмас эдилар.

Доимо талабаларни ўқитиш билан машғул бўлардилар. Талабалар илм савиясига қараб табақага бўлинарди. Гапирганда ҳам, ёзганда ҳам ўзларининг савиясида эмас, эшигувчининг, ўқувчининг савиясини ҳисобга олган ҳолда ёзар ёки гапирадилар. Агар ёзган китоблари ни ўқиётганда бирор савол пайдо бўлиб қолса, ё ўша саҳифада, ёки сал кейинроқ ўша саволга жавоб топиларди.

Вақтни ниҳоятда қадрлар әдилар. Ёшликларидан вақтнинг қадрига етиб иш қиласылар. Ҳатто таомла-нишда ҳам ўтаётган вақтларини хисоб-китоб қилиб турардилар. Овқат танламас әдилар. Қандай овқатта таклиф қилинсалар, тановул қилиб, шукр айтардилар. Биродарлар билан уюштириладиган гап-гаштакларда, турли ўтиришларда ҳам бирор мўътабар китобни ўқиб, унинг маъносини баён қилиб берар, бу нарсаларни магнит тасмасига ёзишни ҳам ташкил қиласылар әдилар. Кейин-чалик шогирдлари бу ёзувларни жамлаб, китоб шаклига келтиришарди. Рамазон ойларида масжидларда қилинган ваъзлари ҳам шу услубда видеотасвирга олиниб, ке-йин улар асосида видеофильмлар тайёрланар эди.

Ҳаётлари давомида тез-тез бўлиб турган сафарлари-да ҳам ё овоз ёзиш мосламасига бир нарсаларни ёзар, ё китоб мутолаа қиласылар әдилар. Бирор кун бекор қолмасдилар. Дунё хабарлари, спорт янгиликлари, иқтисодиётдаги ўзгаришлар, сиёсий янгиликлар, кўйингки, ҳамма-ҳаммасидан ўз вақтида хабардор бўлиб турардилар. Буларнинг ҳаммасига қандай қилиб улгураларига ҳамма ҳайрон қоларди. Ҳеч нарса эсларидан чиқмасди. Хотиралари ҳайрон қоларли даражада кучли эди. Айниқса китоб борасида ҳассос әдилар. Бирор китоб ҳақида сўз кетса, унинг муқоваси, ранги, муаллифи, номи, саҳифалари – ҳамма-ҳаммасини айтиб берардилар.

Эътибор берсак, болалик, ўкувчилик, талабалик даврлари рисоладагидек ўтган экан. Энди устозлик, таржимонлик фаолиятлари, китоб ёзишни бошлаганла-ри ҳақида тўхталиб ўтсак.

Устозлик – ниҳоятда фахрли касб. Айниқса, устози кулл бўлиш. «Устози кулл» деб шогирдлари ҳам устозлик даражасига етган устозларга айтилади. Бундай баҳтга ҳамма ҳам мушарраф бўлавермайди. Устоз бўлиш,

бўлганда ҳам, Аллоҳнинг каломини, динини, Пайғамбари ning ҳадисларини ўргатиш – бу садақаи жориядир.

*Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

*«Набий соллашоҳу алаиҳи васаллам: «Энг яхшингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатган кишиидир», дедилар.*

*И мом Бухорий ривоят қилган.*

Фийсабиллаах, яъни Аллоҳ йўлида устозлик қилиш эса баҳтдир, икки дунё саодатидир. Шайх ҳазратларининг талабаларга дарс бериш услублари, дарс дастурларига киритган янгиликлари мадрасаларда, диний ўкув юртларимизда кўпгина ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган. Талабалар билимларини ошириб, ўкув юртларининг обрўсини қайта тиклаган. У киши давлат муассасаларида расмий дарс бериш билан бирга мустақил дарс беришни ҳам давом эттирганлар.

Шайх ҳазратлари оммавий ахборот воситалари учун, матбуот учун мақола ёзишни «Совет Шарқи мусулмонлари» журналида ишлаб юрган пайтларида бошлаганлар. Ушбу журналда илк бор Атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида туркум мақолалари, «Муҳхил оят» («Оятларнинг мағзи») деб номланган, бир қатор оятларнинг тафсири баён қилинган мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, турли сафар таассуротлари ва бошқа мавзудаги мақолалари ҳам босилган. Ливиядаги «Иймон» номли журналда диёrimiz ҳақида катта ҳажмдаги мақолалари чоп қилиниб, анча шов-шувларга сабаб бўлган. У вақтда чет элда бундай мақолаларнинг чиқиши нодир ҳолат ҳисобланар эди. Ўша даврларда диний масалада қалам тебратадиганлар йўқ ҳисоби эди. Негадир ҳозир ҳам бу мавзуда ёзадиганлар камчилик. Борлари ҳам таржима, кўчирмачиликдан нарига ўтмаятти. Шайх ҳазратлари ҳеч ким қилмаган ишни йўлга кўйдилар. Кўплаб шо-

гирдларини ҳам шу йўналишга йўлладилар. Ўзлари ҳар қандай инсоннинг, айниқса зиёлиларнинг, ёзувчиларнинг ҳаваси келадиган даражада кўп ва хўб ёздилар. Бу меҳнатлари ортида мансаб, мукофот, бойлик ётмади. У кишининг ҳеч қандай унвонлари ҳам йўқ эди. Мақсадлари фақат Ислом динига, мусулмонларга хизмат қилиш эди. Мана шуни садақаи жория дейилади.

Муҳаммад Содик акам жуда ҳам меҳрибон ака эдилар. Айниқса, синглимиз Тожинисохонга меҳрибонликлари бошқача эди. Менинг ҳаётдаги йўлчи юлдузим эдилар. Ҳар доим орқаларидан етиб олишга ҳаракат қиласдим, аммо ета олмасдим. Ҳали ҳам ета олмаяпман. Ета олмасам ҳам керак.

Вояга етиб, уйландилар, оила қурдилар, келин ая билан баҳтли ҳаёт кечирдилар. Уларнинг оиласи ҳавас қиласа арзийдиган, баҳтиёр оиласалардан бўлди. Икки ўғил, икки қиз фарзанд кўрдилар. Бир ўғиллари чақалоқлигига вафот этди. Фарзандларини динимизга, халқимизга, жамиятимизга фойдаси тегадиган шахслар қилиб тарбияладилар.

Демак, шайх ҳазратлари ўзларининг эрлик, оталик бурчларини ҳам аъло даража бажарган эканлар. Қайнона сифатида ҳам ҳаммага ибрат бўларли даражада эдилар. Келинларига бирор марта қаттиқ гапириб, қўпол муомалада бўлмаганлар. Набираларининг тарбиясига алоҳида эътибор берардилар. Ҳозирда бир нечта набиралари Қуръони Карим хофизлари бўлишди. Аллоҳ хайрли қилсин!

Акам раҳбар, бошлиқ, миллат вакили сифатида ҳам катта ишларни қилганлар. Булар ҳақида юқорида айтиб ўтдик.

Ҳаётларининг маълум қисми хорижда ўтди. У ерларда кўплаб машҳур кишилар, давлат раҳбарлари, олиму

уламолар билан мuloқотда бўлдилар. Ислом оламидағи қўпгина ташкилотларга аъзо бўлдилар. Аммо оиласизга, халқимизга, ўз шахсларига гап тегадиган бирон-бир иш қўлмадилар. Аксинча, доимо мақтovга, обрўта, халқнинг ҳурмату эҳтиромига лойиқ бўлиб яшадилар. У киши сазовор бўлган кўп сонли мукофот, орден ва медаллар орасида Ливиянинг «Буюк фотих» олий ордени ҳам бор эди. Лекин яна бир бор айтамиз, у кишининг мақсадлари булар эмасди. Мақсадлари Ислом динига, мусулмонларга, жамиятга хизмат қилиш эди. Алҳамду-лилаҳ, мақсадларига етдилар.

Инсоний сифатларига келсак, акам оддий бир инсон эдилар. Бирон марта фаҳрланиб, мақтangанларини эслай олмайман. Ҳамма билан бир хилда муомалада бўлардилар. Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қи-лардилар. Одамларни камбағал ёки бой, мансабдор ёки мансабсизга ажратмасдилар. Келин аянинг таъбири билан айтганда, ўзлари ёзган китоблар руҳи билан яшардилар. Бир сўз билан айтганда, комил мусулмон инсон эдилар.

### ДАДАЖОНИМ, ПАДАРИ БУЗРУКВОРИМ

Дадамиз тўғрисида юқорида бироз сўз юритдик. Лекин бундай улуг зот ҳакида қанча гапирсак оз. У киши Аллоҳнинг назари тушган зот эдилар. Оддий чўпонликдан имомлик даражасига етган эдилар. У киши бир масжидда қирқ беш йилдан ортиқроқ хизмат қилган эдилар. Бу айтишга осон. Келинг, тасаввур қилиш учун у кишининг ҳаётларига бир назар ташлайлик. Булоқбошидаги «Қирғизбой» масжидида дадамга қадар икки йил ичида 17 нафар имом-домла алмашганининг ўзи анчагина нарсани аён қилса керак. У кишининг ниҳоят-

да қийин бир даврда масжид биносини таъмирлаганлари, янги бинолар қурдирғанлари ҳақида юқоридаги саҳифаларда батағсил гапирғанмиз. Қанча-қанча шогирдлар етиштирганлари ҳақида ҳам баён қылғанмиз. У кишининг шогирдлари ниҳоятда кўп бўлган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам динимизга, жамиятимизга, халқимизга хизмат қилиб келмоқдалар.

Дадам жамоат ишларида фаол иштирок этар, пахта йиғим-терими даврида оқсоқолларни далага олиб чиқардилар. Ҳатто бир муддат вилоят миқёсида миллат вакиллигига ҳам сайланғанлар. Ҳажга саноқли кишилар борадиган даврлар. 1967 йилда илк маротаба, кейинчалик, умрлари давомида бир неча маротаба ҳажва умра ибодатини адо қилдилар. Ҳатто Каъбаи Муаззаманинг ичига кириш бахтига ҳам мұяссар бўлдилар. Бизни – фарзандларини исломий рухда тарбияладилар. Натижа барчага маълум. Акам Мұхаммад Содикнинг биринчи устозлари эдилар. У киши етук аллома бўлиб етишишлари учун дадам ҳам маънавий, ҳам молиявий томондан қўллаб-қуватладилар, айниқса бунда дуоларининг аҳамияти катта бўлди. Дадам умрларида бирон марта меҳнат таътилига чиқмаганлар. «Дада, дам олмайсизми?» десак, «Ўғлим, одам намоз ўқишдан ҳам дам оладими? Менинг дам олишим – ибодат, ҳажга бориш», дер эдилар. Доимо халқ хизматида эдилар. Ҳозирги кунда ким билан гаплашсам, дадамни: «Ҳожи дада мен билан жуда қадрдон эдилар, бирор нарсани илтимос қилсам, ҳеч қачон йўқ демасдилар», деб эсга олади. Мен эса: «У киши ҳамма билан шундай муносабатда бўлғанлар», дейман.

Ниҳоятда тақволи, ибодатли зот эдилар. Фарз амаллардан ташқари қўшимча ибодатлари ҳам бисёр эди. Бирор ишга қўл урсалар, энг аълосини қилардилар. На-

биralарига ақийқа қиладиган бўлсалар, меҳмонлари мадраса талабалари бўларди. Биздан ортиб набираларининг қўпчилигини ҳам ўқитиб, тарбияладилар. Умрларининг охиригача «Сизлар Исломга хизмат қилсанглар, мен сизларга, болаларингизга, ойлангизга хизмат қиласман», деган гапларида содик қолдилар. Жисмонан бакувват, серғайрат инсон эдилар. Умрларининг охирига қадар кўзойнак, асо тутмадилар. Мухлислиридан бири: «Менга ҳожи даданинг ҳассаларини берсангиз», деб илтимос қилди. Мен табассум қилиб, кулган эдим, ажабланиб, «Нима учун куласиз?» деб сўради. Мен: «Дадамиз асо тутмасдилар», деган эдим, ишонмади.

### ЯНА БИР ОГИР АЙРИЛИҚ

Дадам ҳар доим Аллоҳдан: «Аллоҳим, кўр қилиб, термултириб кўймагин. Шол қилиб, ётқизиб кўймагин...» деб сўраб, дуо қиласдилар. Аллоҳ ниятларига етказди.

2004 йил 3 сентябрь. Жума куни. Дадам бир маросимдан келдилар. Ўша куни Қодирали тоғам меҳмон бўлиб келган, уйдагилар таом тайёрлашган экан. «Дада, овқатланиб олинг», дедим. «Ўғлим, мусулмонлар қараб қолишади. Сизлар овқатланиб, кейин борарсизлар, мен борай. Аллоҳ хоҳласа, келиб таомланарман», дедиларда, жума намозига жўнадилар. Ҳайдовчимиз Шарофиддин дадамни масжидга олиб бориб, қўйиб келдилар. Бир оздан сўнг биз ҳам етиб бордик. Дадам шиддат ва эҳтирос билан ваъз қилаётган эканлар. Мен ҳали жой топиб ўтиришга ҳам улгурмаган эдим. Бирдан жим бўлиб қолдилар. Югуриб, одамларнинг орасидан ўтиб, олдиларига бордим. Мехробда, масжид меҳробида бир томонга суюниб қолибдилар. Дарҳол кўтариб олиб,

одамлар ёрдамида ташқарига олиб чиқиб кетдик. Мен нима бўлганини ўша заҳоти тушундим, лекин жамоат безовта бўлмаслиги учун билдириласликка ҳаракат қилиб, «Шифохонага олиб борамиз», дедим. Шифохонага олиб бордик. Шифокорлар ҳам шошиб қолишди. Менга хабарни қандай қилиб айтишни билмай туришган эди, «Шариатимиз кўрсатмасига биноан жағларини танғиб қўйинглар», дедим. Ўша заҳоти акамга ва бошқа яқинларимизга хабар қилдим...

Аллоҳнинг иродасини қаранг! Жума куни масжидда, меҳробда ваъз айтадиги, омонатини Ўзига топширса. Қандай баҳт! Аллоҳ Ўз раҳматига олган бўлсин! Омин!

Жамоат намозига кетаётганимизда дадам масжид рўпарасидаги қабристонга қараб: «Бу ерда қандай баҳтли одамлар ётибди. Ҳар бир ўтган мусулмон, ҳар бир намоз ўқиган инсон дуо қиласди», дер эдилар. Шу гаплари эсимга тушиб, Карим ҳожи акамизга: «Қаранг-чи, масжид олдидаги қабристонда бирорта бўш жой бормикан?» деб илтимос қилдим, чунки бу қабристонга дафн қилиш тўхтатилганига анча бўлган эди. Қарасалар, кираверишда бўш жой бор экан. Эртасига эрталаб ўша ерга, ўзлари орзу қилгандаридек, баҳтлиларнинг сафига дафн қилдик. Аллоҳ жаннати бандаларидан қилган бўлсин! Омин!

Дадамнинг жанозаларига борганлар эслашса керак, акам ушбу жанозага тўпланган улкан оломон олдида кўзларида ёш билан мисли кўрилмаган бир ваъз иршод қилган эдилар. Ижозатингиз билан ушбу ўринда ушбу ваъзнинг матнини келтирамиз.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

«Иннаа лиллаахи ва иннаа илайхи рожиъун» – «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз» (*Бақара сураси, 156-оят*).

**«Куллу нафсин заақотул-мавт, сумма илайнаа туржашын» – «Ҳар бир жон ўлимни тотувчиидир, сүңг Бизга қайтарилурсиз» (Оли Имрон сураси, 185-оят).**

Азиз мүмин-мусулмон биродарлар, Қиблагоҳимизни охирги йўлга кузатиш учун келган юртдошлар!

Ҳозир сизлар жанозаларини ўқимоқ учун тўпланиб турган зот буюк бир зот эди. У киши бундан саксон бир йил олдин дунёга келдилар. Мўмин-мусулмон оиласда ҳалол меҳнат билан ўсдилар. Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида, сўнгра Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида ўша вақтдаги кўзга кўринган уламолардан шаръий илмларни ўргандилар. Ҳали талабалик чоғларидаёқ катталарнинг назарига тушдилар, янги очилиб, ислоҳ қилинаётган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд даргоҳида бир йил давомида хизмат қилдилар. Бу ерда у кишида кўпгина файзу футух, тариқату сулук, зикру ибодат файзи ҳосил бўлди.

Сўнгра, таътиллардан бирида, фақат таътил пайтида туриш шарти билан, ушбу масжидга вақтинчалик ишга кўйилдилар. Лекин қисқа муддат ичида бу ерда турган мўмин-мусулмонларнинг ота-боболари Диний идорага арз билан бориб, у кишининг шу ерда қолишлирини қаттиқ талаб қилдилар. Шундан сўнг улар шу ерда қолиб, қирқ беш йил давомида мана шу масжидда имомлик қилдилар, ҳалқнинг хизматкори бўлдилар. Қиблагоҳимиз 1967 санада оз сонли кишилар ичида биринчи марта ҳаж ибодатини адо этдилар. Шундан кейин Аллоҳ имкон бериб, ҳаж йўллари очилгандан сўнг бир неча марта ҳаж ва умрага бориб, ибодатларни қилиш баҳтига мушарраф бўлдилар. Мана шундай сафарлардан бирида Каъбаи Муаззаманинг ичига кириб, сиз азизларнинг ҳақларингизга дуо қилиш шарафига ҳам мұяссар бўлдилар.

«Олимнинг ўлими – оламнинг ўлими» дейишади. Бугун бир олим вафот этди, бу катта бир мусибат бўлди. У киши умрларининг охиригача ўзларининг илмларини Ватан, халқ, мўмин-мусулмонлар учун сарфлашга ҳаракат қилдилар. Олган илмларини шогирдларига, фарзандларига бериб, умр бўйи таълим-тарбия билан хизмат қилдилар. Одамларнинг таълим-тарбияли бўлиб ўсиб-унишларига ҳаракат қилдилар. Шунингдек, биз фарзандларни ҳарфма-ҳарф, сўзма-сўз, жумлама-жумла ўқитиб, орқамиздан юриб ўргатиб, шу даражага етказдилар. Бугун улуғ бир инсондан ажраб қолдик. У киши олим бўлишлари билан бирга обид ҳам эдилар. Нафл ибодатларни жуда кўп қиласидиган зот эдилар. Кечалари юзлаб ракъат таҳажжуд намозларини ўқишни одат қилган эдилар. Ўзлари олган сабоқлардаги зикрларни ўрнида адо этар эдилар. Аллоҳ таоло ибодатларини қабул қилиб, мезонларида тош босадиган амаллардан қилган бўлсин!

Киблигоҳимиз халқнинг хизматида эдилар. Дин хизматини ўз шахслари ва оиласларидан устун қўярдилар. Ҳатто оиласларига кеча айтган охирги сўзлари ҳам: «Болам, халқ кутиб қолмасин, тезроқ борайин», деган гаплари бўлди. Халқقا охирги айтган сўзлари: «Фақат пок инсон жаннатга киради», деганлари бўлди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг пок бандалари қаторида жаннатдан жой олишларини насиб қилсин!

Азизлар! Биз бугун нафақат бир имомдан, бир олимдан, балки юртимизнинг бир дуогўйидан ҳам ажраб қолдик. Бу киши умр бўйи катталарининг дуосини олиб яшадилар, ўзлари ҳам ҳаммага дуогўй эдилар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло дуоларини қабул қилган бўлсин! Бундан кейин ҳам у зотнинг қилиб юрган дуоларининг мақбул бўлишини доим насиб этсин!

Азизларим! Сиз билан биз жанозаларини ўқиши учун түпланиб турған бу зот ўта камтарин зот әдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалломнинг суннатларига амал қилиш учун бутун вужудлари билан ҳаракат қиласылар. Парвардигори оламнинг Каломини ўқишини, ўқитишни, татбиқ қилишни ўзларига шиор қилиб олган әдилар. Парвардигори олам қылган барча хизматларига берадиган ажрни, савобни күпайтириб берган бўлсин! Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг дини йўлида қирқ беш йил имом бўлиб хизмат қилиб, ўз ҳамкасларига, аҳбобларига: «Мен қирқ беш йил имомлик қилдим, Аллоҳга беҳад ҳамду санолар бўлсин. Энди ниятим масжид хизматининг охирида, масжидда вафот этиши», деган әдилар. Кеча, Аллоҳнинг улуғ кунида, мискинларнинг ҳажи бўлган кунда, жума кунида ўзининг севимли ҳалқига маъруза қила туриб жон бердилар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у кишини ҳусни қабул айлаб, жойларини жаннатдан қылган бўлсин!

Азизларим! Сиз билан биз бугун жанозаларини ўқишига тайёрланиб турған зот жуда қўп яхшиликлар қылган әдилар. Мана шу масжидларингизнинг курилишини охирига етказишига астойдил ҳаракат қылган әдилар. Бошқа масжидларнинг битими бўлганида ҳам шунинг орқасидан юрган әдилар. Доим амаллари садақаи жория бўлиши учун ҳаракат қиласылар әдилар. У кишининг тавозеълари, хайр-эҳсонлари ва камтарликлари ҳаммангизга маълум. У киши ҳаммангизнинг хизматингизда бўлганлар, ҳаммангизни хурсанд қилиш учун ҳаракат қылганлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу ҳаракатларнинг, қылган хизматларининг ажру савобини ўзи кўпайтириб берган бўлсин!

\* \* \*

**Азизим, дадажон! Қиблагоҳим! Қирқ беш йил беш вақт намозга қатнаган йўлингиздан ҳозир сизни севган қавмингиз елкаларида кўтариб олиб келишди. Қирқ беш йиллик охират йўлингиз охирiga етди.**

**Азизим, дадажон! Қиблагоҳим! Қавмингизнинг кўзида сизга бўлган муҳаббатни кўряпман.**

**Азизим, дадажоним! Қиблагоҳим! Мўмин-мусулмонлар сизга дуо қилгани, жаноза ўқигани келишди. Қирқ беш йил уларнинг жанозаларини ўқиб, хизмат қилдингиз. Энди бу қавм сизга мағфират сўрамоқда. Уларнинг кўзларидағи ёш иймон ёшларидир. Сиздан ажралиб қолганларига йиғлашмоқда.**

**Азизим, дадажоним! Қиблагоҳим! Қирқ беш йил ҳар намозга чиққанингизда қўшини қабристондаги-ларнинг ҳаққига дуо қиласр эдингиз, энди бу он ўзингизни шу қабристонга қўймоқчимиз. Токи масжидга кирган ҳар бир киши, чиққан ҳар бир киши ҳаққингизга дуо қилсин деган ниятимиз бор. Парвардигори олам, Ўзинг дадамизни мағфират айлагин! Бу кишининг илм йўлида қилган хизматлари кўп. Пайғамбарамиз алайҳиссолату вассалом: «Одам боласи вафот этса, унинг амаллари кесилади, фақат уч нарсадан: садақаи жориядан, манфаатли илмдан ва дуо қила-диган солиҳ фарзанддан кесилмайди», деганлар.**

**Азизим, дадажон! Сиз садақаи жорияни жуда кўп қилган эдингиз. Иншааллоҳ, садақаи жориянгиз бардавомдир. Модомики қилган садақаи жориянгиздан мўмин-мусулмонлар манфаатдор бўлар экан, иншааллоҳ, савоблари сизга етиб боради.**

**Азизим, дадажон! Қиблагоҳим! Сиз олим эдингиз, илм тарқатган эдингиз. Илмингиз манфаатли**

**Эди. Орқангиздан илмли фарзандларингиз қолди, шогирдларингиз қолди. Илмиларга ёрдам бердингиз. Буларнинг ҳаммаси, иншааллоҳ, тарозингизни босадиган, хайрга олиб борадиган ишлар бўлади. Иншааллоҳ, бундан кейин ҳам то қиёматгача қолдирган манфаатли илмингиздан ўзингизга ажр-савоб бориб туради!**

**Азизим, дадажон! Қиблагоҳим! Солиҳ фарзандлар қолдирдингиз, иншааллоҳ, фарзандларингиз доимо сизнинг ҳақингизда дуода бўладилар, ҳар ўқиган намозларида, ўқийдиган дуоларида сизни эслайдилар. Бошқа пайтларда ҳам дуони ҳеч канда қилмайдилар. Қолаверса, қавмингиз турибди, уларнинг ҳаммалари ҳаққингизга дуо қилишга тайёрлар. Иншааллоҳ, бу дуолар Парвардигори оламнинг мағфиратига сабаб бўлади!**

**Азиз ва қадрли мўмин-мусулмон биродарлар! Мана шундай улув бир зотдан ажраб, мусибатда турган эканмиз, ушбу мусибатга сабр қилмоғимиз даркор. Бундай мусибатларга учраган мусулмон «Аллоҳумма а’журнаа фии мусийбатинаа, вахлуфнаа хойрон минҳа», деган дуони ўқийди: «Аллоҳим! Бизга мусибатимизда ажр бергин ва бадалига бу мусибатта учраган нарсамиздан яхшироғини бергин». Буни сиз билан бизга Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаллом ўргатганлар. Ким шу дуони ўқиса, иншааллоҳ, ажру савоби кўп бўлади, учраган мусибатининг ўрнига Аллоҳ таоло ундан яхши бир нарсани ато қиласи.**

**Азиз ва муҳтарам биродарлар, мўмин-мусулмонлар! Жанозанинг одобларидан бири жаноза пайтида сукут сақлаш, жим туриш, сокин бўлишдир. «Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом жанозага ҳозир бўлсалар, жимгина ерга боқиб турардилар. Бир нарсани пичирлаёт-**

ганга ўхшардилар», дейишган саҳобалар. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаломнинг асҳоблари, Ислом умматининг дурдоналари бўлган саҳобаи киромлар розияллоҳу анҳум уч жойда сукут сақлардилар: уруш пайтида, Куръон тиловати пайтида ва жаноза пайтида. Мана шу одобларнинг риоясини қилсак, иншааллоҳ, Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаломнинг суннатларига амал қилган бўламиз, жанозанинг суннатини бажарган бўламиз ва оладиган ажримиз, савобимиз янада зиёда бўлади. Ана шу маъноларни яхши эслаб, жанозаларда шунга амал қилиб борсак, иншааллоҳ, хайр бўлади, барака бўлади. Айниқса, жанозада сабр қилиш, Аллоҳдан бу мусибат учун ажр сўраш мўмин-мусулмонларнинг доимий қилиб келаётган ишларидан ҳисобланади.

Юқорида зикр этилганидек, Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом «Ким мусибатга учраса ва бунга сабр қилиб, «Аллоҳумма а’журнаа фии мусийбатинаа, вахлуфнаа хойрон минҳа» («Аллоҳим! Бизга мусибатимизда ажр бергин ва бадалига бу мусибатга учраган нарсамиздан яхшироғини бергин») деса, Аллоҳ таоло унга ҳам ажр беради, ҳам учраган мусибатида ундан яхши эваз беради», деганлар. Буни Умму Салама розияллоҳу анҳо эшитган эканлар. У кишининг эрлари Абу Салама розияллоҳу анҳу вафот этганларида Расули Акрамнинг мана шу ҳадислари эсларига тушиб, мазкур дуони ўқибдилар. Ўқиб туриб, хаёлларидан «Мен мусибатга учрадим. Абу Салама Расули Акрам алайҳиссолату вассаломнинг саҳобалари бўлса, Бадр урушида қатнашиб, буюк бир мартабага эришган шахс бўлса, ундан яхши яна ким бўлиши мумкин эди?» деган фикр ўтибди. Лекин, «бу бир хаёл-да» дебдилару, Расули Акрам алайҳиссолату вассаломнинг айтганларидан қолмай, «У зот

бекінің бардатынан көрініп, сондай-ақ оның табиғатынан дауыс бергенде, оның айтмайдылар» деб, дуода бардавом бўлибди-  
лар, мазкур дуони тинмай ўқийверибдилар: «Роббана’-  
журнаа фии мусийбатинаа, вахлуфнаа хойром минҳа». Умму Саламанинг ўзлари айтадилар: «Абу Саламани  
дағн қилдик. Бир муддат ўтди, иддам чиқди. Кейин  
қарасам, Расули Акрам алайхиссолату вассалом менга  
совчи бўлиб турибдилар. Ўша дуонинг шарофатидан  
Парвардигори олам менга Абу Саламанинг ўрнига Ра-  
сулуллоҳни берди. Мўминларга она бўлиш шарафига  
эга қилди».

Мусибат вақтида сабр қилиб, Аллоҳдан ажр сўраш  
бандани буюк мартабаларга эриштиради. Улугъ зотлар-  
дан ҳазрати Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анхунинг  
ўғиллари Урва ибн Зубайрнинг оёқларига қорасон ка-  
сали тушди. Қорасон юқорига қараб кўтарила бош-  
лади. Ўша вақтнинг кўзга кўринган табиблари келиб,  
Урва ибн Зубайрни кўришди, «Оёқни кесмаса бўлмай-  
ди, сондан кесиш керак. Шундагина қорасон ажратиб  
олинади, тананинг қолган қисми соғ қолади», дейишилди.  
Урва ибн Зубайр раҳматуллоҳи алайҳ: «Майли, кесинг-  
лар», дедилар. Табиблар: «Кесишдан олдин банж бе-  
рамиз», дейишилди. Урва ибн Зубайр: «Йўқ, банж ҳаром  
нарса, одамни хушидан кетказадиган нарса, мен буни  
қабул қилмайман», дедилар. Табиб: «Бусиз иложи йўқ,  
оёғингизни сонидан кесамиз», деди. Шунда Урва ибн  
Зубайр: «Ўзим сизларга ёрдам бераман. Сизлар асбоб-  
ускуналарингизни тўғрилаб, тайёр туринглар. Мен ту-  
риб, таҳорат қиласман, намоз бошлайман. Намозда бир  
мақомга етганимда баданим титрай бошлайди. Шунда  
бемалол оёғимни кесаверинглар», дедилар. Урва ибн  
Зубайр таҳорат қилиб, намозни бошладилар. Намозда бир  
мақомга етиб, баданларини титроқ босгандага табиблар  
ўша пайтнинг услубидаги маҳсус пичоқлар билан

оёқни сонидан кесиши. Кесиб бўлиб, қонини тўхтатиш учун ёғ қиздириб, кесилган жойга босиши. Шунда Урва ибн Зубайр хушларидан кетдилар. Унгача ҳеч нарсани билмасдан намозни ўқийвердилар. Эртасига кўзларини очиб, ўзларига келганларида ўн етти ёшли ўғилларини от тепиб, вафот этганининг хабари келди. Урва ибн Зубайр улуғ зот эдилар. Мадина ва унинг атрофларидан одамлар оқиб кела бошлади. Ҳар ким келиб, ўзининг таъзиясини айтарди. Кимлардир «Сизнинг ўрнингизда мен бўлсан бўлмасмиди», деганга ўхшаш таъзияларни айтди. Аммо бир одам келиб, «Бир аъзойингни олиб, қолганини соғ қўйганига шукр қил. Битта болангни олиб, қолганини қолдирганига шукр қил», деди. Шунда Урва ибн Зубайр: «Аллоҳга қасамки, менга бу мусибатда сендан кўра яхшироқ таъзия айтган одам бўлмади», дедилар.

Дарҳақиқат, ўйлаб қарайдиган бўлсак, Аллоҳ таоло бизга бир мусибат етказади, лекин унга сабр қилсак, мана шу мусибат ҳам биз учун ажру савобга айланади ва биз учраган мусибатнинг ўрнига бошқа яхши нарса келади. Динимизнинг ушбу таълимотларини ўрганиб, уларга амал қилиб борсак, иншааллоҳ, бу дунёмизга ҳам, охиратимизга ҳам манфаатли ишлар қилган бўламиз. Парвардигори олам Ўз бандаларидан бирининг, сизларнинг хизматингизда юрган бир банданинг ҳурматини қилиб, узоқ-яқиндан жанозасига келганларингиз учун босган ҳар бир қадамларингизга битмас-туганмас ажру савобларни ато этсин. Бу ерга узоқ ерлардан – Бухоро, Тошкент ва бошқа турли вилоятлардан, кўшни жумхуриятлардан келган азизларнинг ҳаммаларига, водийдаги мўмин-мусулмонларга ва бу ерга ҳозир бўлганларнинг ҳамма-ҳаммаларига яхши ният билан, савоб умидида, бир имомнинг, бир олимнинг жанозасига

хозир бўлғанлари учун берадиган ажру савобини кийрот-қийрот қилиб кўпайтириб берсин!

Азизлар! Ҳақиқатда, айтиб ўтганимиздек, мусибатимиз жуда улуғ, катта мусибат, лекин сабр қилишимиз керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида Фотима Захро онамиз қаттиқ мусибатдан бир байт айтганлар:

*Суббат ъалайха масоибу, лав аннаҳаа суббат ъалал-аййами, сирна лайаалийаа.*

*(Куйилди бошимга мусибат чунон,  
Кунларга тушса гар, тун бўлар шу он...).*

Бизнинг ҳам бошимизга шундай мусибат тушди, лекин аввал айтганимиздек, сабр-бардошли бўлишимиз керак. Қачон бир улуғимиз вафот этса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни эслашимиз лозим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусибатларингизда мени эсланглар», деганлар. Чунки дунёда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқотишдек буюк мусибат бўлмайди. Мана шу сабр-бардошни ўзимизга лозим тутайлик. Мана, жаноза ўқиши вақти бўлиб, бизга ишора қилишяпти, шу ерда ҳозир бўлган барча мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлигида айтаманки, агар Қиблагоҳимизнинг бирор кишида қарзлари бўлса, бирор киши омонат қўйган бўлса, хужжат-далиллар билан келишса, уни адo этишга биз ҳозирмиз. Мен ҳозирман, укам ҳозир. Шу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ бу гапни ҳам айтган бўлдик. Энди Қиблагоҳимиз, иншааллоҳ, банданинг ҳаққидан озод бўлдилар. Агар бирор банданинг ҳаққи бўлса, бизнинг елкамизга юкланди. Аллоҳ тао-

лонинг барчамизда ҳаққи кўп, кечадиган Ўзи. Ўшандай ҳақларини Қиблағоҳимиздан кечишини сўраб, жаноза намозини ўқиймиз...

### ВОЛИДАЙН

Ушбу ўринда ота-онамизнинг ҳаётларига яна бир бор ибрат назари билан қараб, фикр-мулоҳазаларимни, хулосаларимни сиз билан ўртоқлашишни жоиз деб топдим. Улар ўзлариниг ҳаётлари давомида зиммаларидағи барча вазифаларни исломий нуқтаи назардан қараганды гўзал тарзда адо этдилар. Аввало ота-оналари, қайнота-қайноналарининг ҳурматларини ўрнига қўйиб, хизматларини бажо қилдилар. Худди бугунгидек эсимда, Булоқбошида яшаганимизда дадамиз оталарини, яъни бобомизни олиб келиб, онамиз бошчилигида «Отамнинг хизматини қилиб, дуосини олинглар», деб бизга қаттиқ тайинлар эдилар. Биз қўлимиздан келганича уларни ҳурмат қилиб, хизматларини адо этдик. Айниқса онамиз уларни жуда қаттиқ ҳурмат қиласар, хизматларини аъло даражада бажарар эдилар. Нимагадир бобомиз бир неча кун тургач, «қочиб» кетардилар. Хоссатан, жума намозидан кейин ёки шанба кунлари. Шундай пайтларда дадамиз: «Отамга яхши қарамаяпсизлар», деб бизни койир эдилар. Биз ёшмиз, сабабини тушунмай, ҳайрон бўлардик.

Кейинчалик аниқ бўлишича, бобомиз чорвадор бўлганлари учун бозор кунлари ҳайвон савдоси билан шугулланиб турар эканлар. Бозорни кузатиб, нарх-навони, паст-баландини билиб туришни одат қилган эканлар. Мабодо бозор кунлари «қоча олмай» қолсалар, мени етаклаб, уйимиз яқинидаги ўриндиққа бориб ўтириб, бозордан мол етаклаб қайтганлардан: «Неча пул бўл-

ди?» деб суриштириб қўярдилар. Нархни эшиттгач: «Яхши, арzonга олибсиз», дердилар-да, улар сал узоклашгандан кейин менга қараб: «Қимматта олибди», дердилар. Мен ҳайрон бўлиб: «Ҳозир арzonга олибсиз, дедингиз-ку?» десам, «Ҳа, энди ўғлим, ўзига шундай деб қўясан-да», дердилар. «Қочиб кетиш»ларининг сабабини сўрасам, «Ҳа болам, менинг ҳам оилам бор, кампирим бор. Онанг мени қаттиқ хурмат қилади, лекин мен ичкийимларимни қандай қилиб онангта «Ювиб бер», дейман? Даданг тушунмайди-да», дер эдилар. Бобомиз жуда ҳалим, ширинсўз одам эдилар. Дадамиз ва онамиздан рози бўлиб ўтдилар. Уларнинг ва бизнинг ...  
хаққимизга тинимсиз дуо қиласардилар.

## МАШХУР ИБРАТЛИ ҲИКОЯ

Ота-онамизнинг ёшликларини эсласам, машхур ибратли ҳикоя эсимга тушади. Бу ҳикоя қуидагича эди: Ислом оламидаги машхур уламолардан бири имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳиннинг оталари Собит таҳорат қилиш учун ариқ лабига ўтирибди. Ариқда зилол сув шарқираб оқаётган экан. Ногаҳон кўзлари оқиб келаётган қирмизи олмага тушибди. Беихтиёр олмани олиб, бир тишлабди. Иймони бақувват бу йигитнинг хаёлига ярқ этиб «Бу олма бирорвнинг ҳаққи эди. Эгасининг розилигини олмадим-ку?» деган фикр келибди. Богбонни излаб, ариқ ёқалаб йўлга тушибди. Ариқ бир олмазор боғнинг ичидан оқиб чиқаётган экан. Тақволи Собит боғбонни излаб топиб, тишлаган олмаси учун розичилик сўрабди. Зукко боғбон йигитдаги ҳалоллик ва иймонни сезиб:

– Йўқ, рози эмасман. Рози бўлишим учун бир шартим бор, – дебди.

– Шартингизни айтинг, – дебди йигит.

– Шартим шундан иборатки, кўзлари кўр, қўллари йўқ, оёклари йўқ бир қизим бор. Шу қизимга уйланасан. Шунда рози бўламан, – дебди боғбон.

Йигит икки ўт орасида қолибди. Шартга кўнай деса, аҳвол чатоқ. Кўнмай деса, ҳаром луқма. Ўйланиб-ўйланаб, охири рози бўлибди. Никоҳ эълон қилиниб, чиройли тўй қилинибди. Куёвбола гўшангага кирибди. Уни бир париваш салом билан қарши олибди. Куёв ҳайрон эмиш, отаси таърифлаган қизнинг тамомила акси. Қайтиб чиқиб, боғбонга рўпара бўлибди.

– Шарт бошқача эди-ку?

– Болам, сиз тушунмабсиз. «Кўзлари кўр» деганим кўзлари номаҳрамга боқмаган, деганим эди. «Кўли

йўқ» деганим ҳаромни ушламаган, деганим эди. «Оёқлари йўқ» деганим ношаръий ишларга юрмаган, деганим эди, – дебди боғбон. Ана шундай покиза зотлардан Имоми Аъзамдек буюк инсон дунёга келган эканлар.

Гўёки ушбу ибратли ҳикояни ҳаётта татбиқ этгандек, ота-онамиз ёшлиқ чоғлариданоқ ҳалқумларини покиза сақлаб, ибодатда бардавом бўлишган. Намоз, рўза каби ибодатларни балоғатта етмай туриб, ҳали фарз бўлмасдан аввал бажаришга киришганлар. Иймон-эътиқодда, ибодатларида мустаким туришган. Оқибатда бунинг мукофоти ўлароқ, Мұхаммад Содикдек фарзандга ота-она бўлишган.

### АЛЛОҲНИНГ СИНОВИ

Ота-онамиз Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг, кўплаб анбиёларнинг суннатлари бўлмиш чорвачилик билан, асосан қўй боқиши билан шуғулланишган. Ўз касбларига меҳр қўйишган, бу йўлда учрайдиган барча қийинчиликларга сабр-матонат, чидам билан бардош беришган. Қўйнинг барака экани ҳаммага маълум. Лекин ўша замонларда меҳнатни чорвадор-чўпон қилиб, баракани колхоз кўрарди, чунки қўйлар колхозники эди. Чўпон баҳонада ўзининг беш-ўнта шахсий қўйларини боқиб олганига хурсанд бўларди.

Дадамиз ёшлигида тўплаган тажрибаларини умрларининг охирларигача давом эттиридилар. Бизга насиҳат қиласардилар: «Болам, олти ой битта эмас, яримта нон есангиз, тежаб қолган, орттирган маблагингизга иккита товуқ сотиб оласиз. Сўнг товуқ тухум кўяди. Рўзгорга ишлатасиз, жўжа очирасиз, кўпайтириб, пулига кўзи оласиз. Уни ҳам кўпайтириб боқасиз. Сотсангиз пул, есангиз гўшт», дер эдилар.

Дадамиз учун тоғ-тошларда, айниқса Олой тоғ тизмаларида қўра-қўра қўй боқишининг ўзи бўлмаган. Орзуси ушалиб, ўқишга кетгандарида қўлида чақалоқ – Мұхаммад Содиқ билан қолган онамиз учун дадамизнинг ишларини давом эттириш ундан ҳам қийин бўлган. Бу Аллоҳ таолонинг синови бўлган, яъни аввал пода-пода қўйларни боқтириб, қўйчивонлик билан шуғуланишдаги бандаларининг сабрини, бардошини синаган, сўнгра секин-аста тарбиялаб бориб, ниҳоят катта-катта жамоаларга имомликни насиб этган.

### ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Талабалик йиллари ёш ота-она илм йўлида турли қийинчиликларни бошдан ўтказдилар, аммо шунинг билан бирга фарзандларига ҳам чиройли тарбия бердилар. Буюкларнинг бир сўзи бор: «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак». Бизнинг ота-оналаримиз бу нақлга амал қилиб, ўз устиларида тинимсиз ишладилар. Динимиз таълимотларини қунт билан ўрганиб, амал қилдилар. Кейинчалик бу рухни ўз фарзандларига ҳам сингдирдилар.

Дадамиз учун талабалик йиллари том маънода синов даври бўлди. Аввало диний саводларини чиқардилар. Устозларининг хизматларида бўлдилар. Ўтган машойихларнинг, айниқса ҳазрати Баҳовуддин пиrimизнинг синовларидан муваффақиятли ўтдилар. Бу синов у кишининг ҳаёт тарзларини ижобий тарафга ўзгартириб юборди. Ўзларининг тили билан айтганда «Бир умрга татигулик, етадиган иш бўлди».

Энди навбат ўзлаштирган илмларини янада мустаҳкамлаш, бойитиш билан бирга халққа хизмат қилиш – имомлик фаолиятини юритиш лозим эди. Ҳа, бир умр

бир масжидда, бир жамоатда дин хизматида, халқ хизматида бўлиш ҳам осон иш эмас. Дадамиз доимо изланишда эдилар. Тинмай китоб мутолаа қилас, Куръон тиловати билан машғул бўлар эдилар. Дадамизнинг ҳаётлари билан яқиндан танишиш учун у кипининг бир кунлик фаолиятларига назар ташлашнинг ўзи кифоя қиласди. Ҳар доим тонг саҳарда уйқудан уйғонардилар. Чиройли таҳорат қилиб, Куръони Карим тиловати билан машғул бўлардилар. Бундан ташқари, ўзлари учун белгилаб олган вирдлари – вазифаларини бажаардилар. Сўнг жамоат намозига, яъни бомдодни ўқиш учун масжидга бораардилар. Беш вақт намозни доимо жамоат билан, имом бўлиб ўқирдилар. Кўпинча бамдод намозидан олдин 10-15 дақиқа ваъз-насиҳат қилас ёки китоб ўқиб берардилар. Сўнг никоҳ тўйи, ақийқа, жаноза каби турли маросимларга бориб, халқ хизматида бўлиб қайтардилар. Бир умр беш вақт фарз намозларни жамоат билан, яна имом бўлиб ўқиш қандай чиройли баҳт!

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир», дедилар».**

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Ибн Можсалар ривоят қилишган.*

Дадамиз ўзлари халқقا қилган ваъзларида: «Масжид, жамоат сари босган ҳар бир қадамингиз учун савоб ёзилади», дер эдилар. Бир куни қавмларидан бири сўраб қолибди: «Хожи дада, биз жамоатга автомобилда келамиз. Бизнинг ҳукмимиз қандай бўлади?» Хозиржавоб ҳожи дада: «Машинангиз ғилдирагининг ҳар бир айлангани учун савоб оласиз», деб жавоб берган эканлар. Уйимиздан масжидгача бўлган масофа тахминан 1,5 чақирим келади. Дадамизнинг умр бўйи беш вақт намоз ўқиш

учун жамоатта қатнаганларини ҳисоблаб күрсак қанча чиқар экан? Аллоҳ таоло босған қадамларига берадиган савобларини күпайтириб берган бўлсин!

У киши доимо халқ хизматида эдилар. Бўш вақтларида хос талабаларига сабоқ берар, биз фарзандларининг тарбияси билан машғул бўлардилар.

Дадамизнинг кундалик фаолиятидан бир шингил:

У киши доимо халқнинг ичида, уларнинг қувонч-ташвишларини бирга баҳам кўрадилар. Деярли ҳар куни кимнингдир тўйи ёки жанозасида, хуллас, бирор бир маросимда иштирок этардилар. Айниқса янги иш бошлаганларида оиласвий жанжаллар ҳаддан ташқари кўп бўлган экан. Бунинг сабаби: биринчидан, у пайтларда авом халқ динимиз, шариатимизнинг асосларини билмас, халқ орасида тушунтириш ишлари олиб борилмас эди. Иккинчидан, ўша даврдаги иқтисодий қийинчиликлар, турмуш шароитининг оғирлиги, турли икирчикирлар, хуллас, арзимаган нарса учун эр хотинини талоқ қилиб юбориш ҳолатлари жуда кўп учрарди. Домлаларга, чаламуллаларга боришса, «Шариатда йўл йўқ», деган жавобни олишарди. Натижада оилалар бузилган, ёщ-ёш гўдаклар тирик етим бўлиб, сарсон-саргардон бўлган, ота-она, қайнота-қайнона безовта, оилада тинчлик йўқолган, ҳамма ташвишда қоларди. Шундай ҳолатларда дадамизга мурожаат қилганларга у киши шариат нуқтаи назаридан тушунтириш ишлари олиб борардилар. Икки томон билан алоҳида-алоҳида сухбат қилиб, айбдорга қаттиқ танбех берардилар. Агар шариатда йўл бўлса, келгусида намоз ўқиши, рўза тутиш шарти билан қайта никоҳлаб қўядилар. Никоҳ пайтида эр-хотинга уларнинг ҳақ-хукуқларини ўргатар, никоҳ нима, талоқ нима – барчасини чиройли қилиб тушунтириб берардилар. Кўпинча бир муддатни тайинлаб, «Ўшанда кела-

сизлар, мен китобларни күриб, жавоб топиб күяман», дер эдилар. «Дада, нима учун бундай қиляпсиз?» деган саволимга «Күявер, бир муддат хотинсиз яшаб, ўзининг кирини ўзи ювиб кўрсин. Ақли киради, хотиннинг қадрини, оила муқаддаслигини билади», дер эдилар. Мана, ҳозиргача ҳаётимиз давомида ушбу усулнинг жуда яхши самара берганини кўриб турибмиз. Келин тарафга ҳам, куёв тарафга ҳам жиддий гапириб, насиҳат қиласар эдилар. Айниқса ношаръий иш қилганларни, ичкилик ичганларни жуда қаттиқ койирдилар. Иккинчи ичкилик ичмасликка қасам ичирап эдилар. Ҳатто қайнота-қайноналар ҳам у кишининг танбехларидан четда қолишмасди. Кейинроқ ярашиб, ҳаётлари тинчиб, баҳтли-тахтли бўлиб кетганлар ташаккур айтиб, миннатдорчилик изҳор этиб кетганларига кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Ҳатто бу хайрли иш вилоят миқёсигача бориб етди. Ҳар тарафдан келиб, у кишининг саъй-ҳаракатлари сабабли оиласи билан ярашиб кетганлар жуда кўп бўлди. Ҳозир биз тарафларда бундай оилавий жанжаллар, хотинини талоқ кўйиш каби ҳолатлар кескин камайиб, йўқ даражага тушиб қолди. Дадамиз ҳаётларининг охирларида: «Ўзим никоҳларини ўқиган одамларимнинг фарзандларининг ҳам никоҳини ўқияпман. Баҳтли яшашыпти», деб фаҳрланиб гапириб юардилар.

Дадамиз ва онамизнинг вафотларига бир неча йил бўлганига қарамай, ҳали-ҳануз қишлоғимиз, маҳалламиз ҳалқи улар қилиб кетган яхши ишларни унугани йўқ. Тез-тез яхши гаплар билан эслаб туришади. Ҳатто кўчамизга дадамизнинг номлари берилган. Ҳамқишлоқларимиз «Қаерликсиз?» деган саволга фаҳр билан «Булоқбошидан, Мұхаммад Юсуф ҳожи даданинг маҳалласиданман, шайх ҳазратлари Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуфнинг ҳамшаҳариман», деб жавоб беришади.

Яна дадамизнинг кундалик ишларига қайтадиган бўлсак, хуфтон намозини жамоат билан ўқигандан сўнг кечаси ҳар доим 100-120 ракъатдан таҳажжуд, нафл намоз ўқирдилар. Бундан ташқари, ўзларига вирд қилиб олган вазифаларини ҳам адо этардилар.

Онамиз ҳам нафл намозлар ўқиш билан бирга тез-тез нафл рўзалар тутар, доимо биз фарзандларига атаб вирдларини ўқиб, ҳаққимизга дуолар қиласр эдилар. Икковлари ҳам дунёга қизиқмас, бойлик ортидан кувишишмас эди. Аллоҳнинг берганига шукр қилиб яшаб ўтишди. Дадамиз вафот қилганларида чўнтакларидан беш минг сўм атрофида пул чиқсан эди. Уни эсадалик учун сақлаб қўйганмиз. Лекин бизларга баҳоси ҳар қандай нарсадан юқори турадиган неъматларни – динига, ҳалқига, фидокорликни, Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам таъкидлаб айтганлариdek, икки дунё саодатига эриштирадиган тарбияни, меҳрни мерос қилиб қолдириб кетдилар. Шу билан бирга у кишидан улкан илмий хазина бўлмиш китоблар бизга мерос бўлиб қолди.

Дадамиз ва онамизнинг дунёқарашлари ҳам, одатлари ҳам бир-бирларига жуда яқин эди. Худди икковлари қариндош-уругларга, биродару яқинларига яхшилик, силаи раҳм қилишда кимўзарга ўйнаётгандек эдилар. Умуман, одамлардан яхшиликларини, ёрдамларини аяшмас эди. Айниқса онамиз ниҳоятда меҳрибон аёл эдилар. Яқинларимиздан бирининг иши тушиб, ёрдамга муҳтоҷ бўлиб қолса, кўмаклашишга шошиб кетардилар. Ёрдам қўлини чўзиб, ўша муҳтоҷнинг ҳожатларини чиқармагунча тинчимас эдилар. Дадамиз маҳалламизга табиий газ туширишда бош-қош бўлганлар. Газ кувурларини тортиб келиш учун маҳалла аҳли ўртада маблағ йиғишишга келишишибди. Вақтинча имкони бор

одамдан қарз олиб, ишни бошлаб юборишибди. Иш тугагач, маблағ йигилмай қолибди. Шунда дадамиз үзларининг кўйларини сотиб, қарзни тўлаб юборган эканлар. Бунга ўхшаш ишлар жуда кўп бўлган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси фатво ҳайъатида ишлаб юрган давримда бир шеригим билан Наманганд вилоятига хизмат сафарига боришимга тўғри келди. Мақсад масжид ва зиёратгоҳларнинг камчиликларини топиб, уларнинг фаолиятини тўхтатиш эди. Юрагим сиқилди. Шеригимга «Сиз бораверинг, мен аввал уйга ўтиб, кейин бораман», дедимда, дадам билан маслаҳатлашиб, йўл-йўриқ олиш учун уйга йўл олдим. Уйга боргач, дадамга ҳаммасини батағсил гапириб бердим. Дадам ўз одатларига қўра: «Жуда яхши бўлибди», дедилар. Тушунтиrolмадим шекилли, деб гапларимни яна такрорладим. Дадам яна: «Яхши бўлибди», дедилар. Мен таажжубланиб: «Масжидлар, зиёратгоҳлар беркилса, нимаси яхши бўлади?» дедим. Дадам: «Ўзингиз айтяпсиз, шеригингиз ҳам яхши одам экан. Эҳтиёт чорасини қиласизлар-да», дедилар.

Сафар давомида ҳакиқатдан ҳам эҳтиёт чорасини кўрдик. Бир таниш журналистга мурожаат қилган эдик, у киши аввал газеталарда эълон қилиниб, чора кўриб бўлинган материаллардан топишга ёрдам бердилар. Пойтахтга қайтиб келиб, топширган ҳисботимиз асосида «Ўзбекистон овози» газетасида мақола ҳам чоп этилди. Лекин ҳеч ким зарап кўрмади. Масжидлар ҳам, зиёратгоҳлар ҳам беркитилмади. Дадамизнинг «Яхши бўлибди» деганларининг сабабини ўшанда тушиниб етган эдим. Кейинчалик ўқиб-ўрганиб билдиқки, ҳар бир нарса ҳакида яхши гумонда бўлиш шариатимиз кўрсагмаларидан бири экан. Дадамиз олим киши бўлганлари учун ўқиганларига амал қиласизлар эканлар.

Күпинчә ўзаро сұхбатларимизда талабалар устидан шикоят маъносида гапириб қолсам, дадамиз: «Ёмонлагани одам қолмадими, талабалардан шикоят қиласиз? Улар эңг яхши инсонлар, бошлари сажда күриб, намоз ўқишиади. Гапираман десангиз, ана, күчада шунча ароқхүр, бетамиз, бернамозлар, Худони йўқ дейдиганлар юрибди», деб насиҳат қиласилар. Ўзлари толиби илмларни жуда қаттиқ эъзозлар эдилар.

Мустабид тузум даврида, динга тазийк кучайган кунларнинг бирида юқорига хўжаободлик Махдум дада устидан шикоят тушибди. Масъул ходимлар шикоят асосида текшириб, у киши ҳақларида дадамиздан сўрапшандан, «У киши яхши одам. Шахсий адовати бор бирорта одам ёзган бўлса керак», деб у кишини кафилликка олибдилар. Махдум дадани колхозга бригадир қилиб қўйишибди. Махдум дада сўфийлардан эди. Бир кун муридлари билан пахта даласининг ўртасида зикр тушишаётганда комиссия келиб қолибди. Шунда комиссияни бошқа тарафга буриб, уларни кўрсатмай олиб кетишган экан. Илмли, эътиқодли инсонларни шундай йўллар билан ҳимоя қилишар экан.



Падари бузрукворимиз  
Мұхаммад Юсуф Бойбұта ўғли




Мұхаммад Юсуф домла Қурултойда  
(иккінчи қаторда чапдан иккінчи)



Талабалик йиллари



Имтиҳон муваффақиятли ўтди



Мехмонлар билан мулокот




Олий маъхадда дарс жараёни



«...Акам спорт билан жиддий шуғулланар эдилар...»



Жаҳон чемпиони Муҳаммад Али билан танишув



Хорижлик меҳмонлар Шохи Зинда мажмуасида



Мұхаммад Содиқ меҳмонларга  
таржимонлик қилмоқдалар



Падари бузрукворимиз  
ўғиллари Мұхаммад Содиқ билан



Мұхаммад Юсуф домла масжид қавми билан



Мир Араб мадрасасида хорижий меҳмон билан



Машхур хофизи Қуръон Маҳмуд  
Халил Ҳусорий юртимиз меҳмони



Диний идоранинг ташқи ишлар  
бўлимида ишлаган йилларидан лавҳа



Мусҳафи Усмон зиёратига  
келган меҳмонлар даврасида



Устоз талабалар даврасида



Устоз талабалар даврасида




Халқаро анжуманлардан лавҳалар  
(Мұхаммад Али ас-Собуний билан)



Халқаро анжуманлардан лавҳалар  
(шайх Юсуф Қарзовий билан)



Халқаро анжуманлардан лавҳалар  
(доктор Ваҳба Мустафо Зуҳайлий билан)



Халқаро анжуманлардан лавҳалар.  
Амир Фозий ибн Мұхаммад (Урдун)  
хамда шайх Абу Бакр Ахмад (Ҳиндистон)




Имом Ийсо ат-Термизийга бағишиланган  
халқаро илмий анжумандан лавҳа



Халқ ноиби мусулмонларга диний эркинлик  
бериш масаласини мұхқама қилинмокда



Хорижлик мөхмөнлар билан учрашувлар  
(шайх Абдуллоҳ Али Мутоввий)



«Олтин силсила» туркумининг нишона сони тақдимоти




Илк ҳаж сафари




Халқаро анжуманлардан бир лавҳа  
«Робитатул Оламил Исломия»  
таъсис мажлисининг 34-йигилиши



Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф – Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси муфтийси



Ҳайит намози хутбаси



Москвадаги X халқаро анжуманда  
«Сунний ақијдалар» китобининг тақдимоти



Шайх Мұхаммад Саъид  
Рамазон Бутий ҳазратлари билан

## ХАЁТ САРГУЗАШТЛАРГА ТҮЛА

Ушбу ўринда дадамизнинг ҳаётларида содир бўлган қизиқ воқеалардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола қиласиз.

\* \* \*

Бомдод намозидан сўнг ҳожи дада қавмларидан бирiga юзланиб:

– Холикул ака, мен ҳозир қайси сурани зам қилдим?  
– дебдилар.

– Ҳожи ака, ростини айтсам, қўшним билан сув талапиб, макка сугораётган эдим, хаёлим шунда бўлиб, қайси сурани зам қилганингизни эшитмабман, дебди у одам.

– Намозда хушуъ-хузуъ билан туриш керак, – дебдилар ҳожи дада.

\* \* \*

Чекка қиплоқлардан биридан жанозага хабар келиб қолибди. Машиналар танқис вақт экан.

– Булоқбошида ҳам ўлим бор. Иккови бир вақтга бўлиб қолмасин, – дебдилар Ҳожи дада.

– Йўқ, бизники тайёр, – деб олиб кетишибди. Боргач, Ҳожи дадани кўшни хонага ўтиргизиб қўйишибди. Узок кутибдилар, жаноза тайёр бўлавермабди. Шунда Ҳожи дада:

– Нима гап? – деб сўрабдилар.  
– Ҳожи ака, ҳали жони чиқмаяпти, – дейишибди.  
Бемор ғарғара ҳолатида ётганидаёқ хабарчи жўнатишган экан. Дадамиз Булоқбошига қайтиб келиб, у ердаги жанозани ўқибдилар. Кечга яқин бояги жойга бориб, жаноза ўқиб келибдилар.

\* \* \*

Қишлоқчилік, ўша давларда никоҳ келиннинг уйида, кечалари ўқилар эди. Бир куни дадамизни никоҳ ўқитишиға олиб кетишиди. Вақт ярим кечадан ҳам ўтиб кетди. Онамиз иккаламиз кутиб ўтирибмиз. Дадамиз йўқ. Бир вақт кириб келдилар. «Кўрмайсанми бу одамларни, келинни беркитган қизлар куёвдан беш сўм қўшиб бeringлар деб сўрапса, бермабди. Тўй бузилишига сал қолибди. Мен икки томонни келиштириб, ёнимдан беш сўм бериб, никоҳ ўқиб кўйдим. Никоҳдан кейин куёв бола масжид учун беш сўм берди. Мен «Шу беш сўмни аввалроқ берганингда, шу пайтгача уйкудан қолиб ўтириб масдик, болам», дедим», деб гапириб бердилар.

## ШАЙХ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ УЛКАН ИЛМИЙ МЕРОСЛАРИ

Улуғ алломалар, олимларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган китобларда одатда илк бор таълим олган устозлари, тарбиялаган шогирдлари ҳамда қолдірган илмий мерослари баён қилинади. Биз ҳам шу анъана нaga қўра буларни юқорида зикр қилиб ўтдик. Шайх ҳазратлари илмий фаолиятларининг илк кунларидан бошлаб ҳаётларининг сўнгги дақиқаларига қадар жуда кўп шогирдларни ўқитиб, тарбиялаб етиштирдилар. Бир қанча хос талабалари у кишидан илм ўрганишди. Дунёning барча жойларида, хусусан, собиқ иттифоқ ҳудудида ҳам жуда кўплаб шогирдлар етиштирдилар. Ҳозирда уларнинг аксарияти турли диний хизматларда, давлат ва жамоат идораларида хизмат қилмоқдалар.

Шайх ҳазратларининг илк ижодий фаолиятлари мактаб даврларига тўғри келади. У киши ёзган кичик ҳажмдаги мақола ва хабарлар синф деворий газеталаридан жой олган. Акам яхшигина сурат ҳам чизар эдилар. Кейинроқ хабар ва мақолалари маҳаллий матбуотда ҳам чоп этилган. Акамиз бу истеъдодларини «Совет Шарқи мусулмонлари» журналида ишлаб юрган кезлари чархлаб бордилар. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўша журналда акамнинг «Исломда табиат муҳофазаси» номли туркум мақолалари ва «Муххул оят» («Оятларнинг мағзи») рукни остида Куръони Каримнинг айрим оятларига ёзган тафсирлари, Ливияда чоп этиладиган «Иймон» номли журналда у кишининг совет иттифоки, хусусан диёrimiz тарихи ва ҳозирги кунига бағишланган мақолалари эълон қилинган.

Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали шайх ҳазратлари бошчилигида ташкил этилган «Маърифатнома» номли кўрсатув бир неча йиллар давомида эфирга узатиб борилган. Бу кўрсатув халқимизнинг, хусусан ёшлиарнинг тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатган.

Булардан ташқари, шайх ҳазратлари маҳаллий ва марказий матбуотда доимо фаол иштирок этганлар. Энг асосийси, юздан ортиқ илмий китоблари халқимизга улкан мерос бўлиб қолди. Жуда кўп видео ва аудио-ёзувлар халқимиз томонидан севиб тингланади, томоша қилинади. Энди ижозатингиз билан баъзи бир асарларининг ёзилиш тарихи ва уларнинг аҳамиятига тўхтабиб ўтсан:

**«Тафсири Ҳилол».** Олти жилдлик ушбу тафсир сўнгти бир неча ўн йиллар давомида она тилимизда ёзилган илк тафсирлардандир. Бунга қадар ўзбек тилида Олтинхон тўранинг араб ёзувидағи таржимаси ҳамда шайх Алоуддин Мансур таълиф этган Куръони карим оятларининг ўзбекча изоҳли таржимаси мавжуд эди. Куръони Каримнинг кўпгина жаҳон тилларига қилингән маънолар таржимаси бор, лекин тафсирлар негадир кам. Аввалига «Тафсири Ҳилол»нинг ўтгизинчи жузи чоп қилиниб, ўқувчиларга етказилган. Бунда Куръони Карим оятларининг тагидан уларнинг кирилл ҳарфидағи ўқилиши (транскрипцияси) ҳам ёзиб қўйилган эди. Кейинчалик бу усул ўзини оқламаслиги, мўъжиза бўлмиш Куръони Каримнинг маъносини араб алифбосидан бошқа ҳарфлар орқали асло англатиб бўлмаслиги аён бўлди. Куръони Каримнинг араб тилида нозил бўлишидаги ҳикматни Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Мисол учун, «сад», «зод», «аъян» каби товушларни бошқа ҳеч бир тилдаги ҳарф ёки товуш билан англатиб бўлмайди.

Шунинг учун бу ишдан воз кечилди. Лекин ўша вақтда күгчилик ана шу китобларни ўқиб, саводини чиқарған эди. Биз ҳамма нарсанинг мукаммал бўлиши тарафдоримиз. Айниқса Аллоҳнинг каломи бўлмиш Куръонни тўғри ўқишимиз лозим.

Кейинчалик «Тафсири Ҳилол»ни рус тилига таржима қилиш ишлари ҳам бошланиб кетди. Ҳозирги вақтда бир нечта жузлари рус тилига таржима қилиниб, китобхонларга етказилган. Қолган жузлари ҳам, иншаллоҳ, вақти-соати билан нашр этилади.

«Тафсири Ҳилол»нинг бошқа китоблардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, унинг ёзилиши ватанда бошланган бўлса-да, аксар қисми Куръон нозил бўлган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган, саҳобалар яшаган юртда, яъни Маккан Мукаррамада, Байтуллоҳнинг ёнида битилган. Яна бу тафсир бизнинг диёrimизда, мусулмонлар диёрида, уларнинг тилида биринчилардан бўлиб ёзилган тафсирдир. Аллоҳ таоло ушбу нодир китобни халқимиз учун, мусулмонлар учун манфаатли қилган бўлсин!

**«Ҳадис ва Ҳаёт» мажмуаси.** Шайх ҳазратлари ўз режалари асосида халқимизга тафсирни ёзиб етказгандан сўнг навбат ҳадиси шарифга келган эди.

Бир нечта жуздан иборат «Ҳадис ва Ҳаёт» мажмуаси Мансур Али Носифнинг «Ат-Тожул жомеъ лил усул фий аҳодисир-Росулу» номли ҳадис китобининг таржимаси ва батафсил шарҳидан иборатдир. Аллоҳнинг иноятини қарангки, бу китоб ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзалари ёнида, худди Имом Бухорий «Жомеъус-саҳих»ни ёзганлари каби, Пайғамбарамиздан ўзига хос изн бўлгандан сўнг битилган. Шайх ҳазратларини таълиф этган китобларни таърифлашга ҳожат йўқ, уларни муҳлисларнинг ўзлари ўқиб, ўзла-

ри баҳо берсалар, мана шу энг гўзал иш бўлади. Шу вақтгача она тилимиздаги ҳадис илмига оид китоблар фақат таржимадан иборат эди. Бу китобда эса аввал ҳадиснинг ўзи, кейин унинг таржимаси, кейин бизнинг мазҳабимиз асосидаги шарҳи, ровийлар ҳакида қисқача маълумот, сўнгра ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар ва ҳукмлар тартиб билан берилган. Бу китобнинг ўзига хос жиҳати шуки, ҳадислар такрор келмайди, мавзуга қараб бобларга тақсимланган.

Энди навбат фиқҳга. Бу хусусда Убайдуллоҳ ибн Маъсуд Ҳанафийнинг «Ан-Ниқояту фи муҳтасарил Викоя» китобининг таржима ва шарҳи «Кифоя» номи билан таълиф қилинди. Уч жилдлик бу китоб мазҳабимиздаги машҳур китобнинг батафсил таржима ва шарҳи ҳисобланади. Мазкур китобнинг чоп этилиши ўлқамиз мусулмонлари учун айни муддао бўлди. Ўқувчи ҳар қандай фиқҳий масалага ушбу китобдан жавоб топиши мумкин.

«Зикр аҳлидан сўранг» номли туркум ҳам сиз азизлардан келган кўплаб саволларга шаръий фатволар, оят ва ҳадислар асосида берилган жавобларни ўз ичига олади. Ушбу асарнинг халиқимизга қанчалик манзур бўлаётганини таҳририятта келаётган хат-хабарлардан, интернет саҳифаларида [islom.uz](http://islom.uz) порталида ташкил этилган савол-жавоб хизматига қилинаётган мурожаатлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Ақийда масаласи шариатимиздаги ғоятда муҳим боблардан, динимизнинг асосларидан бири ҳисобланади. Бу соҳада асар битиш учун албатта қадимги уламоларимизнинг китобларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Шайх ҳазратлари бу борада ҳам салмоқли меҳнат қилдилар. Ушбу нозик масалани тўғри ва осон тушунишга ёрдам берадиган китобларни ёзиб қолдирдилар. «Сунний ақийдалар», «Ақийдатут-Таҳовийя» шарҳи-

нинг талхиси» (таржима), «Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ақийдадан сўнг навбат тасаввуф ҳақидағи китобларга етди: «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» («Покланиш», «Тикланиш» ва «Хулқланиш» деб номланган уч жилдан иборат), «Хислатли ҳикмәтлар шарҳи» (Ибн Атоуллоҳ Сакандарийнинг «Ҳикамул Атоийя» асарига ёзилган беш жилдлик шарҳ). Бу китоблар тасаввуф ҳақидағи нотүғри тушунчаларни түғрилаш ҳамда рухий тарбия борасида катта аҳамиятга эгадир.

Режа бўйича навбат тарих мавзусига етиб келди. Шайх ҳазратлари Ислом тарихига оид икки жилдан иборат китоб тасниф этганлар. Дуо қилиб турасизлар, иншааллоҳ, улар ҳам нашр қилинади.

Шайх ҳазратларининг охирги ёзаётган китоблари қазои қадар ҳақида экан. Қазои қадарни қарангки, бу китобни якунлаш учун умрлари кифоя қилмади. Аллоҳ раҳмат қилсин! Омин!

Шайх ҳазратларининг қаламига мансуб булардан бошқа жуда кўп асаллар борки, улар халқимизнинг маънавий бойлигига, бой меросимизга айлангани шубҳасиз.

Куйида мазкур китобларнинг тўлиқ рўйхати келтирилади.

## **ШАЙХ ҲАЗРАТЛАРИ ТАЪЛИФ ЭТГАН КИТОБЛАР**

- Тафсири Ҳилол (олти жилдлик. Илк бор 22 жилдда чоп этилган)
- Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси (оятларнинг маъно таржимаси)

### **«Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласи**

- 1-жуз. Муқаддима
- 2-жуз. Ислом ва Иймон
- 3-жуз. Ният, ихлос ва илм
- 4-жуз. Поклик
- 5-жуз. Намоз китоби
- 6-жуз. Намоз китоби
- 7-жуз. Намоз китоби
- 8-жуз. Закот китоби
- 9-жуз. Рўза китоби
- 10-жуз. Ҳаж ва умра китоби
- 11-жуз. Савдо, зироат ва вақф
- 12-жуз. Фароиз ва васиятлар
- 13-жуз. Никоҳ, талоқ ва идда
- 14-15-жузлар. Қасамлар, назрлар ва ов китоби
- 16-17-жузлар. Таом, шароб ва либос китоби
- 18-жуз. Тиб ва дам
- 19-жуз. Оламларга раҳмат Пайғамбар
- 20-жуз. Анбиёлар қиссаси
- 21-жуз. Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо
- 22-жуз. Усмон ва Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳумо
- 23-жуз. Жаннат башорати берилгандар ва аҳли байт
- 24-жуз. Пешқадамлар розияллоҳу анҳум
- 25-жуз. Нубувват хонадони хонимлари

26-жуз. Ансорлар розияллоху анхұм  
27-жуз. Ахёрлар ва диёрлар фазли  
28-жуз. Тафсир китоби  
29-жуз. Тафсир, түш ва масаллар китоби  
30-жуз. Қуръон фазилатлари китоби  
34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби  
35-жуз. Дуолар, зикрлар, истиғфор ва тавба  
36-жуз. Зухд ва рақоиклар китоби  
37-жуз. Адаб китоби.

- Қуръон илмлари
- Сунний ақийдалар
- Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар
- «Ақийдатут-Таҳовия» шархининг талхийси
- Усулут фикҳ
- Кифоя
- Фиқхий йўналишлар ва китоблар
- Мазҳаблар – бирлик рамзи
- Мусталаҳул ҳадис
- Иймон
- Васатия – ҳаёт йўли
- Одоблар хазинаси (Адабул муфрад)
- Яхшилик ва силаи раҳм
- Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам
- Тасаввуф ҳақида тасаввур
- Рұхий тарбия
- Хислатли ҳикматлар шарҳи
- Бахтиёр оила
- Ижтимоий одоблар
- Мукаммал саодат йўли
- Ихтилофлар: сабаблар, ечимлар
- Дин насиҳатдир
- Бозор ва унга боғлиқ масалалар

- Ёлғон
- Зикр ахлидан сўранг
- Исроф
- Кексаларни эъзозлаш
- Мазҳабсизлик – Ислом шариатига таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир
- Мўминнинг меърожи (муфассал намоз китоби)
- Мўминнинг нажоти (муфассал закот китоби)
- Мўминнинг қалқони (муфассал рўза китоби)
- Очиқ хат
- Соф табиат дини
- Соғлом бола
- Фолбинлик, сеҳргарлик, жин чиқариш ва ноанъанавий даволаш каби ишлар ҳақиқати
- Қарз ва унга боғлиқ масалалар
- Самарқанднинг сара уламолари
- Ҳидоят имоми (Имом Абу Мансур Мотуридий)

**«Исломнинг мадори бўлган ҳадислар» туркуми:**

- Амаллар ниятта боғлиқдир
- Дин насиҳатдир
- Ҳалол очиқ ойдиндир, ҳаром очиқ ойдиндир
- Зухд ва ҳаё

**Рус тилидаги китоблар:**

- Тафсир Хилал (30-жуз ҳамда 1 ва 2-томлар)
- Ийман, Ислам, Куръан
- Васатыя – путь жизни
- Открытое послание
- Суннитские вероубеждения
- Разногласия: причины и решения
- Истина о сути гадания, колдовства, изгнания джиннов и нетрадиционных методов лечения

## «Хадисы и Жизнь» туркуми:

- 1-том. «Введение»
- 2-том. «Ислам и Ийман»
- 3-том. «Намерение, ихлас и знание»
- 4-том. «Чистота»
- 18-том. «Исцеление и рукийа»
- 19-том. «Пророк, явившийся мирам милостью»

## «ОЛТИН СИЛСИЛА»

Шайх ҳазратларининг сўнгти йилларда халқимиз, Ватанимиз ва Ислом олами олдида қылган энг буюк хизматларидан яна бири – «Олтин силсила» деб номланган сахих ҳадислар мажмуаларининг академик нашрига бош-қош бўлганларидир. «Набавий ҳадисларниң олтин силсиласи» деб номланган ушбу улкан илмий лойиҳага Ислом оламида эътироф этилган «Сиҳоҳи ситта» (Олтита сахих) муаллифлари ҳамда яна уч буюк мұхаддиснинг сахих ҳадислар тўплами киритилди:

1. «Сахиҳи Бухорий»
2. «Сахиҳи Муслим»
3. «Сунани Абу Довуд»
4. «Сунани Термизий»
5. «Сунани Насойй» (*«Сунани сүгрө» ёки «Мужтабо»*)
6. «Сунани Ибн Можа»
7. «Муваттои Молик»
8. «Сунани Доримий»
9. «Сахиҳи Ибн Ҳиббон»

Мазкур тўққиз мажмуанинг барча матнлари шайх ҳазратларининг бевосита раҳбарликлари остида тўлиқ таржима қилиниб, нашрга тайёрланди. Ҳозирги кунда «Олтин силсила»нинг дастлабки китоби бўлмиш «Сахиҳул Бухорий»нинг дастлабки беш жузи нашр қилинган.

## ДҮСТ-ЁРЛАР, ЖҮРАЛАР

Машхур кишилар доимо халқнинг назарида, эътиборида бўладилар. Уларнинг фаолияти, яшаш тарзи матбуот саҳифалари, радио-телевидение орқали тез-тез намойиш этиб борилади, номлари ихлосмандларининг тилидан тушмайди, хуллас, улар шоу-бизнес қаҳрамонларига, юлдузларга айланадилар. Улар ўzlари хоҳласа-хоҳламаса, фақат катта-катта давраларда меҳмон бўлишга, «катта-катта» одамлар билан улфатчилик қилишга, «каттакон»ларнинг тўйларида хизмат қилишга, катта-катта еб-ичишга, катта-катта сарфлашга «мажбур бўладилар». Натижада унча-мунчани менсимайдиган, унча-мунчаси билан гаплашмайдиган, унча-мунча давраларда ўтирмайдиган бўлиб қоладилар.

Шайх ҳазратлари ҳам машхур эдилар. Лекин у киши биз тилга олган машхурлардан, юлдузлардан тубдан фарқ қиласдилар. Шайх ҳазратлари ҳар бир соҳада суннатга амал қиласдилар. Худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам каби барчани баробар кўрадилар. Балки оддий инсонларга, ночорроқ кишиларга кўпроқ эътибор қаратардилар. Уларнинг чакириқларини, таклифарини чин дилдан қабул қиласдилар, улар билан дилдан суҳбатлашардилар, уларнинг уйларида ўзларини бемалол ҳис қиласдилар. У кишининг энг яқин жўралари ҳам юқори мансаб эгалари эмас, балки оддий инсонлар эди. Бир сўз билан айтганда, бошқа барча соҳалардаги каби, бу соҳада ҳам суннатга амал қиласдилар.

Шайх ҳазратлари одам ажратмас, ёшу қарига, каттаю кичикка баробар, бир хил муомалада бўлардилар. Баъзи бир одамларга ўхшаб, кишининг амалига, бойлигига ёки ундан етадиган манфаатга қарамасдилар. Ҳаммага

бирдек чиройли, ҳусни хулқ ила муносабатда бўлардилар. Мактабда ўқиган вақтларида ҳам ўқитувчилар, ўқувчилар, айниқса синфдошлари билан жуда яхши алоқада бўлганлар. Устозлари кейинги авлод ўкувчиларига у кишини ўрнак қилиб, одоб-ахлоқлари, аъло ўқишларини мисол қилиб гапиришарди. Шунинг учун ҳам у киши ҳар доим синфдошлари, дўстлари қуршовида эдилар. Дарсларни тайёрлашда улардан ёрдамларини аямас эдилар. Бошқаларга ўхшаб шунчаки вазифаларни кўчириб олиш учун дафтарни бериб турмасдилар, балки дарсни тушунтириб, йўл-йўриқлар кўрсатардилар. Спортда ҳам жуда фаол эдилар. Синфдошлар ўргасидағи бу яхши муносабат умрларининг охирига қадар давом этди. Хурсандчиликда ҳам, қайгули дамларда ҳам улар билан бирга бўлдилар. Синфдошлари йигилиб, тез-тез у кишининг зиёратларига келишар, ёшликлари ни эслаб, суҳбатлар куришарди.

Талабалик даврларида бутун собиқ совет иттифоқидан келган талабалар билан таҳсил олганлари учун барча минтақаларда дўстлари бор эди. Айниқса юқорида айтиб ўтилганидек, бир хужрада истиқомат қилган Илёс Илёсов, Муртазо Али, Абдураҳим Абдукаримовлар билан жуда қалин дўст эдилар. Улар талабалик даврларида бир хил кийинишар, доимо бирга юришарди. Кейинчалик ҳам оиласвий борди-келди қилиб туришди. Ҳозирда машхур уламолар бўлиб етишган Зокиржон Исмоилов, муфтий Талъат Тожиддин, шайхулислом Аллоҳшукр Пошшозода ва бошқалар акамнинг яқин мадрасадош дўстларидан эди. Чет элда, Ливияда таҳсил олиб юрган пайтларида дунё миқёсида дўстлар орттирдилар. Япония, Индонезия, Босния, Филиппин, қўйингки, дунёнинг барча минтақаларида дўстлари бор эди. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги дунёга маш-

хур кишилардир. Лекин биз бу ерда машұрлар ҳақида сүз юритмоқчы эмасмиз. Балки оддий дүстлар, жүралар ҳақида гапирмоқчимиз. Шайх ҳазратлари дунё аҳамиятiga эга бўлган анжуманлар билан бир қаторда, оддий одамлар таклиф этган маросимларда ҳам иштирок этардилар. Маросим кимники, қандай маросим, бу ҳақда суриштирмас эдилар. Маросим Ислом дини, шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлса, кифоя қиласди. Агар маросим кам таъминланған оиласларга тегишли бўлса, албатта боришга ҳаракат қиласди. Оддий халқ учун маҳсус вақт ажратиб, ҳафтанинг маълум кунларидан ҳаммани бирдай қабул қиласдилар. Тащрифчиларнинг гапига эътибор билан қулоқ солиб, ҳожатларини чиқаришга уринардилар.

Ҳафта давомида аҳли илмлар, уламолар, толиби илмлар, шогирдлар даврасида бўлиб, уларга турли диний илмлардан сабоқ берсалар, дам олиш кунлари бирга бўладиган жўралари оддий одамлар эди. Икки тараф ҳам бирор манфаатни кўзламас, самимий муносабатда бўларди. Шайх ҳазратлари жума намозини ана шу жўраларидан бири мутавалли бўлиб хизмат қиласдиган масжидда ўқир эдилар, жўраларининг аксари ана шу масжиднинг қавмидан эди. Уларнинг орасида тадбиркорлар, чилангар усталар, ошпазлар, хуллас, оддий касб эгалари бор эди.

Келинг, уларни ҳам сұхбатга тортайлик.

Мирвали ҳожи шундай хотирлайдилар: «Шайх ҳазратларини аэропортта кузатиб чиқсан пайтларимда бальзи давлат масъуллари, раҳбарлар, оддий милиция ходимлари келиб, у кишини зиёрат қилиб, дуоларини олишар эди. Шайх ҳазратлари ҳаммага бирдек яхши муомалада бўлардилар. Менинг иккита тўйимда у киши узрли сабабларга кўра иштирок эта олмадилар. Учин-

чи түйимизга эса бир оз кеч қолиб келдилар. Ўшанда мързаны ҳолатта мос ҳазил билан, шундай бошлилар: «Мирвали ҳожи биродаримизнинг ихлоси бир оз сусайганга ўхшайди. Биз одатда яхши кўрган, яқин биродарларимизнинг маросимларига қатнаша олмас эдик. Ҳожимнинг ҳам иккита маросимларига қатнаша олмагандик, бунисига эса бир оз кеч бўлса-да, етиб келдик...» Ўшанда қилган мързалари жуда таъсирили чиққан, эшитганларнинг хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолган эди. Динимизга, халқимизга фойдали насиҳатлар қилган эдилар».

Шайх ҳазратлари одатда жума намозини Ибн Сино мавзесидаги жомеъ масжидда адо этардилар. Шу масжиднинг мутаваллиси Маҳкам aka шундай эслайдилар:

«Динимизнинг арконларини яхши билмайдиган вақтларимиз эди. Тоғам билан муносабатимиз бироз узоқлашиб қолган эди. Шайх ҳазратлари қариндош уруғларга яхшилик, силаи раҳм ҳақида гапириб қолдилар. Шунда тоғамиз билан ўргамиздаги нокулай ҳолатдан арз қилдим. У киши: «Тоғангизнинг олдига бориб, албатта ярашинг, шунда сизга савоб бўлади, ҳеч қаён тоғангиз кўксингиздан итармайди, хусни қабул қиласидар», дедилар. Мен айтганларини қилдим. Шайх ҳазратлари айтгандек, тоғам мени чиройли қабул қиласидар. Қайнонамиз билан ҳам бироз муддат узоқлашиб қолгандик, у кишининг олдиларига бориб, дуоларини олишими тавсия қиласидар. Ҳозир қайнонам билан яхши муносабатдамиз. Ёшлари улуг, 100 ёшга яқинлашиб қолган. Доимо дуодалар. У киши: «Маҳкамжон ўғлим менга ўз фарзандларимдан ҳам меҳрибон», дейдилар».

Шавкат ҳожи шайх ҳазратларининг қилган ишлари, ёзган асарларини эсга олиб, ўз ҳаётида рўй берган бир воқеани сўзлаб бердилар: «Хизмат сафари билан қўш-

ни давлатлардан бирига бордим. Мәхмонхонада бир рус биродар билан ҳамхона бўлиб қолдим. Одатимга кўра, шайх ҳазратларидан дуо олмасдан сафар қилмас эдим. Вазиятни баён қилдим. У киши узоқ насиҳат қилиб, дуо қилдилар. Ҳар доим ўзим билан нашрдан янги чиққан китоблардан бирини олиб, ўқиб юрардим. Бу сафар «Васатия – ҳаёт йўли» китобини ўқиётган эдим. Рус биродаримиз мәхмонхонада озодаликка, ички тартиб-қоидаларга ҳадеганда амал қиласкермади. Масалан, кийимлари ечган жойида қолиб кетаверарди. Мен эса ўқиганларимга қўлдан келганича амал қилишга ҳаракат қиласердим. Ҳамхонамнинг кийимларини йиғишириб, хонани тартибга келтириб қўярдим. Сал ўтмай, бу нарсалар биродаримизга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Суҳбат давомида мен қилаётган ишларнинг сабабини сўраб қолди. Мен унга Исломнинг афзалликлари ҳақида, ўқиётган китобим тўғрисида сўзлаб бердим. У китобга жуда қизиқиб қолди, китоб ўзбек тилида эди. Биродарим ўзи билан бирга ишлайдиганлар ичида бу тил бўйича мутахассислар борлигини айтиб, китобни мендан сўраб олди. Кейинчалик телефон орқали боғланганимизда у китоб катта ёрдам берганлиги, шундай китобларни рус тилига ҳам ўгириш лозимлигини айтди. Ўз ҳаётида кўплаб ижобий ўзгаришларга сабаб бўлганлигини баён қилиб, миннатдорчилик билдириди. Ана шунаقا, бизнинг шайх ҳазратларининг бажарган ишлари, қилган дуолари биз учун жуда ҳам қадрли эди, биз қолиб, бошқа миллат вакилларига ҳам ўз таъсирини кўрсатарди».

Шайх ҳазратлари булардан ташқари Равшанбек, Ёрқинжон, Сайдазим ҳожи, Собит ҳожи, Мавлон ака каби яна кўпгина ана шундай оддий инсонлар билан бирга ҳордик чиқарар, мириқиб суҳбатлашар эдилар. Барча жўралар бир-биридан яхши, самимий инсонлар. Дўст-

лик муносабатлари остида ҳеч қандай манфаат ётмайды. Ҳақиқий мусулмонларга хос, бир-бирларини Аллоҳ учун яхши күришади. Шайх ҳазратлари уларга шундай рухни сингдириб кеттәнлар. Ҳозир, шайх ҳазратларидан кейин ҳам биродарларни давом этмоқда. Бу жүраларни бирлаштирган омил, аввало, Ислом дини, уламоларга бўлган ихлос, ҳурмат-эхтиром эди.

Юқорида бир неча марта зикр қилганимиздек, шайх ҳазратлари оддий инсон эдилар. Бошқалар каби яхшиликлардан хурсанд бўлар, нохушликлардан хафа бўлар, ўрни келганда аччиқлари ҳам чиқарди. Лекин буларнинг ҳаммаси Аллоҳ учун, дин учун бўларди. У кишининг бирор марта ўзлари учун жаҳллари чиққанини эслай олмайман. Бирор билан уришиб, тортишмас, сўкишмас эдилар. Душманлари кўп эди. Лекин бирортасига ҳам шайх ҳазратлари томонидан душманлик қилинмас эди. Бир куни у кишига бир раҳбар: «Фалончи билан ярашиб олинг», дебди. Шунда: «Нима учун, ахир ярашиш учун олдин уришиш керак. Мен ҳеч ким билан уришганим йўқ-ку», деб жавоб берган эканлар. Ҳаётлари давомида анчагина нохуш воқеалар, ҳар хил ҳолатлар бўлиб ўтди. Лекин бирон марта бирорвга, ҳатто менга ҳам шикоят қилганлари йўқ.

Хорижда яшаган пайтимиизда менга насиҳат қилиб: «Ҳеч кимнинг устидан гапирмагин, айниқса Ватанимиз ҳақида ёмон фикрда бўлмагин», деган эдилар. У кишининг яхши ниятлари, Ватанга бўлган севгилари, садоқатлари Ватанга қайтишимизда замин бўлди. Душманлик қилганлар кечирим сўрасалар, Аллоҳ, йўлида кечирдилар. Душманларини мардлик билан, матонат билан, динга, халққа хизматлари билан енгдилар. Мисли кўрилмаган даражада меҳнат қилдилар. Бекиёс даражада мерос қолдирдилар. У зот қолдирган мерос оддий мерос эмас, балки илмий мерос, илмий хазина-

дир. Күплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирдилар. Иншааллох, шайх ҳазратлари қылган ишлар қиёматта қадар садақаи жория бўлиб давом этажак.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бутун умрларини, бору йўқларини Исломга бағишлидилар. Ҳа, азизлар, бу Исломга бағишланған умр эди!

### **НИҲОЯСИЗ ХОТИРАЛАР**

Одатда китоблар муқаддима, кириш ёки сўз боши билан бошланиб, хотима билан якун топади. Биз ҳам бу хотиротларни ўша таомилга биноан бошладик, лекин китоб сўнгидаги хотима қила олмадик. Сабаб – хотиранинг хотимаси бўлмас экан. Шунинг учун китобга «Ниҳоясиз хотиралар» билан якун ясадик.

**Ақажоним...**

Аллоҳдан бошқа ҳар бир нарсанинг бошланиши ва охири бор. Мана, сизнинг хотирангизни ёзиш охирламоқда. Ҳар бир бандай ожиз каби сиз ҳам туғилдингиз, ҳаётингизни яшаб, у дунёга риҳлат қилдингиз. Аллоҳ бу дунёни шундай яратган экан. Ҳар бир нарсага бир сабаб бўлар экан. Табиблар: «Одам яшар экан, ҳаёти давомида турли воқеликлардан таъсирланиб, бунинг натижасида охир-оқибат умр тугайди», дейишади. Шу нарсани сизнинг тимсолингизда кўриб турибмиз. Сиз ҳаётни ниҳоятда севар эдингиз. Жисмонан бақувват эдингиз, умрингизнинг охирги дақиқаларида ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланаётган эдингиз. Ҳаётингиз давомида динингизга, халқингизга етадиган манфаатлардан қувондингиз. Акси бўлса, қайғурдингиз. Ҳаёт қувончлари-ю машаққатларини бошингиздан кечирдингиз. Қоп-қора соchlарингиз қордек оқарди. Булар Ислом йўлида оқарган соchlардир!

*Фазола ибн Убайддан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «Кимнинг Аллоҳ йўлида бир туки оқарса, қиёмат куни унинг учун нур бўлади».

*Аҳмад, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.*

Ватанингиз мустақил бўлганда қанчалар хурсанд бўлган эдингиз! Ватандошларингиз ҳаж фаризасини адо этишга отлангандаги хурсандчилигингиз янада зиёда бўлди. Мусҳафи шариф мусулмонларга қайтарилганда, диёrimизга миллионта Мусҳаф келтирилганда Аллоҳга ҳамдлар айтдингиз! Фақат ўзингизнинг, оиласизнинг эмас, бутун ҳалқингиз, диндошларингиз ғамини, ташвишини тортдингиз.

Сиз жуда кўп китоблар таълиф қилдингиз... Сиз ёзиб тутатган китобларни биз ҳали ўқиб тугата олмаяпмиз!

Қанчадан-қанча тухмат-бўхтонларга бардош бердингиз... Савоби кетади деб, мухолифларингизга бир оғиз қаттиқ сўз айтмадингиз. Хорижда Ватандан, севимли ҳалқингиздан айрилиқдаги йиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Сизнинг юрагингиз кўшгина оғир жафоларга, разолатларга чидаб келаётган эди. Ҳаётнинг ҳар бир хурсандчиликларидан қувонганингизда, ғам-андухларидан маҳзун бўлганингизда, юрак торларингиз бир-бир узилиб, охири...

2015 йил 10 март. Кечки пайт. Сиз спорт билан шуғулланмоқдасиз. Машғулотлар тугади. Олдинда қоронғи тун. Бирдан...

### **«МАВТУЛ ОЛИМ – МАВТУЛ ОЛАМ»**

Ҳа, ўлим билан ўлимнинг фарқи бор. «Олимнинг ўлими бутун оламнинг ўлими» деб бекорга айтилмаган экан. Сиздек олим яна дунёга қачон келади, фақат ёлғиз Аллоҳ

билади. Бир дона олий маълумотли инсонни тарбиялаб етиштиришга қанча вақт кетади. Сиздек олимга эса...

Ха, Аллоҳ Үзи раҳм қилиб, халқимизга сизга ўхшаган олимларни кўплаб ато айласин! Омин!

Мусибат етганида ўзини қандай тутишни ўзингиз ўргатгансиз. Шунга кўра, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларини эсга оламиз. Мусибатга сабр қиласиз!

Хотираларнинг хотимасини ёзиш мен учун жуда ҳам оғир бўлди. Бу сатрларни ёза олмай, бир неча ойлар қийналдим. Ва ниҳоят, қазои қадарга тан бериб, ёзишга киришдим. Кўзларда ёш, қалбларда ҳузн, тилларда, дилларда дуо. Аллоҳ сизни раҳмат айласин! Омин!

Тақдир илоҳий, қазои қадар...

Компьютерингизни очиб қарасак, бир юз нечанчи китобингиз – «Қазои қадар»ни ёзиб тугатаётган экансиз. Қазои қадарни қаранг...

Халқингизнинг сизга бўлган муҳаббати жанозангизда намоён бўлди. Минг-минглаб мухлислингиз кўзларида ёш, қалбларида ҳузн ила сиз билан видолашдилар! Кўулларида сизнинг китобларингиз. Маънавият осмонимизда «Тафсири Ҳилол»ингиз порлаб турибди. «Ҳадис ва Ҳаёт» ва бошқа китобларингиз садақаи жория бўлиб оқмоқда. Иншааллоҳ, орзу қилганингиздек, келгусида бу ҳилоллар осмонимизда тўлин ойдек нур сочиб туражак! Фарзандларингиз, шогирдларингиз, издошлирингиз ишингизни давом эттирадилар!

Хотиралар, хотиралар... Туганмас хотиралар... Ниҳоясиз хотиралар... Кўз олдингдан кино тасмасидек бир-бир ўтаверади.

Ха, шайх ҳазратларидек зотни хотирламай бўладими? У киши қолдирған улкан меросни эсга олмай бўладими? Биз сиз ҳазратни ҳали кўп эслаймиз, хаёлан сұхбат кура-

миз. Насиҳатларингизга амал қиласыз. Күрсатған йўлингиздан юрамиз. Хотирлашда давом этамиз, ҳаққингизга дуолар қиласыз! Аллоҳ жойингизни жаннатда қилсин! Омин!

Акам ҳақидаги, шайх ҳазратлари тўғрисидаги хотираларимизни қофозга туширамиз деб ҳеч қачон ўйламаган эдик. Мана, кўлдан келганича ёздик ҳам. Бу ишдан асосий мақсадимиз – мусулмонларга бир оз бўлса-да, нафимиз тегишини истадик. Шайх ҳазратларининг вафотларидан кейин хотира ёзиш урфга айланниб қолди десақ, муболага бўлмайди. Бундан кўзланган мақсад эса ҳар хил. Лекин битикларимизнинг аввалида ҳам, ҳозир ҳам таъкидлаганимиздек, бизнинг мақсадимиз битта: бу китоб уни вақт сарфлаб ўқиган азизларимиз учун манфаатли бўлсин. Фарзанд тарбияси борасида Ислом дини нима дейди? Чинакам мусулмон инсон қандай бўлиши керак? Бахтили оила қуриш учун асосий эътиборни нималарга қаратиш лозим? Агар ўқиганларингиздан ушбу саволларга жавоб топган бўлсангиз, биз ўзимизни баҳтиёр сезган бўлардик.

Айтиладиган гаплар бисёр эди, лекин мақсаддан узоклашиб кетмаслик учун айрим нуқталаргагина эътибор қаратдик, холос. Агар ҳис-туйғуларга берилиб, бирор кишининг нафсониятига теккан бўлсак, узр сўраймиз. Бизнинг назаримиздан четда қолган азизлар бўлса, маъзур тутадилар, деган умиддамиз. Зотан, шайх ҳазратлари билан ҳамнафас бўлган барча инсонларни тилга олишнинг имконияти йўқлиги ҳар биримизга аён бўлган ҳақиқатдир.

Ўтганларимизни Аллоҳ мағфират қилсин! Қолганларимизни саломат айласин! Омин!

## МУНДАРИЖА

Хотиранинг охири бўлмайди .....	3
Ёднома.....	9
Болалик йиллари .....	10
Пайғамбарлар суннати.....	13
Мактаб даври.....	16
Дадамиз ҳақида .....	22
Онамиз ҳақида.....	35
Талабалик.....	37
Дўстлар хотираси .....	45
Никоҳ тўйи.....	49
Илм истаб.....	53
Устоз-муаллим.....	59
Муфтийлик .....	68
Халқ вакили .....	77
Хорижда .....	88
Оғир жудолик .....	96
Онажоним, волидаи меҳрибоним!!! .....	97
Ватанга қайтиш .....	127
Келинг, ибрат олайлик .....	129
Дадажоним, падари бузрукворим .....	137
Яна бир оғир айрилиқ.....	139
Волидайн.....	150
Машхур ибратли ҳикоя .....	152
Аллоҳнинг синови.....	153
Халқ хизматида .....	154
Ҳаёт саргузаштларга тўла .....	161
Шайх ҳазратларининг улкан илмий мерослари .....	163
Шайх ҳазратлари таълиф этган китоблар .....	168
«Олтин силсила» .....	171
Дўст-ёрлар, жўралар .....	172
Ниҳоясиз хотиралар .....	178
«Мавтул олим – мавтул олам» .....	179

**Муҳаммад Амин  
Муҳаммад Юсуф**

# **ИСЛОМГА БАҒИШЛАНГАН УМР**

*Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф  
роҳимаҳуллоҳ хотирасига бағишиланади*

*Нашриёт руҳсатисиз нусха кўчиришининг  
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш  
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

**«HILOL-NASHR» нашриёти  
Тошкент — 2016**

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содик*

Муҳаррир: *Барно Саидраҳмон*  
Бадиий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*  
Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*  
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*  
Муқова дизайнери: *Нажот Жўрабоев*  
Мусахҳих: *Салимахон Алийбег қизи*

**Нашр лицензияси № AI 235, 13.02.2013 йил.**

Босишга рухсат этилди 12.07.2016. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ .  
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоги 11,5.  
Шартли босма табоги 9,66. Адади 10000 нусха.  
Буюргма №49. Баҳоси келишилган нархда.



**«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси**  
100185, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5  
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478  
<http://hilolnashr.uz> e-mail: [info@hilolnashr.uz](mailto:info@hilolnashr.uz)